

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат университети

С. А. Хошимов

МАНБАШУНОСЛИК

Андижон 2016

Масъул муҳаррир:

Э.Ю.Юсупов-тарих фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

М.Абдуллаев -тарих фанлари номзоди, доцент

**Ф.Эгамбердиев – АДУ қошидаги Асака академик
лицейи ўқитувчиси**

Ушбу ўқув қўлланмаси манбашунослик фанидан олий ўқув юртлари учун қабул қилинган Давлат стандартлари ва намунавий дастурга мувофиқ тайёрланган. Қўлланмада манбашуносликнинг назарий масалалари, Ўзбекистоннинг қадимги, ўрта асрлар ва янги тарихини ўрганишга бағишланган юнон, лотин, хитой, араб, форс ва ўзбек тилларида ёзилган ҳамда бизгача етиб келган қўлёзма манбалар, манбашунослик фанининг энг муҳим масалалари ва долзарб муаммолари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўқув қўлланмада мутахассисларнинг манбалардан фойдаланиши, уларни ўқитиш методикаси ҳам имкон даражада ёритилган.

К и р и ш

Мустақиллик шарофати туфайли ўзбек халқи ўзлигини том маънода англаб, жаҳонга юз тутди, ўзи белгилаб олган истиқболли тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормокда. Истиқлол йилларида биз бой ва қадимий тарихимизни қайтадан кашф этиш имконига эга бўлдик. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”.¹

Шу сабабли тарихий воқеликни асл манбалар ёрдамида илмий жиҳатдан ҳолисона ёритиш бугунги кунда тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур ўқув қўлланмада манбашуносликнинг назарий масалалари баён этилиши билан бирга Ўзбекистон тарихининг қадимги, ўрта аср ва янги тарихини ўрганишга бағишланган манбалар таҳлил қилинади. Жумладан, китобда Ватанимиз тарихига доир юнон, лотин, хитой, араб, форс ва ўзбек тилларида ёзилган, бизгача етиб келган қўлёзма манбалар, манбашунослик фанининг энг муҳим масалалари ва долзарб муаммолари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада чор Россияси мустамлакачилиги даври, совет тоталитар тузуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларига доир манбаларга ҳам қисқача таъриф берилади.

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. –Т.: Шарқ, 1998. –Б.3

МАВЗУ-1: МАНБАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Р Е Ж А:

- 1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад.**
- 2. Тарихий манбаларнинг умумий тавсифи.**
- 3. Манбашунослик фанининг мақсад ва вазифалари.**
- 4. Манбашунослик ва тарих фанининг ёрдамчи соҳалари.**

Таянч сўз ва иборалар: Манбашунослик, манбалар, ёзма манбалар, моддий манбалар, ашёвий манбалар, этнографик манбалар, фольклор манбалар, лингвистик манбалар, фотокинохужжатлар, фонохужжатлар, тарихий манба, бирламчи манба, асл нусха, автограф, битик, ёзма ёдгорлик, қўлёзма, қўлёзма китоб, тошбосма, литографик китоб, нашр, оммавий нашр, илмий академик нашр, палеография, дипломатика, гералдика, сфрагистика, эпиграфика, нумизматика, метрология, хронология, топономика.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
6. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.

7. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. – Т. : Ўқитувчи. 1993.
8. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Т.: Фан. 1998.
9. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука. 1987.
10. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
11. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 /Ma'sul muxarrir: A Sagdullaev.- Т.: SHARQ, 2010.
12. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. .-Т.: Янги аср авлоди, 2012.
13. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад.

Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад талабаларда ушбу фан соҳаси тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилиш, уларда қизиқиш уйғотиш ва Ўзбекистон тарихини манбалар асосида мустақил ўрганиш малакасини ҳосил қилишдан иборатдир.

Тарихий факт ва воқеалар баёни инсон характери, маълумот берувчи шахс, гуруҳ, фирқа, сулола, мазҳаб ва мамлакатлар манфаати йўлида турлича талқин қилиниши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон яқин тарихи-мамлакатимизнинг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги сиёсий воқеалар турли даврларда, манбаларда ва турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Булар ўз даврида яратилган ёзма ёдгорликлар, тарихий ҳужжатлар ва солномаларда қандай баён қилинган?Совет даврида қандай тушинтирилди?

Ва ниҳоят мустақиллик шароитида тарихий адолатни тиклаш, манбаларга ҳолис ва объектив ёндошиб, бўлиб ўтган воқеаларни билишимиз мумкин ва

керак. Бу эса манбашунослик фанисиз, манбаларга илмий ёндашувсиз мумкин эмас. Чунки, ўша даврдаги ёзма ёдгорликларнинг аксарияти араб алифбоси асосидаги ёзувимизда, бир қисми рус тилида ҳам битилган ва ўша даврга хос тарихий хусусиятларга эга.

Хулоса, манбашунослик фани юртимиз тарихи тўғрисида холис ва объектив билим олишга, ўзлигимизни англашга, бой ва қадимий маданиятимизни билишга хизмат қилувчи тарих фанининг муҳим соҳаларидан биридир.

2. Тарихий манбаларнинг умумий тавсифи.

Тарихий манба деганда биз ўтмишдан қолган ҳамда жамият ҳаётининг айрим босқичи ёки томонларини ўзида мужассамлаштирган моддий ва маънавий ёдгорликларни тушунамиз. Тарихий манбалар қаторига қадимги одамларнинг манзилгоҳлари, қадимги шаҳарлар, қалъалар ва уларнинг харобалари, суғориш иншоотлари, қолдиқлари, аجدодларимизнинг меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнатлар, тангалар, қоятош суратлари, петроглифлар, ёзма ҳужжатлар ва бошқалар киради.

Тарихий манбалар инсонларнинг ижтимоий фаолияти давомида яратилади ва ўтмиш ходисаларини ўзида акс эттиради. Тарихий манбаларнинг мавжудлиги тарих фани ривожланишининг асосий шартидир. Тарихий манбаларсиз тарихни ўрганиш мумкин эмас.

Хозирги замон тарих фанида тарихий манбаларни шартли равишда қуйидаги 7 асосий гуруҳга бўлинади.

1. АШЁВИЙ МАНБАЛАР. Ашёвий манбаларга қадимги одамларнинг манзилгоҳлари, бинолар, турли иншоотлар, меҳнат қуроллари ва турли буюмлар киради. Ашёвий манбаларни қидириб топиш ва ўрганиш билан асосан археология фани шуғулланади.

2. ЭТНОГРАФИК МАНБАЛАР. Халқларнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи, маънавий ҳаётини, содир бўлган ва бўлаётган этник жараёнларни ўзида акс эттирган материаллар этнографик манбалар гуруҳига киради. Бу манбаларни кўмакчи тарих фанлари – этнология фани ўрганади. Этнографик

манбалар айрим холларда узоқ ўтмишни қайта тиклашда ғоят муҳим роль ўйнайди. Масалан, XIX асрда америкалик этнограф олим Л. Морган Шимолий Америкада яшаган хиндуларнинг ирокезлар қабиласи ҳаётини ўрганиб, ўзининг «Қадимги жамият» номли асарини ёзди. Унинг бу асарини инсоният тарихининг илк даври – ибтидоий жамият тарихини тадқиқ этишда яқиндан ёрдам берди. Хозирги кунда турли ўзбек уруғларига мансуб бўлган аҳоли гуруҳларининг жамлови, уларнинг этник хусусиятларини ўрганиш тарихимизнинг этник саҳифаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

3. ФОЛЬКЛОР МАНБАЛАР. Халқ узоқ асрлар давомида ўзи орттирган тарихий билимларни оғзаки ижод орқали авлоддан-авлодга етказиб келди. Турли ривоятлар, асотирлар, халқ достонлари ва мақолларида тарихнинг у ёки бу томонлари ўз аксини топди. Таниқли рус тарихчиси Б.Д. Греков ёзганидек, ривоят ва асотирлар – «Бу халқнинг ўзи сўзлаб берган тарихидир» (Киевская Русь. Москва. 1953. с. 6). Ўрта Осиё энг қадимги халқларининг оғзаки ижодиёти намуналари бизгача «Авесто» китоби орқали, шунингдек антик тарихчилар ҳамда Табарий, Наршахий, Беруний ва бошқалар асарлари орқали етиб келди. Ўрта Осиёда истиқомат қилган қадимги қабила ва элатларнинг ривояту асотирларлари уларнинг турмуш тарзи ва маънавий дунёси ҳақида маълумот беради. Қадимги аجدодларимизнинг ажнабий босқинчиларга қарши олиб борган курашлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бу ривоят ва эртакларда малика Тўмарис, чўпон Широқ, баходирлар Рустам ва Сиёвуш образини яратди. Уларнинг Ватан озодлиги йўлидаги фидокорона курашларини тараннум этди. Халқ афсоналари Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома» асарининг сюжетини ташкил этди.

Ўрта асрларда ўзбек халқи ижод қилган эпик достонлар, эртаклар ва кўшиқлар, мақол ва топишмоқлар халқ тарихини, унинг руҳияти ва маънавиятини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, фольклор манбалари аниқ тарихий манба сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби шуки, ривоятларда кўп хронологик чалкашликлар мавжуд ҳамда тарихий шахсларнинг фаолият

кўрсатган даври ўзгариб туради. Фольклор шундай жанрки, унда сўзловчи воқеалар сюжетини ўзи хоҳлаган тарзда ўзгартириши мумкин. Шунинг учун фольклор материалларидан фақат қўшимча тарихий манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

4. ЛИНГВИСТИК МАНБАЛАР. Ўзбек тили ва бошқа тилларнинг лексик таркибида мавжуд бўлган, ҳозир ҳам мавжуд атамалар, топонимлар (жой номлари)ни тадқиқ этиш жараёнида қимматли тарихий материаллар қўлга киритилиши мумкин. Атамалар ва топонимларнинг келиб чиқиши ва мазмунини аниқлаш билан лингвистика (тилшунослик) фани шуғулланади. Бундай маълумотлар лингвистик манбалар деб аталади. Масалан, «Бухоро» топоними санскрит тилидаги «вихара» сўзининг ўзгарган варианты бўлиб, «ибодатгоҳ» деган маънони билдирилиши аниқланган. Қадимда Бухоро шаҳрида буддавийларнинг ибодатхонаси мавжуд бўлганлиги сабабли кейинчалик бу сўз мазкур шаҳарга нисбатан ишлатила бошлаган. Шунга ўхшаб «вағнзе», «дахью», «суюрғол», «танхо» сингари юзлаб атамаларнинг келиб чиқишини ўрганиш қизиқарли тарихий маълумотлар беради.

5. ФОТОКИНОҲУЖЖАТЛАР. Фотография ҳамда кино санъати пайдо бўлгандан сўнг тарихий манбаларнинг янги бир гуруҳи вужудга келди. Бундай манбалар фотоҳужжатлар деб аталади. Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий кинофотофоноҳужжатлар Давлат архивида XIX асрнинг охиридан ҳозирги кунга қадар бўлган муддатда ўлкамизда содир бўлган воқеаларни акс эттирувчи бой фотоҳужжатлар коллекцияси сақланади. Киноҳужжатлар эса асосан Октябрь тўнтаришидан кейинги даврни акс эттиради. Фотокиноҳужжатларнинг муҳим томони шундан иборатки, улар тарихимизнинг турли лаҳзаларини жонли тарзда гавдалантиради. Ҳужжатларнинг бу гуруҳини ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш бизнинг тарихий тасаввуримизни яна кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

6. ФОНОҲУЖЖАТЛАР. Фоноҳужжатлар деганда биз граммафон пластинкалари ҳамда магнит тасмаларга ёзиб олинган нутқлар, суҳбатлар, адабиёт ва санъат асарларини тушунамиз. Ўзбекистон Марказий

кинофотофонохужжатлар Давлат архивида қатор шундай хужжатлар сақланмоқда. СССР ва Ўзбекистон ССР давлат ҳамда жамоат арбоблари, фан адабиёт ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш ижодкорларининг нутқ, интервьюлари, эски большевиклар, фуқаролар уруши ҳамда иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг эсдаликлари алоҳида ўрин тутди. Лекин бу хужжатларнинг кўпчилиги ўша даврда ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура руҳи билан йўғирилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Архивда шоир ва ёзувчиларнинг ўз асарларидан ўқиган парчалари матни, санъат усталарининг концертлари ҳам ёзиб олинган. Фонохужжатлар ҳам тарихнинг жонли манзараларини яратишга, адабиёт ва санъат тарихини теран ўрганишда муҳим ўрин тутди.

7. ЁЗМА МАНБАЛАР. Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий қисми ҳисобланади. Ўрта Осиёда милоддан аввалги 1 минг йилликда дастлаб оромий ёзувлари, сўнгра асосланган сўғд, хоразм ва бактрия ёзувлари тарқалди. Кейинчалик бу минтақада юнон, кушон, турк ва араб ёзувлари ёйилди. Қадимги Форс, Сўғд, Хоразм, қадимги турк, форс-тожик, эски ўзбек, рус ва бошқа тилларда битилган ёзма манбалар кўп асрлик тарихимизни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Ёзма манбалар қояларга, тахта ва матоларга, пергамент ва қоғозларга ёзилган битиклардан иборат. Ёзма манбалар даврлар бўйича нихоятда нотекис бўлингандир. Энг қадимги даврлар бўйича ёзма манбалар нихоятда оз бўлиб, кейинги асрларга оид манбалар эса тобора кўпайиб боради. Ёзма манбаларнинг катта қисми сон-саноксиз жангу жадаллар ва табиий офатлар натижасида нобуд бўлди.

Бизгача етиб келган тарихий манбаларнинг асосий қисми милодий X-XX асрларга мансубдир. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидан ёзма манбаларнинг миқдори кескин ошиб борди. Ҳозирги кунга келиб ёзма хужжатлар шу даражада кўпайиб кетдики, уларни унификация қилиш, ахборотни кодлаштириш, хужжатларни саралаш ва сақлаш йўллари тақомиллаштириш эҳтиёжи туғилди.

Тарихий манбаларни 7 та гуруҳга бўлиш шартли характерга эгадир. Масалан, этнографик, фольклор ва лингвистик манбалар ёзма шаклда ёки фотохужжат шаклида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, юқорида кўрсатиб ўтилган тарихий манбалар гуруҳи ўз навбатида яна кичикроқ гуруҳларга бўлиниши мумкин.

3. Манбашунослик фанининг мақсад ва вазифалари.

Манбашунослик тарих фанининг шўъбаси бўлиб, асосан ёзма манбаларни ўрганиш ва улардан фойдаланишнинг назарияси ҳамда услубиётини ишлаб чиқади. Манбашунослик тарихий манбаларни аниқлаш, уларни туркумлаш, манбалар қачон ва қаерда вужудга келганлигини, ким томонидан қайси мақсадда ёзилганлигини, манбалардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлаллигини аниқлаш билан шуғулланади. Манбашунослик тарих фанининг бир қатор ёрдамчи соҳалари, жумладан палеографик, дипломатика, геральдика, лингвистик, топономик сфрагистика, эпиграфика, археография, нумизматика, метрология ва хронология сингари фанларнинг қўлга киритган ютуқларига таянади.

Хозирги кунга қадар хилма-хил ёзма тарихий манбаларни классификация қилиш, яъни туркумлашнинг ягона тизими ишлаб чиқилганича йўқ. Тадқиқотчилар орасида манбаларни уларнинг келиб чиқиши, мазмуни тури ва хилига қараб туркумлаш одат тусига кирган. Ёзма тарихий манбаларни кўп ҳолларда уларнинг тури ва хилига қараб туркумлашади. Ёзма манбаларнинг ҳар бир тури маълум бир мазмун ва йўналишдаги ҳужжатларни бирлаштиради. Масалан, қонунлар тўплами, иш юритиш ҳужжатлари, солномалар, статистик маълумотлар, тарихий асарлар, эсдаликлар, матбуот материаллари, кундаликлар, мактублар ва хоказо. Манбаларнинг ҳар бир тури ўз навбатида алоҳида хилларга бўлиниши мумкин. Масалан, қонунлар тўплами одатда қуйидаги ҳужжатлар туркумларини ўз ичига олади: конституциялар, қонунлар мажмуаси, давлат, олий органи қарорлари, ҳарбий уставлар, халқаро шартномалар ва хаказо.

Ёзма манбаларни илмий асосда таҳлил этиш уларнинг келиб чиқишини, шакли, мазмуни, тўлиқлиги даражасини, уларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини ва ишонарлигини аниқлаш тақозо этади. Манбаларнинг илмий таҳлили энг аввало уларнинг ташқи белгиларига қараб таҳлил қилишни талаб қилади. Бундай таҳлилдан асосий мақсад манбанинг келиб чиқишини аниқлашдан иборатдир. Тарихий манбани ички белгиларига қараб таҳлил этиш эса унинг мазмунини, бу манбадаги фактларнинг тарихий ҳақиқатга мос келиши ёки келмаслигини аниқлашни, шу асосда мазкур манбадан илмий мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлашни тақозо этади.

Бирон-бир тарихий манбанинг илмий таҳлили унинг ҳақиқийлигини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун тарихий манбанинг ташқи хусусиятлари (ёзувнинг материали, сиёҳ, безаклар) ҳамда унда келтирилган хронологик ва метрологик маълумотларни, тил хусусиятларини, манбада тилга олинган тарихий воқеалар, шахслар ва жўғрофий атамаларни таҳлил этиш керак. Қўйилган мақсадга эришиш учун бошқа кўмакчи тарих фанлари – палеография, метрология, топонимика ва хоказо маълумотларидан фойдаланиш зарур бўлади. Демак, манбанинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун унинг барча хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Манбанинг ҳақиқийлиги аниқлангандан сўнг мазкур қўлёзма асар, тарихий ҳужжатнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхаси эканлигини билиш зарур. Агар қўлимиздаги асар кўчирма бўлса, биз уни қачон қаерда ва ким томонидан кўчирилганлигини, бу кўчирма нусха манбанинг асл нусхасига тўғри келиши ёки келмаслигини билишимиз лозим. Шундан сўнг манбанинг матнини ўқиш керак бўлади.

Бунинг учун тадқиқотчи махсус палеографик билимларга эга бўлиши зарур.

Тарихий манбалар билан ишлашнинг муҳим шартларидан бири – бу уларнинг яратилиши санасини аниқлашдир. Тарихий манбаларнинг аксарияти уларнинг яратилиши санаси кўрсатилади. Лекин уларнинг айримларида

(айниқса тўлиқ бўлмаган қўлёзмаларда) манбанинг яратилиш санаси зикр этилган воқеалар ва шахслар, хронологик маълумотлар асосида мазкур асар ёки ҳужжатнинг ёзилган санаси аниқланади. Худди шундай йўл билан манбанинг ёзилган санасини аниқлаш мумкин бўлади.

Тадқиқотчининг навбатдаги вазифаси – тарихий манба муаллифининг исми-шарифини аниқлашдир. Одатда тарихий манбаларда муаллифнинг номи эслатиб ўтилади. Баъзи ҳолларда эса унинг исми-шарифи зикр этилмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда манбани диққат билан ўқиш, унинг мафкуравий мазмунини, матн хусусиятларини яхши билиш, муаллиф хусусида маълум тасаввурлар бериши мумкин. Муаллифнинг шахсини аниқлаш манбанинг яратилиши тарихини, унинг ёзилишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитни аниқлаш учун ҳам зарурдир.

Хар қандай тарихий манбанинг қиймати унда баён этилган воқеаларнинг тўғрилиги ва фактларнинг объективлиги билан белгиланади. Айрим манбалар муаллифлари ўзларининг ижтимоий ахволи ёки бошқа сабабларга кўра ўзлари келтирган тарихий фактлардан тўғри хулоса чиқармайдилар. Бунда манбашунос-тадқиқотчи муаллифнинг хулосаларини танқидий таҳлил этиши ва ўзининг илмий асосланган фикрларини илгари суриши керак. Масалан, Темурийлар даврида яшаган ва уларнинг саховатидан баҳраманд бўлган Мирхонд ўзининг «Равзат ул-сафо» номли асарида Самарқанддаги 1365 йилги сарбадорлар қўзғолонига салбий баҳо бериб, уларни саркашлик ва ёвузликда айблайди. Бундай хулосани объектив баҳо деб бўлмайди, албатта. Ёки Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхоннинг «Бухоро халқининг хасрати тарихи» номли эсдаликларини олайлик. Муаллиф мазкур эсдаликларда ўзини хукмдор сифатида қилган ишларини мақтайди. Ваҳоланки бу амир мақтовга арзигулик ишларни амалга оширгани йўқ. Демак, тадқиқотчилар тарихий манба муаллифларининг ижтимоий келиб чиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фикр ва хулосаларига танқидий руҳда ёндашишлари керак бўлади.

Тарихий манбаларнинг тўлиқлиги, аниқлиги, ишончлилиги кўп ҳолларда муаллифнинг воқеалардан қай даражада хабардорлигига, унинг конкрет

тарихий маълумотларни йиғиши ва қайта ишлаш услубларига боғлиқдир. Шу боисдан муаллифнинг ахборот манбаларини аниқлаш, унинг хизмати, жойи ва ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиш, фикр юритиш қобилиятига баҳо бериш зарур. Муаллиф тарихий воқеаларнинг гувоҳи, иштирокчиси бўлса ёки маълумотларни ишончли манбалардан олган бўлса, унинг асарининг илмий аҳамияти юқори бўлади. Баъзан муаллиф ўз фикрини очик баён қилмайди. Маълум сабабларга кўра ўз фикрини пардали ва истихорали иборалар орасига яширади. Бу мумкин бўлган таркиблардан омон қолиш ёки цензуранинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиш мумкин. Бундай ҳолларда тадқиқотчи манбадаги пинхона мазмунни ошкор қилишга интиломи зарур.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, бирон-бир илмий муаммони тадқиқ этишда бир эмас, бир неча турли характердаги тарихий манбаларга таянмоқ мақсадга мувофиқдир. Қанча кўп тарихий манбалардан фойдаланилса, илмий асарнинг қиймати шунча юқори бўлади. Илмий фактлар системаси эса ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг ички моҳиятини англаб етишга, тарихий тараққиётнинг асосий тенденцияларини аниқлашга ёрдам беради.

Манбашунослик фани турли манбалардаги фактларни бир тизимга солиш, уларни қайта ишлаш ва таҳлил этишнинг хилма-хил усулларини ишлаб чиқади. Бу усуллар (методлар) билан биз кейинги мавзуларда танишиб борамиз. Фақат шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, сўнгги йилларда манбаларни тадқиқ этишнинг бир неча ҳозирги замон усуллари вужудга келди. Бу математик усуллар, компьютерлардан фойдаланиш ва бошқа усуллардир. Хилма-хил методлардан оқилона фойдаланиш манбаларни чуқур ўрганишга ва шу асосда теран илмий концепциялар яратишга ёрдам беради.

4. Манбашунослик ва тарих фанининг ёрдамчи соҳалари.

Манбашунослик ҳамда тарих фани бир қатор ёрдамчи соҳалари – палеография, дипломатика, геральдика, сфрагистика, эпиграфика, нумизматика,

лингвистика, топономика, метрология ва хронология қўлга киритган ютуқларга таянади.

Палеография (юнон. *Палео* - қадимий, *грапхо* – ёзаман; қадимий ёзув) қадимий қўлёзма асарларнинг қоғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усуллари текширади.

Дипломатика (юнон. *Диплома* – икки букланган қоғоз; ҳужжат) расмий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Геральдика (юнон. *Геральд* – герб, белги, нишон) қадимий герблар, турли-туман нишон ва белгиларни (масалан, қадимги туркий қабилаларнинг тамғалари) ўрганади.

Топономика (лотин. *Топос* – жой, ономо- исм, ном) жой номларини, уларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганади.

Лингвистика (лотинча) – тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилишини ўрганади.

Сфрагистика (юнон. *Спрагис* – муҳр) қадимий муҳрлар (подшоҳлар, хонлар, амирлар ва қозилар муҳрлари) ва уларнинг ёзувларини текширади.

Эпиграфика – (юнон. *Эпи* – устида, тепасида, *грапхо* – ёзув; бирон нарса; буюм устидаги ёзув) тош, металл буюмлар, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганади.

Нумизматика (лотин. *Нумис* – пул) қадимий тангаларни (пулларни), ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Метрология (юнон. *Метрон* – ўлчов, *логос* – тушунча – билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик, масофа ва сатҳ ўлчовларини ўрганади.

Хронология (юнон. *Хронос* – вақт, *логос* - тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча) қадимги халқлар орасида ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ва тақвимни ўрганувчи соҳа. Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) номли асари турли тақвимларни ўрганишга бағишлангани учун Европада “Хронология” номи билан машҳур.

Талабаларга манбашунослик фанининг йўналишлари ва асосий хусусиятлари тўғрисида маълумот берилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Манбашунослик фани ўз олдига қандай мақсадларни қўйган?
2. Манбашунослик фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Қандай манбалар турларини биласиз?
4. Манбашунослик ҳамда тарих фанининг ёрдамчи соҳалари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

МАВЗУ-2: ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР.

РЕЖА:

1. Қадимги Эрон манбалари. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто».
2. Антик манбалар.
3. Қадимги Хинд ва Хитой манбалари.

Таянч сўз ва иборалар: Эпиграфик манбалар, Авесто, Беҳистун битиклари, Суза шаҳри харобаларидаги ёзувлар, Персополдаги битиклар, Нақши Рустам ёзувлари, антик муаррихлар, Хитой манбалари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

4. Аҳмедов. Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Аҳмедов. Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
6. Сагдуллаев А.,Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1 қисм –Т.: 2009
7. Исҳоқов М. Сўғдиёна-тарих чоррахасида. –Т.: Фан 1990
8. Исҳоқов М. Унитилган подшоликдан хатлар. –Т.: Фан 1992
9. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
- 10.Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. – Т. : Ўқитувчи. 1993.
- 11.Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Т.: Фан. 1998.
- 12.Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука. 1987.
- 13.Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
- 14.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004.
- 15.Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. –Т.: Фан. 1990
- 16.Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 /Ma'sul muxarrir: A Sagdullaev.- Т.: SHARQ, 2010.
- 17.Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. .-Т.: Янги аср авлоди, 2012.
18. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Қадимги Эрон манбалари. Зардўштийлик дининг муқаддаси китоби «Авесто».

Ўрта Осиёда яшаган энг қадимги халқлар ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манбалар қаторига қадимги Эрон эпиграфик ёдгорликлари киради. Эпиграфик манбалар деганда тошга, қояларга сопол ва ёғочга ўйиб ёзилган матнлар тушинилади. Энг қадимги аجدодларимиз тўғрисида маълумот берувчи дастлабки эпиграфик ёдгорлик Беҳиустун ёзуви ҳисобланади. Беҳиустун ёзуви Шимолий Эронда, Кирмоншоҳ шаҳридан 30 км масофада, Загрос тоғидаги тик қояга ўйиб ёзилган. Унинг узунлиги 22 метр, баландлиги эса 7,8 метрни ташкил этади. Ёзув қадимги форс, элам ва бобил тилларида битилган. Беҳиустун ёзуви бошқа маълумотлар қаторида Ўрта Осиё халқлари тарихи, уларнинг озодлик кураши тўғрисида маълумотлар беради. Ёзув Доро I ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё аҳолиси Аҳамонийлар давлати таркибига кирганлиги ва ажнабий босқинчиларга қарши қўзғолон кўтарилганлиги ҳақида ахборот беради. «Мен Бобилда бўлганлигимда, дейилади Беҳиустун ёзувида Доро I номидан, - менинг давлатимдан Парфия, Марғиёна, Скифия мамлакатлари ажралиб чиқдилар. Марғиёнада бу ерлик Фрада исмли киши ҳукмдор деб эълон қилинди. Мен ўзимнинг Бактриядаги сатрапим форс Дадаршишга буюрдим: «Боргин ва мени тан олмаётган қўшинни тор-мор қилгин». Дадаршиш қўшинлари билан бориб, марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда мени қўллади. Ахурамазданинг иродаси билан менинг лашкарим исёнчиларни мағлуб этди. Бу жанг Ассидиа ойининг 23 кунида (яъни, милoddан аввалги 521 йилнинг 10 декабрида) содир бўлди. Шундан сўнг бу мамлакат менга бўйсунди».

Марғиёнадаги қўзғолон шавқатсизлик билан бостирилди. Беҳиустун ёзувида айтилишича, 55 минг исёнчи қатл этилди. Бу рақам бир мунча оширилган бўлиши мумкин, лекин бундан қатъий назар бу факт Марғиёнадаги қўзғолоннинг кўлами кенг бўлганлигидан далолат беради.

Беҳиустун ёзувида Доро I нинг Орол бўйларида яшаган саклар ва массагетлар диёрига қилган юриши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Доро I мақтаниб, сакларни тор-мор этилганлиги ва уларнинг бошлиғи Скухани асир этиб, унинг ўрнига бошқа одамни уларга бошлиқ этиб тайинланганлигини таъкидлайди. Доро I сакларнинг мардоновар қаршилиги оқибатида уларнинг рахбарини алмаштириб, ўз юртига қайтиб кетганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эпиграфик манбаларнинг яна бир гуруҳи – бу сополга ўйиб ёзилган ёзма ёдгорликлардир. Қадимги Эроннинг пойтахт шаҳарларидан бири бўлган Персополдан топилган сополдаги ёзув ўз мазмуни жиҳатидан Беҳиустун ёзувига яқиндир. Унда Доро I ўзи босиб олган мамлакатларни санаб ўтади. Мазкур катибада Парфия, Ария, Сўғдиёна, Хоразм ва саклар мамлакати унга ўлпон тўлаганлиги қайд этилади. Персополдан топилган бошқа бир ёдгорлик милоддан олдинги 486-480 йилларга мансуб бўлиб, Доро I номидан ундан кейин ҳукмронлик қилган Ксеркс буйруғи билан битилган бу сопол ёзувда ҳам юқорида санаб ўтилган Ўрта Осиё вилоятлари Эронга бўйсунганлиги қайд этилади. Мазкур катибанинг аҳамияти шундаки, Ксеркс даврида амалга оширилган диний ислоҳот унда ўз аксини топган. Ксеркс ўзига бўйсунган айрим мамлакатларда одамлар девларга сиғинганлигини таъкидлайди. «Мен, - деб ёзади у, - девлар маконларини бузиб ташладим ва айтдим: Девларга сиғинманглар». Шундан сўнг Эрон давлатининг барча вилоятларида Ахурамаздага сиғиниш жорий этилди.

Доро I нинг Суза шаҳри харобаларидан топилган яна бир миҳхат ёзуви бу ерда унинг фармони билан бунёд этилган сарой қурилиш ҳақида маълумот беради. Бу саройни безаш учун Бактриядан олтин, Сўғддан товланиб турадиган тошлар (самоцвет), қизил ва қишғиш рангдаги тошлар, лазурит, сердолик, Хоразмдан эса тўқ кўк товланувчи тошлар, феруза (бирюза) олиб келтирилганлиги таъкидланган. Демак, ўша даврда Ўрта Осиёда кўрсатиб ўтилган қимматбаҳо тошлар ва олтин конлари мавжуд бўлган. Эронлик босқинчилар эса бу конлардан фойдаланганлар.

Диққатга сазовор бўлган яна бир эпиграфик ёдгорлик бошқа тарихий давр, яъни Сосонийлар ҳукмронлиги даврига оиддир. Шопур I нинг буйруғи билан «Зардушт каъбаси» деб аталган жойда қояга ўйиб ёзилган бу ёдгорликда ўша пайтда Эронга бўйсундирилган мамлакатлар санаб ўтилади. Улар қаторида Каш (Кеш), Қашғар, Турон, Сўғд каби вилоятлар тилга олинади. Шопур давлати чегаралари Шошгача чўзилганлиги қайд этилади. Демак, Шош Сосонийларга бўйсунмаган ва ўз мустақиллигини сақлаб қолган.

Шу тариқа, Эрон эпиграфик ёдгорликлари Ватанимизнинг энг қадимги тарихига оид оз бўлсада, ниҳоятда қимматли маълумотлар беради. Бу катибаларда Эрон шохларининг такаббурлиги сезилиб турсада, лекин уларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишонарлиги шубҳасиздир.

Энг қадимги тарихимизга доир манбалардан яна биттаси зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дир. Бу китобдан Ўрта Осиёнинг қадимги халқларининг турмуши, ижтимоий тузуми ва маънавий дунёси ҳақида турфа маълумотлар олиш мумкин.

Ўрта Осиёдаги турли халқларнинг қадимги даврлардаги диний қарашлари ва эътиқодлари, пайғамбарлари ва улар таълимотларининг ёйилиши масалалари узоқ йиллардан буён тадқиқ этилаётган бўлса-да, ҳамон кўпгина олимлар орасида илмий мунозараларга сабаб бўлаётган масаладир. Маълумки, аҳамонийлар давридан бошлаб (балки ундан ҳам олдинроқ) араб босқинига қадар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг ёйилган ва асосий дин – зардуштийлик дини эди. Бу диннинг асосчиси Заратуштра ва унинг фаолияти, бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ва у пайдо бўлган ҳудуд ҳақидаги масалалар ҳам ҳозирги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди.

Жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Заратуштра афсонавий бўлмасдан, тарихий шахс ҳисобланади. У грек-рим манбаларида Зороастр, қадимги форс тилида Зардушт, ўрта форс тилида Заратуштра номи билан тилга олинади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у Спитама авлодидан (сўғдийча Спитаман деган исм ҳам шундан келиб чиққан) бўлиб, отасини Поурушасп, онасини Дугдова деб аташган. Унинг номи «олтин туяли» , «олтин туя

етаклаган одам» маъносини беради. Заратуштранинг отаси коҳинлар табақасига мансуб бўлиб, у туғилган мамлакат бизга номаълум. Буларнинг барчаси Заратуштра ҳаёти тарихи, унинг туғилган жойи ва санаси, зардуштийликнинг ватани ҳамда дастлабки ёйилган ҳудудлари ҳақида тўла маълумот бера олмайди. Аммо, Авестонинг махсус боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади.

Заратуштранинг қайси йилда туғилганлигини ҳақида аниқ маълумот йўқ. Тадқиқотчилар фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, унинг туғилган йили кенг тарихий саналар билан боғланади (мил. авв. 1500-1000йиллардан бошлаб, мил. авв. VII-VI асрларгача). Грек-рим тарихчилари ҳам Заратуштра қачон туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот бермайдилар. Фақатгина, лидиялик Ксанф (мил. авв. II аср) Заратуштранинг фаолиятини Ксерксдан 600 йил аввал эди, деб маълумот беради. Бошқа грек муаллифларининг хабарлари бундан ҳам ишончсиз. Сосонийлар даври (III-VII аср) зардуштийлар анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, Заратуштранинг ҳаёти мил. авв. VII асрнинг охири – VI асрнинг бошларига тўғри келади.

Абу Райхон Беруний Заратуштранинг туғилган йилини Александр Македонскийдан 258 йил олдин эди, деб белгилайди. Айрим тадқиқотчилар бу санани тўғри деса, баъзилари нотўғри деб ҳисоблайдилар. 330 йилда аҳамонийларнинг сўнги вакили бўлган Доро III вафот этади. Ҳокимият Александринг қўлига ўтади. Агар Беруний маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак ($330+258=588$), Заратуштра мил. авв. 588 йилда туғилган. В.И. Абаев ва И.М.Дьяконов хулосаларига кўра, Заратуштра яшаб ўтган вақт-бу мил. авв. VII-VI асрлардир. Олимлар фикрига кўра, Заратуштра мил. авв. 553-541 йиллар атрофида 77 ёшида вафот этган. Бу сана ҳисобидан Заратуштра 630-553 йиллар ёки 618-541 йиллар давомида яшаб, фаолият кўрсатган.

Заратуштранинг туғилган жойи ҳақида ҳозиргача ҳам баҳслар давом этаётган бўлишига қарамасдан, бу муаммога тўла аниқликлар киритилмаган. У ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар Заратуштрани ҳозирги Озарбайжон ҳудудида туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар,

Авестода келтирилган Арьянам Вайжа (Эрон текислиги) вилоятини ўзларига асос қилиб оладилар. Яна бир гуруҳ олимлар Заратуштрани Бактрияда туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар грек тарихчиси Ктесий маълумотларига асосланадилар. Шунингдек, бу гуруҳ олимлар Авестонинг энг қадимги қисмлари Бактрияда ёзилганлигини таъкидлайдилар. Яна бошқа бир олимлар гуруҳи Заратуштранинг ватани – қадимги Хоразм деб ҳисоблайдилар. Олимлар орасида Заратуштра ва Авестонинг ватани Сўғдиёна деган фикрлар ҳам бор. Авесто матнларида эса Заратуштра туғилган жой ва унинг ватани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

"Авесто" сўзининг этимологик мазмуни ҳусусида ҳам турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Кўпчилик олимлар бу сўз қадимги форс сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси «асос», «пойдевор» эканлигини таъкидлайдилар.

"Авесто" билан бир қаторда "Зенд-Авесто" китоби ҳам мавжуд. «Зенд» тушунчаси «тавсиф», «шарх» деган маънони билдиради. Шундай қилиб, «Зенд-Авесто» – "Авесто" нинг шархи, унга ёзилган тафсирдир.

"Авесто" тўлиқ сақланмаган. "Авесто"ни Каёний ҳукмдорларидан Гиштасп (Виштасп) замонида китоб ҳолатига келтирилган. Лекин кейинги жангу жадаллар жараёнида унинг нусхалари йўқ бўлиб кетган. Асарнинг сақланиб қолган қисмларини китоб ҳолига келтириш Сосонийлар даврида давом эттирилади. Шопур II даврида (IV аср) "Авесто" тўла тартибга келтирилди. Шарх ва изоҳлар билан бойитилди («Зенд-Авесто») ва пахлавий тилига таржима қилинди. Лекин араблар истилоси даврида "Авесто" ва «Зенд-Авесто»нинг кўп қисмлари яна йўқотилди. Ҳозирги кунда "Авесто" бизга қисман етиб келган, холос.

"Авесто" асосан тўрт қисмдан иборат: "Ясна", "Яшт", "Висперат" ва "Видевдат". Бу муқаддас китоб Ўрта Осиё халқларининг маънавий дунёси, улардаги ижтимоий муносабатлар, ҳўжалик ҳаёти, турмуш тарзи тўғрисида қимматли маълумотлар беради. "Авесто" жаҳондаги кўпгина тилларга, шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

2. Антик манбалар.

Энг қадимги тарихимизни ўрганишда антик, яъни юнон ва рим манбаларида келтирилган маълумотлар муҳим ва нодир маълумотлар ҳисобланади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, антик муаллифларининг биронтаси Ўрта Осиё тарихига оид алоҳида, махсус асар ёзмаган. Қолаверса, ўша замонда «Ўрта Осиё» деган жўғрофий тушунчанинг ўзи ҳам йўқ эди. Аммо юнон ва рим тарихчилари ўзларининг бошқа мавзуларга бағишланган асарларида йўл-йўлакай қадимги Ўрта Осиёга доир жўғрофий, тарихий ва этнографик маълумотлар берганлар.

Юнон ва рим муаллифларининг маълумотлари тўғрилиқ даражаси турличадир. Бу маълумотларнинг асосий қисми тасвирланган воқеалардан анча муддат ўтгандан кейин ёзилган манбалардан олинган. Шу сабабли антик муаллифлар ахборотида кўп ноаниқликлар, шубҳали ва мунозарали маълумотлар мавжуд. Айрим ҳолларда бирон-бир воқеа турли вариантларда баён этилади. Антик муаллифлар асарларида номлари тилга олинган айрим жўғрофий атамалар – дарёлар, тоғлар, шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашганлигини аниқлаш (локализация қилиш) маълум қийинчиликлар туғдиради. Уларнинг айримлари турли тортишувларга сабаб бўлиб, ҳозиргача аниқланмаган. Антик муаллифлар асарларида реал воқеалар баъзан афсонавий ёки ярим афсонавий тўқималар билан қоришиб кетади. Юнон ва рим тарихчиларининг Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлари узук-юлуқ бўлиб, кўп ҳолларда бу маълумотлар ўзаро боғланмаган. Шу сабабли улар асосида қадимги замонларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар тарихининг тўла ва яхлит манзарасини тасаввур қилиш амри маҳолдир. Шундай бўлсада, антик муаллифлар берган маълумотларни танқидий таҳлил этиш асосида қадимги тарихимизни имкон қадар теранроқ ўрганишимиз керак.

Қадимги юнон ва рим тарихчиларининг Шарққа бўлган қизиқиши асосан иккита воқеа билан, аниқроғи юнон-форс урушлари ва Искандар Македонскийнинг Аҳамонийлар давлатига қарши юриши билан боғлиқдир.

Ватанимиз тарихини ёритган илк тарихий асар – бу Герадотнинг «Тарих» асаридир. Бу асар юнон-форс урушлари тарихига бағишланган. Лекин муаллиф мазкур урушларгача бўлган даврдаги Юнонистон, Лидия, Мидия ва Аҳамонийлар давлати тарихига оид батафсил маълумотлар келтиради. «Тарих»нинг кенг қамровли, серқирра ва айна пайтда яхлит асар эканлиги туфайли унинг муаллифи Герадот ҳақи равишда «тарихнинг отаси» деган фахрли номга сазовар бўлди.

Герадот ўз асарини ёзишда хилма-хил манбалардан фойдаланди. Жумладан, Эрон, Скифия, Миср ва бошқа мамлакатларга қилган саёхати чоғида йиққан маълумотларни келтиради. У Ўрта Осиёда бўлмаган эди, лекин Каспий ортидаги мамлакат тарихи билан қизиққан. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Герадот Эронда бўлган чоғида Аҳамонийлар давлати зодагонлари билан суҳбатлар куриб, Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёзиб олган. Натижада унинг аجدодларимиз ўтмиши ҳақидаги маълумотлари тўлиқ бўлмай қолган ва айрим ҳолларда ўзининг ноаниқлиги билан ажралиб туради.

Герадот Эрон шоҳи Кир II нинг массагетлар диёрига қилган юриши, массагетлар маликаси Тўмарис томонидан тор-мор этилиши ва ҳалок бўлиши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек бактрияликлар, хоразмийлар, Сўғдийлар, саклар ҳақида, уларнинг турмуши, урф-одатлари, ҳарбий қуроллари ва кийимлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Герадот бу халқларнинг ижтимоий ҳаётида аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва баланд мақоми ҳақида ёзади. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, ўша даврда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида матриархат сарқитлари сақланиб қолганлигини тахмин этиш мумкин. Герадот бу халқларда каннибализм (одамхўрлик) ҳоллари учраши ҳақида ахборот беради, уруғдаги соғлом ва нуроний қари одамни сўйиб, унинг гўштини ҳайвонлар гўшти билан қўшиб пиширишлари ва тановвул қилишларини қайд этади. Герадот қадимги аجدодларимиз чорвачилик, балиқ ови ва деҳқончилик билан шуғулланганлигини таъкидлайди.

Қадимги тарихимиз ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган тарихчилардан бири Ктесий ҳисобланади (мил.ав. V-IV асрлар). Ктесий Эрон шаҳаншоҳи Артаксеркс II нинг шахсий табиби бўлиб, у машҳур олим Гиппократнинг қариндоши эди. Афсуски, Ктесий асарларнинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Унинг асарларидан олинган айрим парчалар кейинги авлод тарихчиларининг китобларида сақланиб қолган. Геродотдан фарқли ўлароқ, Ктесий фақат ўзи кўрган ёки эшитган ахборотларнигина эмас, балки уйдирма маълумотларни ҳам ўз асарига киритган. Шу сабабдан унинг асарларидан фойдаланишда ўта эҳтиёткорлик зарурдир. Ктесийнинг Оссурия подшоси Ниннинг Ўрта Осиёга қилган ҳарбий юришлари ҳақидаги маълумотлар ишончли эмас. Ктесий ўз асарида биринчи марта Зороастр (Зардушт) номини тилга олади. У сеҳргар ва Бактрия подшоси бўлганлиги таъкидланади. Зардушт подшо бўлган эмас, албатта. Лекин унинг номини тилга олганлиги ва бу ном Бактрия билан боғланганлиги зардуштийлик дини шу мамлакатда, яъни Бактрияда вужудга келганлиги тўғрисидаги тахминларни қувватловчи далиллардан биридир. Ктесий бактрияликларнинг Эрон шоҳи қўшини таркибида Оссурияни тор-мор этишда қатнашганлигини маълум қилади.

Ктесий ҳам сак аёллари жасур ва ҳарбий ишга мойил эканликларини таъкидлайди. Шу билан боғлиқ ҳолда у саклар маликаси Заринея ҳақидаги ҳикояни келтиради. Заринея ўзининг биринчи эри ва акаси Кидарий ҳалок бўлганлигидан сўнг Парфия вилоятининг ҳокими Мермарга турмушга чиқади. Форслар билан бўлган жангда Заринея яраланади ва жанг майдонини ташлаб кетади. Стриангей номли форс уни таъқиб этади ва қўлга туширади, лекин Заринеянинг илтимосига кўра уни озод этади. Кейинги жангда эса Заринеянинг эри Мермар Стриангейни асирга олади ва Заринеянинг ялинишига қарамай, уни ўлдирмоқчи бўлади. Шунда Заринея асирларни озод этиб, улар билан бирга эрини ўлдиради ва Парфия вилоятини Эрон шоҳига бериб, у билан дўстона муносабат ўрнатади. Ктесий келтирган бу маълумот нақадар тўғри эканлигини билиш қийин, лекин бу ҳикоя Геродотни саклар жамиятида аёллар роли юқори эканлиги ҳақидаги ахборотини тасдиқлайди.

Ктесий Эрон шоҳи Кирнинг ҳалок бўлиши тўғрисида Герадотдан анча фарқ қиладиган маълумот келтиради. Унинг ёзишича, Кир дербиклар билан бўлган жангда ярадор бўлиб, отдан йиқилиб тушади. Уни дербиклар билан бирга жанг қилган хиндлардан бири ярадор қилади, шундан сўнг Кир вафот этади. Ктесийнинг бу маълумоти тўғри эмас, деб айтиш мумкин, чунки бошқа манбаларда бундай ахборот учрамайди.

Герадот ва Ктесийдан ташқари бошқа юнон тарихчилари ҳам ўз асарларида Ўрта Осиё халқлари тўғрисида маълумотлар берадилар. Улардан бири Ксенофонт (мил.ав. 445-355 йй.) ўзининг тарихий сиёсий роман жанрида ёзилган «Киропедия» номли асарида бактрияликлар, саклар ва гирканликларнинг форс шоҳи Кир томонидан бўйсундирилиши ва унинг қўшини таркибида Оссуриянинг забт этишда қатнашганликларини кўрсатиб ўтади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, антик муаллифларининг Ўрта Осиёга нисбатан қизиқишларининг ортишига туртки бўлган муҳим тарихий воқеа – бу Александр Македонскийнинг Шарққа юришларидир. Кўп муаллифлар Александр тарихини ёритиш жараёнида у босиб олган мамлакатлар ҳақида, шу жумладан Ўрта Осиё ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Александрнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тарихий асарларни орасида энг муҳими – бу Аррианнинг «Искандар юришлари» номли асаридир. Бу асар милодий II асрда, Искандар давридан 5 аср ўтгандан сўнг ёзилган. «Искандар юришлари» буюк саркарда шаънига маддохлик руҳида таъриф этилган асардир. Арриан ўз асарини яратишда жуда кўп тарихий манбалардан фойдаланган. Жумладан, Искандарнинг шахсий муқотибасидан, сарой кундаликларидан, Искандар юришларининг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган саркардалар Птоломей, Лаг ва Аристобулнинг эсдаликларидан кенг фойдаланган. Арриан мўътабар манбалардан фойдаланганлиги, уларга танқидий руҳда ёндашганлиги асарнинг илмий аҳамиятини янада оширади. Арриан фойдаланган биринчи даражадаги манбалар кейинчалик йўқолиб кетганлигини ҳисобга олсак, унинг асари ғоят нодир ёдгорликлар эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Рим тарихчиси Квинт Курций Руф «Искандар Макдуний тарихи» номли асар ёзиб қолдирган (мил.ав. I асрнинг охири милодий I асрнинг биринчи ярми). Асар латин тилида ёзилган бўлиб, 10 китобдан иборат, лекин унинг дастлабки икки китоби бизгача етиб келмаган. Мутахассислар Квинт Курций Руфнинг манбаларга танқидий ёндашмаслигини, Искандар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни бадиийлаштирилганлигини таъкидлайдилар. Курций айрим ҳолларда фантастик сюжетларни тўқиб чиқаради. Ўз қаҳрамони Искандарнинг руҳий ҳолатларини очиқ беришга интилади. Муаллиф тасвирланаётган воқеаларнинг аниқ санасини келтирмайди. Шу билан бирга у Искандарнинг реал сиймосини яратишга ҳаракат қилади. Квинт Курций Руфнинг талқинида Искандар тақдир эркатойи, ўзига бино қўйган, босқинчилик қонида бўлган, шафқатсиз, қасоскор, мард, танги ва бағрикенг шахс сифатида гавдаланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлардан қатъий назар, Курцийнинг асари Ўрта Осиё халқларининг Искандар Макдуний давридаги тарихига оид бой маълумотлар беради. Асардаги Бактрия ва Сўғдиёнинг табиати ва иқлим шароитлари, Спитамен кўзғолонининг тафсилотлари ва бошқа маълумотлар диққатга сазовордир.

Юқорида номлари тилга олинган тарихчилардан бошқа антик муаллифлар ҳам қадимги аجدодларимизнинг ҳаёти ва турмуши ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Жўғрофия фанининг «отаси» Страбон ўзининг 17 китобдан иборат «География» номли асарида Гиркания, Парфия, Бактрия ва Марғиёнинг табиий шароитлари, шаҳарлари, уларга олиб борадиган йўллар, бу ердаги дарёлар, бу диёрда яшаган халқлар, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва эътиқодлари тўғрисида эътиборга лойиқ маълумотлар келтиради.

Ўрта Осиёнинг милoddан аввалги IV – милодий IV асрлардаги тарихи, тарихий жўғрофияси ва этнографиясига доир маълумотлар Диодор Сицилийскийнинг «Тарихий кутубхона» (мил.ав. I аср), Рим тарихчиси Помпей Трогнинг «Филипп тарихи» ва «Ибтидо» («Прология») номли асарларида (мил.ав. I аср – милодий I аср), юнон тарихчиси Полибийнинг «Умумий тарих»

(мил.ав. II аср), рим тарихчиси Плинийнинг «Табиий тарих» (Плиний мил.ав. 79 йилда Везувий тоғи портлаганда ўлган деган тахмин бор), рим тарихчиси Тацитнинг «Тарих» ва «Йилномалар» («Анналы») (I-II асрлар), юнон олими Клавдий Птоломейнинг «Жўғрофияга оид қўлланма» (II аср), рим тарихчиси Аммиан Марцеллининг «Аъмол» («Деяния») (IV аср) ва бошқа мултифларнинг асарларида учрайди. Мазкур асарларда келтирилган маълумотлар ўз характериға кўра хилма-хилдир. Уларнинг айримлари уйдирма маълумотларға асосланган бўлса, бошқалари ишонарли манбаларға таянади. Шу сабабдан улардан фойдаланган пайтда келтирилган маълумотларни чуқур танқидий таҳлил этиш зарур.

3. Қадимги Хинд ва Хитой манбалари.

Ўрта Осиё худудларида қадимдан истиқомат қилиб келган маҳаллий этник гуруҳлар саклар, массагетлар, тохарлар ва қадимги Қанха халқлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотларни хиндларнинг эпик достони «Махабхарата»да ҳам учратамиз.

«Махабхарата» («Бхарата авлодлари жангномаси») санскрит тилида ёзилган бўлиб, 100 минг байтни ўз ичига олиб, 18 китобдан иборат; афсонавий шох Бхаратанинг авлодларидан икки тоифа: кавравлар ва нандавларнинг адоватлари ва урушлари тарихи талқин этилади. Асар милoddан аввалги X-VIII асрларда яратилган.

Бизнинг фикримизча асарда, узоқ Хиндистонға савдо-сотик ишлари билан борган саклар, тохарлар ва қанха-ҳақида мана бу муҳим маълумот келтирилган: «Унинг-шох Юдхистхиранинг эшиги олдида бошқа халқлар билан бирға саклар, тохарлар ва қанхаликлар ҳам навбат турардилар. Унда бу юртдан борган элатлар ҳақида қуйидагича маълумот берилади: пахмоқ соқол, пешоналари шохлар билан безатилган, қўлларида турли-туман совғалар, жун, ипак ва патта (оқ қайиннинг бир тури) дарахти толасидан, шунингдек, камёб матолардан, пахтадан тўқилган-газламалар, майин, нафис терилар, узун ва ўткир қиличлар, шамширлар, темир найзалар, ҳар хил болталар, ичимликлар, хушбуй нарсалар, турли-туман қиммат-баҳо тошлар бор эди. ...»

Қадимги Хитой манбаларида ҳам ўлкамизнинг узок ўтмиши ҳақида узук-юлук (фрагментар) маълумотлар мавжуд. Кўп ҳолларда бу маълумотлар ўзаро боғланмаган бўлсада, минтақамизда яшаган халқларнинг турмуши, иқтисодий-иҷтимоий аҳволи ҳусусида эътиборга лойиқ ахборотлар беради.

Хитой манбаларини асосан 2 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳлар ва элчиларнинг сафар хотиралари киради. Иккинчи гуруҳга эса хитой тарихчилари қаламига мансуб асарлар киради. Биринчи гуруҳга кирадиган манбалар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир, чунки сайёҳ ҳамда элчилар ўзлари кўрган ҳодиса ва воқеаларни баён қиладилар. Хитой тарихчилари асарларида келтирилган маълумотлар ҳам асосан сайёҳлар ва элчиларнинг ахборотларига таянади.

Ўрта Осиёга келган биринчи Хитойлик сайёҳ Чжан Цзянь эди. У Хитой ҳукумати топшириғига мувофиқ, Ўрта Осиёлик ҳукмдорларни хуннларга қарши урушга даъват этиш мақсадида мил.ав. II асрда бу ерга ташриф буюрган эди. Чжан Цзянь ўз ҳукумати номига ёзган хабарларида Каспий денгизигача чўзилган ҳудудларда яшаган халқлар тўғрисида дастлабки маълумотларни етказди. Жумладан мил.ав. 127 йилда юборган ахборотномасида у Фарғона водийсидаги Давань давлати, унинг аҳолиси, ҳўжалик ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар берган. Элчининг ёзишича, бу ердаги катта ва кичик шаҳарларнинг сони 70 дан ортиқни ташкил этади. Даванликлар ўтроқ ҳаёт кечириб, шоли ва буғдой экканлар, чорвачилик, жумладан йилқичилик билан шуғулланганлар. Худди шу даврда яшаган тарихчи Цзянь Ханьшу унинг бу маълумотларини тўлдириб, Фарғонада 60 минг хонадон борлигини қайд этади. Сима Цян ўзининг «Шицзи» - «Тарихий эсдаликлар» номли асарида Фарғонадан Парфиягача бўлган ҳудудда яшаган аҳоли турли шеваларда гапирсада, лекин бир-бирини бемалол тушунади, деб ёзади. Демак, мил.ав. II асрда Ўрта Осиёда тил жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган эронийзабон қабила ва элатлар яшаганлар. Лекин худди шу даврда, айниқса, юечжилар истилосидан кейин аҳоли таркибида туркий қатлам кўпая бошлади.

Ўрта Осиё халқлари ҳақидаги маълумотлар Хитойда ҳукмронлик қилган сулолалар тарихига бағишланган асарларда кўп учрайди. Уларнинг муаллифлари Ўрта Осиё тарихини махсус тадқиқ этмаган бўлсалар-да, лекин ўлкамиз хусусида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Юқорида номи тилга олинган Сима Цзянь (уни «Хитой тарихчиларининг отаси» деб аташади) ўзининг «Тарихий эсдаликлар» номли асарининг 130-бобида Давань давлати ва унинг халқи ҳақида эътиборга лойиқ маълумотлар келтиради. Хитой манбаларида хитойлик ҳукмдорларнинг Даванга нисбатан босқинчилик сиёсати, даванликларнинг ўз озодлиги учун қаҳрамонона кураши тасвирланади. Милоддан аввалги II асрда юечжи қабилаларининг Ўрта Осиёга бостириб кириши ҳам хитой манбаларида ўз аксини топган. Жумладан, элчи Чжан Цзянь ахборотларида бу борада батафсил маълумотлар келтирилади.

Яна бир манба борки, бу “Цянь Хань шу” (“Аввалги Хань сулоласининг тарихи”) йирик тарихчи олим Бянь Гу (39-92) асаридир. Тарихчи Аньлин (Шэнси вилояти) шаҳрида Фарбий Хань сулоласи (милоддан аввалги 206 – миллоднинг 220 й.) хизматида турган йирик мансабдор ва тарихшунос оиласида туғилган, 47-55 йиллари Лоянда олий таълим олган, 58-82 йиллари ўз асарини ёзган.

“Цянь Хань шу”нинг 95 бобида Ўзбекистон (айниқса, кангли, юечжи ва усунлар ҳақида) ва Шарқий Туркистоннинг қадимий тарихи, халқи ва унинг ҳаёти ҳақида кўп муҳим маълумотларни учратамиз.

“Цянь Хань шу” 1962 йили Пекинда 12 жилдда нашр қилинган. Инглизча таржимаси (Г.Дубс, Балтимор, 1938-1944-йй.) ҳам бор.

Хитой манбаларидан яна “Хоу Хань шу” (“Кейинги Хань сулоласи тарихи”) тарихчи Фань Хуа (398-445 йй.) асаридир. Олим аввалги Хань сулоласи (25-220-йй.)га хизмат қилган. Кичик давлат лавозимида турган ва 424 йили вилоят ҳокимлигига кўтарилган. Давлатга қарши исёнда қатнашганликда айбланиб қатл этилган.

“Хоу Хань шу” Хитойнинг аввалги Хань сулоласи давридаги тарихни ўз ичига олган катта асар бўлиб, 130 бобдан иборат. Унда Ўзбекистон, Шарқий

Туркистон ва Жунғориянинг 25-221- йиллар орасидаги тарихи ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Шундай қилиб, қадимги Эрон эпиграфик манбалари, антик муаллифлар ва хитойлик элчи ва сайёҳларнинг асарлари археологик маълумотлар билан муштарак тарзда ўрганиш, улардан танқидий руҳда фойдаланиш энг қадимги тарихимиз манзарасини яратиш имкониятини беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Қадимги Эрон манбалари, қандай манбалар туркумига киради?
2. “Авесто” китобида қайси халқлар тарихи ёритилади?
3. Қайси қадимги Хинд манбаларида юртимиз тарихига оид маълумотларни учратиш мумкин?
4. Қадимги Хитой манбаларини биз неча турга бўлиб ўрганамиз?

МАВЗУ-3: ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ ЁЗМА МАНБАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Илк ўрта асрлар тарихига оид хитой манбалари.
2. Туркий эпиграфик ёдгорликлар.
3. Сўғд тилидаги манбалар.
4. Араб манбалари.

Таянч сўз ва иборалар: Кейинги Хан сулоласи, Суй хонадони, варварлар, хитой манбалари, туркий эпиграфик ёдгорликлар, сўғд манбалари, араб

манбалари, Мўғилистон битиклари, Афросиёб ёдгорликлари, Диваштич, Маймурғ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
6. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ. 2000
7. Исҳоқов М. Сўғдиёна-тарих чорроҳасида. –Т.: Фан 1990
8. Исҳоқов М. Унитилган подшоликдан хатлар. –Т.: Фан 1992
9. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
10. Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.:Камалак. 1991.
11. Насимхон Раҳмон. Турк ҳоконлиги. –Т.: А Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
12. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. – Т. : Ўқитувчи. 1993.
13. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Т.: Фан. 1998.
14. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука. 1987.
15. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
16. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004, 2005

17. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 /Ma'sul muxarrir: A Sagdullaev.- T.: SHARQ, 2010.
- 18.Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. .-Т.: Янги аср авлоди, 2012.
19. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-T.: SHARQ, 2013.

1. Илк ўрта асрлар тарихига оид хитой манбалари.

Хитой манбалари Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври тарихи ҳақида диққатга сазавор маълумотлар беради.

Олдинги даврларда бўлгани каби илк ўрта асрларда ҳам хитой сайёҳлари Ўрта Осиёга ташриф буюрганлар. Уларнинг сафарнома ва эсдаликлари муҳим тарихий манбалар қаторига киради. Айниқса, Сян Цзян ва Хао Чао Сўғд вилоятининг VII-VIII асрлардаги ахлоли хусусида тўлиқ маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Сян Цзян 699 йилда Сўғдга келган. Унинг ёзишича Сўғд вилоятининг маркази (пойтахти) Самокиён, яъни Самарқанд шаҳри бўлган. Вилоятда кўп сонли аҳоли яшаган. Ерлари унумдор ва серхосилдир. Бу ерда дарахтлар, жумладан мевали дарахтлар ва гуллар кўпдир. Иқлими юмшоқ ва мўътадил. Сўғдликлар савдо ва хунармандчилик бобида донг таратганлар. Сўғд "варварлар" мамлакатининг ўртасида жойлашган бўлиб, қўшни вилоятларда яшайдиган элат ва қабилалар ахлоқ-одоб бобида сўғдликлардан ўрнатилганлар. Бу ерда ҳукмронлик қилаётган подшоҳ мард ва жасур кишидир. Қўшни вилоятларнинг барчаси Сўғд подшосига бўйсунди. Подшоҳ ихтиёрида кўп сонли лашкар, шу жумладан отлик қўшинлар бор. Сюан Цзан Самарқанддан ташқари Маймурғ, Бухоро, Кеш ва бошқа шаҳарлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бу ердаги халқларнинг яшаш турмуш тарзи Самарқанд халқи билан деярли бир хил эканлигини қайд этади.

Сюан Цзян ёзувларидан биз VII асрнинг охири VIII асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё жумладан Сўғд мамлакати, кичик-кичик мулкларга

бўлиниб кетганлигини, лекин Самарқанд хукмдори устивор мавқега эга бўлганлигини англаб оламиз. Бошқа тарихий манбалар масалан, Афросиёбда топилган элчиларни қабул қилиш маросимини акс эттирган деворий сурат ҳамда унинг остидаги сўғд ёзувлари мазкур фикрни тўла тасдиқлайди.

Араблар истилоси даврида Сўғддаги ахволни билиш учун Хой Чаонинг маълумотлари муҳимдир. Унинг ёзишича, Анъ (Бухоро), Кан (Самарқанд), Ши (Кеш), Ми (Маймурғ) вилоятларида ўз ҳокимлари бўлган. Лекин уларнинг барчаси арабларга тобе бўлганлар. Аҳоли пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирган. Чорва молларидан қўй, от ва туялар боқилган. Сўғд аҳолиси пахтадан тўқилган оқ матодан кийим-кечак кийишни ёқтиради. Лекин бу ердаги аҳолининг айрим одатлари ёмондир: эркаклар дуч келган аёлни, хатто ўзининг онаси ёки синглисини ҳам никоҳига олиши мумкин. Бу маълумотлардан зардуштийларда полигамиянинг айрим сарқитлари сақланиб қолган эди, деган хулосага бориш мумкин. Антик манбалар, Наршахий асаридаги маълумотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайдилар. Хой Чао Сўғд аҳолиси асосан зардуштлиққа эътиқод қилишлигини таъкидлагани холда, Самарқанд шаҳрида буддавийлар ибодатхонаси ҳам борлигини қайд этади.

Яна бир тарихий манба “Бэй шу” (“Шимолий сулолалар тарихи”) 100 бобли асар бўлиб, Тан сулоласи (618-907 йй.) даврида яшаган йирик тарихчи Ли Янь-шоу (тахм.595-678-йй.) қаламига мансуб. Унда Шимолий Хитойда хукмронлик Вэй (386-535-йй.), Ци (550-577-йй.), Чжоу (557-581-йй.) сулоласи хукмронлиги, яъни 386-581 йиллар тарихи баён этилган.

Асарда Ўзбекистон, хусусан Хоразм ҳамда Шарқий Туркистон ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

“Бэй шу”нинг матни 1958 йили Шанхайда чоп этилган.

Хитой манбаларидан “Суй шу” (“Суй хонадонининг тарихи”) Хитой тарихчилари жамоаси тарафидан ёзилган асар. Уни ёзишда Вэй Чжен (580-643 йй.) –Тан сулоласи даврида ўтган тарихчи, император Чжен-Гуань (626-650) даврида унинг ўғли ва тожу тахт ворисига тарбиячи бўлган, Янь Ши-Гу ҳамда

Кхун Ин-да билан биргаликда иштирок этиб ушбу асарни ёзишган. Асарда Хитойнинг Суй сулоласи даврида, V-VI асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи воқеалари 85 бобда баён этилган. Китобнинг 55 боби 637 йили ёзиб тамомланган. Қолган 30 бобига эса 20 йил вақт кетган.

Асарда императорнинг иқтисодий сиёсати, қўшиннинг тузилиши, мамлакатнинг аҳволи, халқнинг урф-одатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг 83-бобида Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотларни учратамиз. Асар кўп жилдли “Сулолалар тарихи” номли асарлар тўплами таркибида 1958 йили Шанхайда босилган.

X-XI аср Хитой тарихчилари Оуян Сю ва Сун Инсинь "Тан сулоласининг янги тарихи" номли асарларини ёзганлар. Мазкур асарда Самарқанд шаҳри тарихи, ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Эрон, Афғонистон ва Шарқий Туркистон тарихига оид эътиборга лойиқ маълумотлар келтирилади.

Ўрта асрлардаги юртимиз тарихининг айрим жиҳатларини ўзида акс эттирган хитой манбаларидан “Цзю Тан шу” (“Тан сулоласининг эски тарихи”) асари бўлиб, у император Жень-Цзуннинг топшириғи билан 940-945 йиллари ёзилган.

Оуян Сю (1007-1072-йй) ва Сунь Ци (998-1061 йй) 960-1279 йиллари ҳукмронлик қилган Сунь (Жанубий ва Шимолий Хитой) сулоласи тарихчилари 1043-1060-йиллари шу сулоланинг янги тарихи “Синь Тан шу” (“Тан сулоласининг янги тарихи”)ни ёзганлар. Ҳар иккала асар ҳам ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, маълум даражада бир-бирини тўлдиради.

XVIII асрда тарихчи Шэнь Бин-чжень ҳар иккала тарихни бир-бирига боғлаб, унга “Синь цзю Тан шу хечао” (“Тан сулоласининг бир-бири билан қўшилган янги ҳамда эски тарихи”) деб ном қўйди. Асарда 618-907- йиллар воқеалари баён этилган.

“Синь Тан шу”да Ўзбекистон жануби, Афғонистон, Эрон ҳамда Шарқий Туркистон ҳақида маълумотлар учрайди.

1958 йили кўп жилдли “Сулолалар тарихи”нинг 12 жилди сифатида Шанхайда чоп этилган.

Шу тариқа хитой манбаларидаги маълумотлар кўп холларда юртимизга ташриф буюрган шахсларнинг ёдномаларига асосланганлиги сабабли ишончли манбалардан бири хисобланади. Бу манбаларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилилигини сўғд манбалари, археологик ва нумизматик манбалар ҳам тасдиқлаб турибди.

2. Туркий эпиграфик ёдгорликлар.

Туркий халқларнинг тарихини ўрганишда турк-руник битиклари муҳим аҳамият касб этади. Қоятошларга, сополга, ёғочга ва бошқа буюмларга битилган туркий эпиграфик ёдгорликлар Ленадан Днепргача, Енисейдан Амударёгача бўлган худудларда учрайди. Тадқиқотчилар бу ёдгорликларни 7 та гуруҳга бўлганлар. Енисей битиклари XVIII асрда рус олими С.У.Ремезов томонидаи топилган.

Кейинчалик швед харбий асири Ф.Страленберг ҳам шундай битикларни кашф этди. XIX асрнинг охирида олимлар Енисейдан топилган ёзма ёдгорликлар харитасини тузган эдилар.

Муғулистон битиклари орасида Тунюқуқ битиги, Култегин битиги, Билга хоқон ва Онгин битиклари муҳим ўрин тутати. Тунюқуқ битиги Шарқий Турк хоқонлигининг хукмдори Элтаришнинг маслахатчиси ва саркардаси, Тунюқуқнинг вафот этиши муносабати билан 712-716 йиллар орасида ёзилган. Култегин битиги Урхун дарёси бўйида 732 йилда Элтаришнинг кичик ўғли Қултегинга бағишлаб ёзилган. Билга хоқон битиги эса Қултегиннинг акаси, кейинчалик хукмдор бўлган Билга хоқон шарафига ёзилган (735 йилда). Онгин битиги кимга атаб ёзилганлиги маълум эмас. Олтойнинг Чориш, Катанди дарёлари бўйида ҳамда Қўшёғоч ва бошқа тоғлик худудларидан топилган битиклар ўзининг этнографик маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Шарқий Туркистонда

топилган битиклар орасида Турфон воҳасидаги ғорда жойлашган ибодатхона деворларига ёзилган битиклар алоҳида ўрин тутди. Қозғистон ҳамда Қирғизистондан топилган битиклар ҳозирча чуқур ўрганилмаган. Асосан сопол идишларга ёзилган қадимги руник ёзувлари Фарғона, Олой водийси, Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида ҳам топилган.

Туркий эпиграфик ёдгорликлар қадимги туркий халқларнинг маданияти ва ёзуви намунаси бўлганлиги билан ҳам қадридлир. Бу ёдгорликларда ўзбек халқининг қадимги аجدодлари, уларнинг ҳаёти ва турмуши ҳусусида турли маълумотлар олиш мумкин.

3. Сўғд тилидаги манбалар.

Сўғд ёзуви мил. авв. III-II асрларда шаклланган. Бу ёзув Мовароуннаҳр халқлари маданияти тарихида муҳим роль ўйнайди. Сўғд ёзуви ижтимоий ва маданий ҳаётда кенг қўлланилган. Сўғд ёзуви орқали бизгача милоднинг I-XI асрларига мансуб кўплаб ноёб ёдгорликлар етиб келган. Улар орасида кўплаб нумизматик материаллар, металлга, сополга, ёғоч, чарм, қоғоз ва бошқа буюмларга битилган матнлар, шахсий мактублар, диний ҳамда фалсафий матнларнинг парчалари хўжалик, ҳуқуқий, дипломатик ҳужжатлар бор. Эътиборга лойиқ сўғд ҳужжатларидан бири Афросиёбда топилган деворий расм ва унинг остидаги ёзув матнининг парчасидир. Мазкур матннинг мазмуни қуйидагича "Подшо Авахруман элчига яқинлашганда, у сўзлади: "Мен Чағониён дапирпати бош муншиси Бухарзода бўламан. Мен Чағониён ҳукмдори Туронтош номидан бу ерга, Самарқандга келдим ва шу онда сенга ўз ҳурматимни изҳор этиб турмоқдаман. Сен мен ҳақимда ҳеч қандай шубҳали фикрларга бормагин. Мен Самарқанд ҳудолари, шунингдек Самарқанд ёзуви ҳусусида етарли маълумотга эгаман ва (Самарқанд) подшосига ҳеч қандай ҳусуматим йукдир. «Подшо Авахруман унга руҳсат берди. Шундан сунг Чоч дапирпати сўзлай бошлади» шу ерда

матн тугайди. Мазкур парчадан шундай хулоса чиқариш мумкинки, араб истилоси арафасида Ўрта Осиё алоҳида давлатчалардан иборат эди ва бу давлатлар ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатган эдилар.

Сўғд ёзма ёдгорликларининг намуналари нафақат Ўрта Осиё, балки Шарқий Туркистон, Етгисув, Муғулистон, Жанубий Сибирь, Хитой ва Хиндистонда ҳам топилган. Бу хол Сўғд ёзуви кенг тарқалганлигидан, шунингдек санаб ўтилган мамлакатларда кўп сонли Сўғд диаспораси мавжудлигидан далолат беради.

Сўғд ёзма ёдгорликларининг катта гуруҳи Панжикент шаҳри яқинидаги Муғ тоғи тепасида жойлашган қадимги қаср харобасидан топилган. Муғ тоғидан топилган Сўғд архиви деб аталувчи бу мажмуа VII аср охири - VIII аср бошларига оид 80 га яқин ноёб ҳужжатни ўз ичига олади. Бу ҳужжатлар Сўғд подшолигига тобе бўлган Панж ҳокимлиги саройига тегишли эди. Панжикент ҳокими Диваштич 722 йилда араб истилочилари билан жангдан сўнг Муғ тоғидаги қасрга чекинган ва сарой ҳужжатларини шу ерга келтирган. Араблар мазкур қасрни штурм билан олгач, уни вайрон қилганлар. Ҳужжатлар қаср харобалари ичида қолиб кетган. Улар 1932-1933 йилда топилган. Ҳужжатлар жами 79 донга бўлиб, 74 таси Сўғд, 1 донаси араб, 3 донаси хитой ва 1 таси турк тилидадир. Улар ҳар хил материалга чармга, тахтага ва қоғозга ёзилган. Мазкур ҳужжатлар Сўғднинг VIII асрнинг биринчи чорагидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар А. А. Фрейман, А. В. Васильев. И. Ю. Крачковский, Н. Н. Боголюбов, В. А. Ливашин ҳамда О. И. Смирновлар тарафидан чуқур ўрганилган. Ўзбек олимларидан Сўғд ҳужжатларини ўрганиш ва уларни тарғиб қилишда тарих фанлари доктори, профессор М. Исоҳовнинг хизматлари каттадир.

Муғ тоғидан топилган ҳужжатларни классификация қилиш яъни турларга бўлиш чоғида уларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин. Юридик

хужжатлар, хўжалик хужжатлари дипломатик ёзишмалар ва хоказо. Юридик хужжатлар орасида наус учун ер харид килиш тўғрисидаги хужжат. Диваштичга тегишли бўлган 3 та сув тегирмони ижарага бериш тўғрисидаги хужжат ҳамда Сўғд аёли Дудғунча билан турк йигити Уттегин ўртасидаги никоҳ шартномаси диққатга сазовордир. Хўжалик хужжатлари ичида турли хисоботлар, кўрсатмалар, тилхатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Дипломатик ёзишмалар намунаси сифатида элчи Фатуфарнинг хукмдор Диваштичга юборган мактуби ҳамда араб амирлардан бири Абдурахмон ибн Субхнинг Диваштичга юборган хатини эслатиб ўтиш керак. Сўғд тилидаги манбаларнинг кўпчилиги расмий хужжатлар бўлганлиги боис ўз маълумотларининг ўта аниқлиги ва ишонарлилиги билан ажралиб туради. Улардан кенг равишда фойдаланиш илк ўрта асрлар тарихини ўрганишда ғоят муҳимдир.

4. Араб манбалари.

Илк ўрта асрлар тарихига оид араб тилидаги манбаларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга сайёҳлар ва жуғрофик олимларнинг асарлари, иккинчи гуруҳга эса тарихий асарлар киради. IX аср араб жуғрофик олими ал-Яъкубий ўзининг "Китоб ал-булдон" асарида Эрон, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Сейистонда хукмронлик қилган подшоҳлар ҳақида маълумотлар беради. Илк ўрта асрларда юртимизга ташриф буюрган сайёҳларнинг асарлари айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, ибн Фадлан (X аср) "Рисола" номли асарида ўз сайёҳатлари давомида яқиндан танишган мамалакатлар ва уларнинг халқлари ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. Шу жумладан у Ўрта Осиё халқлари масалан хазарлар ҳақида эътиборга лойиқ ахборотлар ёзиб қолдирган. Ибн ал-Фақих (X аср) "Китоб ахбор ал-булдон" номли асарида Балх, Самарқанд сингари шаҳарлар ҳақида маълумотлар беради. Ибн Хурдодбекнинг (IX-X асрлар) "Китоб масолик

ул-манолик" асарларида Сўғд шаҳарлари Самарқанд, Кушония, Самарқанд атрофида жойлашган шаҳарлар, Уструшона, Шахристон, Қадимги Шош, Исфижоб, ҳақида уларга олиб борадиган йўллар тўғрисида Мовароуннаҳр шаҳарларидаги пул муомаласи, бу ерда истиқомат қилган туркий қабилалар хусусида қимматли маълумотлар келтирилган. Эрон жуғрофик олими ва сайёҳ ал-Истаҳрий (IX-X асрлар) «Китоб масолик ул-маворих» номли асарида мусулмон мамлакатлари, шу жумладан Ўрта Осиёнинг чегаралари, иқлими, маъмурий бўлиниши, шаҳарлари аҳолиси ҳамда унинг машғулотлари, машхур кишилари, савдо-сотиқнинг аҳоли ва бошқа масалалар баён этилган Ибн Хавкал эса (X эср) Мовароуннаҳрни ҳар томонлама тавсифлаб, ўзининг "Китоб сураат ал-арз" китобига бу ўлканинг харитасини илова қилади. Харитада Жайхун дарёси, Бухоро, Самарқанд, Шош, Исфижоб сингари шаҳарлар, Уструшона ва Хоразм вилоятлари тасвири туширилган.

Юқорида номи тилга олинган ал-Яъкубий нафақат жуғрофия, балки тарих илми соҳасида ҳам қалам тебратган олим ҳисобланади. Унинг «Тарих» асари Шарқ мамлакатлари, шу жумладан Ўрта Осиёнинг VII-IX асрлардаги тарихи бўйича муҳим манбалардан биридир. Йирик араб тарихчиси Мадонийнинг "Китоб ал-мағозий" ҳамда Хуросон ҳокимлари Асад ибн Абдуллоҳ ва Наср ибн Сайёрга бағишланган асарлари араблар истилоси ва VIII асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий тарихи бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Мадонийнинг мазкур асарлари бизгача етиб келмаган, лекин айрим парчалари Балазурий ва Табарий китобларида сақланиб қолган.

IX асрда яшаб ўтган эронлик йирик тарихчи ва жуғрофик олим Балазурийнинг "Китоб футух ал-булдон" асари араб истилолари тарихи бўйича энг яхши манбалардан бири ҳисобланади. Балазурий "Китоб ансоб ал-шариф" номли асарнинг ҳам муаллифидир.

Йирик энциклопедик олим Табарий асли эронлик бўлиб, илоҳиёт, ҳадис, тафсир, фикҳ ва тарих соҳасида ўндан ортиқ асарни ёзган. Биз учун унинг "Тарих ар-русул ва ул-мулук" асари муҳимдир. Бу асар

умумий тарих типига ёзилган бўлиб ўзининг мукамаллиги ва фактик материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Асарда оламнинг яратилишидан то 912 йилга қадар Шарқ мамлакатлари, шу жумладан Ўрта Осиёда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳикоя қилинади.

Араб манбалари юртимизнинг илк ўрта асрлар тарихини ўзида нисбатан тўлиқроқ акс этган муҳим манбалар сирасига киради. Улардан танқидий фойдаланиш бу давр тарихини ўрганишда учун муҳимдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Илк ўрта асрлар тарихига доир Хитой манбаларини неча гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин?
2. Туркий эпиграфик ёдгорликлар топилган ҳудудлар қайси ҳудудларга тўғри келади?
3. Сўғд тилидаги манбалар қайси ҳудудлардан топилган?
4. Араб тилидаги манбаларнинг неча гуруҳи мавжуд?

Мавзу-4: Шарқ қўлёзмалари.

Режа:

1. Қўлёзма ва унга қисқача изоҳ.
2. Шарқ қўлёзмалари ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Ўзбекистон республикаси Шарқшунослик институти ҳамда унинг фаолият қирралари

Таянч сўз ва иборалар. Қўлёзма, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, шарқ қўлёзмалари, рус шарқшунослари, ёзма ёдгорлик, каталоглаштириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида: тарих, маърифат, маънавият. Тошкент. 1998 йил.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. 2008 йил.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
6. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001
7. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
8. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004, 2005.
10. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Қўлёзма ва унга қисқача изоҳ.

Қўлёзма- 1) кенг маънода – қўлда ёзилган ёки ёзув машинкасида, компьютерда кўчирилган матн. Таниқли адиб, шоир ва ёзувчиларнинг ўтмишда ўзлари кўчириб ёзган асарлари дастхати (автографи); 2) қўлда ёзилган асар, ёзма ёдгорлик. XIX аср охири XX аср бошларигача Ўрта Осиёда матбаа-нашриёт ишларининг суствлиги сабабли қўлёзма холида китоб тайёрлаш кенг тарқалган ва бу жараён машхур хаттотлар томонидан амалга оширилган. (Қўлёзма, хаттотлик). Қадимдан қўлёзмалар муҳим адабий, тарихий, илмий

манбалар ҳисобланади ва улар палеография фанида ўрганилади; 3) Ноширлик ишида-муаллиф томонидан нашриётга тақдим этилган матн тушинилади.

2. Шарқ қўлёзмалари ва унинг ўзига хос жиҳатлари.

Шарқ қўлёзмаларини илмий тавсифлаш, катологлаштириш, уларни танқидий матнларини туриш, манбанинг келиб чиқишини аниқлаш, таржима қилиш ва илмий изоҳлаш шу соҳанинг асосий вазифалари ҳисобланган. Бу соҳа билан Шарқ филология фани шуғулланади. Ёзма манбаларни илмий тавсифлаш, катологлаштириш, уларни танқидий матнларини тузиш, манбанинг келиб чиқишини аниқлаш, таржима қилиш ва илмий изоҳлаш, таржима қилиш ва илмий изоҳлаш шу соҳанинг асосий вазифалари ҳисобланган. Кейинчалик, қўлёзма манбалар ёнига эпиграфик материаллар (қабр тошлари, метал идишлар, ва бошқа буюмлардаги битиклар) қўшилиши натижасида шарқ эпиграфикаси ривожлана бошлади.

Шарқ филологиясининг ўзига хос хусусияти –унинг комплекслигидир. Зеро унда тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, дин тарихи элементлари мужассамлашган бўлиб, ёзма манбалар устида ишлаш ўрганилаётган мамлакат тили, тарихи ва маданиятини билиш баробарида шу манба мансуб бўлган соҳа бўйича ҳам махсус билимларни талаб этади. Аҳмад Фарғоний, Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломаларнинг аниқ ва табиий фанларга оид бўлган асарларининг рус ва ўзбек тилига изоҳли таржималари бунга ёрқин мисолдир. Шу маънода шарқ филологияси ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, чунки ҳали ўрганилмаган ёзма манбалар жуда кўп ва уларни тадқиқ этиш комплекс билимларни талаб қилади.

Шу боис ҳам жаҳонда шарқ тиллари ҳамда қўлёзмаларини ўрганувчи марказлар, махсус олий ўқув юртлари ташкил этила бошланди.

Шарқ тилларини ўрганувчи махсус олий ўқув юртлари — Венада Шарқ тиллари академияси (1754), Парижда Жонли шарқ тиллари мактаби (1795)

очилди. Шарқ тарихи ва унинг маданияти (асосан, қадимги ва ўрта аср тарихига оид)га бағишланган йирик тадқиқотлар пайдо бўлди.

Россияда Г.С. Лебедев Европада биринчи бўлиб санскрит грамматикасини тузди (1801). XIX аср шарқшуносларидан энг машҳури Н.Я. Бичурин бўлган. Университетларда Шарқ тиллари ўқитишни М.В.Ломоносов таклиф қилган эди. 1807 йилдан Қозон университети, 1819 йилдан Петербург университетидида шарқшунослар тайёрлана бошлади. 1818 йилда Петербургда Осиё музейи очилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европадаги йирик кутубхоналарда сақланаётган Шарқ қўлёзмалари ва китобларининг каталоглари, Шарқ тиллари луғатлари тузилди. «Ислом энциклопедияси» (4 тилда) нашр этилди. 1873 йилдан ҳар 3—4 йилда шарқшуносларнинг халқаро конгресслари чақириладиган бўлди. XIX аср охири — XX аср бошида Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва бошқа Шарқ давлатларида йирик тарихчи ва филологлар етишиб чикди. Улар манбаларни танқидий қўлланмалар асосида тадқиқ қилишга киришдилар.

Рус шарқшунослари Шарқшуносликнинг янги шохобчалари, хусусан, туркшунослик, кавказшунослик ва бошқалар бўйича қимматли асарлар ёздилар. Жумладан, В.В.Вельяминов-Зернов, Н.В.Хаников, В.В.Григорьев, Н.И.Веселовский, В. В. Бартольд ва бошқа тадқиқотчилар Ўрта Осиё тарихи ва географиясига оид асарлар яратдилар. Б.А. Тураев Қадимги Шарқ тарихи бўйича рус мактабининг асосчисидир. Қозон, Петербург ва Москва университетлари, Москвадаги Лазарев Шарқ тиллари институти, Одессадаги Ришелье лицейи, Владивостокдаги Шарқ институти ва бошқа бир неча ўқув юртларида шарқшунослар тайёрланди.

Шарқшуносларнинг тадқиқотлари, асарлари «Азиатский вестник» (1825—27), «Записки Восточного отделения Русского археологического общества» (1887—1921), «Мир ислама» (1912—1913) журналлари чоп этилган.

XX аср бошларида йирик рус шарқшунослари янги очилган Шарқшунослик марказларида иш олиб бордилар. Н.Я. Марр, С.Ф. Ольденбург,

Ф.И. Шербатской, Б.Я. Владимирцов, В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, В.В. Струве ва бошқа қимматли асарлар яратдилар. 1930 йилда Осиё музейи ва бошқа Шарқшунослик ташкилотлари асосида собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти тузилди. Собиқ СССР ФА ва республикалар ФАлари тизимларида Шарқшунослик муаммоларини ўрганувчи янги марказлар (Собиқ СССР ФА Тинч Океани институти, ЎзССР ФА, ОзССР ФА, ГрузССР ФА, ТожССР ФА Шарқшунослик илмий тадқиқот институтлари, республика ФАларнинг тарих, адабиёт ва тил институтлари, шунингдек, бошқа республикалар академиялари Шарқшунослик бўлимлари) тузилди.

Ленинград (Санкт Петербург), Тошкент, Душанбе, Боку, Ереван, Тбилиси, Қозон ва бошқа шаҳарларда Шарқ кўлёзмаларининг бой фондлари тўпланди. XX асрнинг 40-йилларида Москва университети Тарих ва филология факультетида Шарқ бўлими, Ленинград (Санкт Петербург), Ўрта Осиё (Тошкент), Озарбайжон (Боку) ва Тбилиси университетларида Шарқ факультетлари очилди.

Ўзбекистонда Шарқшуносликнинг ривожланиши, асосан, уч Шарқшунослик маркази— Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент Шарқшунослик институти ва Тошкент Ислон университети фаолияти билан боғлиқ. ФА Шарқшунослик институтининг илмий йўналиши институт фондида тўпланган ўн минглаб кўлёзма асарларни чуқур ўрганиш, каталоглар ҳамда Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ халқларининг фани ва маданияти тарихига оид нодир ёзма манбаларни нашрга тайёрлаб, уларда мавжуд бўлган тарихий маълумотлар асосида илмий тадқиқот ишлари яратиш, Шарқ халқларининг ўтмишда жаҳон маданияти тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаларини яққол кўрсатишдир. Тошкент Шарқшунослик институтида шарқшунос кадрлар тайёрлаш билан бирга Шарқ халқлари адабиёти, тилшунослик, иқтисод ва сиёсатшуносликка оид илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади. Тошкент Ислон университетида ислон дини тарихи, иқтисоди, ҳуқуқшунослиги, араб тили ва бошқа фанлар бўйича мутахассислар тайёрланади ва мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб борилади.

Ислом дини ва у билан боғлиқ масалалар Шарқшуносликнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда Шарқшуносликнинг шаклланиши ва унинг жаҳонга танилишига А.К. Аренде, А. Аҳмедов, С.Азимжонов, Б. Аҳмедов, Б. Бобожонов, П.Г. Булгаков, Н. Иброҳимов, А. Ирисов, У.И. Каримов, С. Мирзаев, А. Мўминов, М.А. Салъе, А.А. Семёнов, М.М. Хайруллаев, А. Хўжаев, Ш. Шомухамедов, А. Ўринбоев, А. Қаюмов, А. Ҳайишетов, А. Рустамов, А. Муҳаммаджонов, М.Б. Баратов, И. Абдуллаев, П. Қодиров каби олимларнинг хизмати катта бўлди. Хозир Ўзбекистонда Шарқшунослик бўйича «Шарқшунослик» альманахи (1991 йилдан), «Шарқ машъали», «Маяк Востока» ва «Имом Бухорий сабоқлари» каби журналлар чоп этилмоқда.

Шарқшуносларнинг охирги халқаро конгресси (ICANAS-37) 2004 й. Москва шаҳрида бўлиб ўтди.

Ҳозир дунёнинг турли мамлакатларида 1000 дан ортиқ илмий тадқиқот марказлари, ўқув ассоциациялари, университет ва бошқа олий ўқув юртлари шарқ факультетлари билан бирга Шарқшунослик бўйича тадқиқотлар олиб бориб, шарқшунос кадрларни тайёрламоқда. Уларнинг кўпчилиги ўзининг даврий нашрларига эга.

3. Ўзбекистон республикаси Шарқшунослик институти ҳамда унинг фаолият қирралари

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти—Ўрта Осиё ва Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, фани тарихи, Шарқ мамлакатлари ривожининг замонавий муаммолари, мустақил Ўзбекистон билан бу мамлакатларнинг кўп қиррали алоқаларини ўрганадиган йирик илмий тадқиқот муассасаси Тошкент шаҳрида жойлашган.

1943 й. Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ бўлими асосида ташкил топган ва 1950 йилгача Шарқ кўлёзмаларини ўрганиш институти деб аталган. 1950 йилда эса институтда олиб борилаётган илмий соҳалар

камровини ҳисобга олиб, Шарқшунослик институти деб номланган. 1957 йил унга Абу Райҳон Беруний номи берилган. Институтда уруш даврида В.И. Беляев, Е.Э. Бертельс, Н.В. Дьяконова, А.Н. Кононов, Н.Д. Миклухо-Маклай, И.П. Петрушевский, О.И. Смирнова, кейинчалик эса И.Абдуллаев, С. Азимжонов, А.К. Аренде, Б. Ахмедов П.Г. Булгаков, А. Ирисов, У. И. Каримов, С. Мирзаев, А. Муродов, А. Носиров, И. Одилов, М.Г. Никулин, А. Расулов, М.А. Салье, А.А. Семёнов, М.М. Хайруллаев, А. Уринбоев каби йирик шарқшунослар ишлади.

Шарқшунослик институтида 80 мингга яқин алоҳида асарларни ўзига жамлаган 25 мингдан ортиқ қўлёзма китоблар (IX—XX аср бошларига оид) мавжуд. Тошбосма ва нашр этилган китобларнинг умумий сони 28 минг жилдни ташкил этади. Улар узбек, араб, форс, тожик, урду, пушту, озарбайжон, турк, татар, туркман, уйғур ва бошқа шарқ халқлари тилларида ёзилган бўлиб, ўрта аср ва ундан кейинги даврлар фанининг турли тармоқларига, яъни тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, исломий илмлар ва тасаввуф, фалакиёт, кимё, табобат, география, доришунослик, тил, мусиқа, математика, маъданшунослик ва бошқа соҳаларга оид.

Институт фондида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Розий, Имом ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Мотуридий, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Бедил, Хожа Аҳрор асарлари билан бирга Ўрта Осиё хонликлари даврига тегишли бир неча минг ҳужжатлар, ёрлиқлар, вақфномалар тўпланган.

Институтдаги илмий тадқиқот ишлари қўлёзмаларни каталоглаштириш, манбашунослик, Шарқ фани ва маданияти тарихига оид ёзма манбаларни таржима ва тадқиқ этиш, исломшунослик, Шарқ мамлакатларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволи, уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан мавжуд алоқаларини ўрганишга қаратилган. Институтда 7 та бўлим, қўлёзмаларни таъмирлаш устахонаси ва фотолаборатория бўлиб, 63 та илмий ходим ишлайди. 1991 йилдан институт «Шарқшунослик» номли илмий альманах

нашр этади. 1991 йилдан институт Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Туркия, АҚШ, Эрон, Кувайт, Миср, БАА, Ҳиндистон, Хитой, Япония каби мамлакатларнинг илмий марказлари билан ҳамкорлик қилади. 1981 йилда институт Ибн Сино номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлган. 2000 йилда институтнинг қўлёзмалар фонди дунёдаги энг бой қўлёзмалар мажмуаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

- 1. Ўзбекистонда Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш қачондан бошланган?**
- 2. Ўзбекистонда Шарқшуносликнинг ривожланиши қайси марказлар билан боғлиқ?**
- 3. Ўзбекистон Шарқшунослигини жаҳонга танитишда қайси олимларни ҳиссаси бекиёсдир?**

МАВЗУ-5: ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ X-XV АСРЛАР ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР.

РЕЖА :

- 1. Араб тилидаги тарихий, тарихий-жуғрофий ва адабий асарлар.**
- 2. Ўзбек тилидаги манбалар.**
- 3. Форс-тожик тилидаги тарихий асарлар.**
- 4. Форс-тожик тилидаги жуғрофий ва адабий асарлар.**
- 5. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид Европа манбалари.**

Таянч сўз ва иборалар. Араб тилидаги тарихий асарлар, араб тилидаги жуғрофий асарлар, араб тилидаги адабий асарлар, форс-тожик тилидаги тарихий асарлар, жуғрофий асарлар, адабий асарлар, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид Европа муаррихларининг асарлари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Абу исо Термизий. Саҳий Термизий. Танланган ҳадислар. –Т.: Ғафур Гулом нашриёти. 1993.
5. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: Фан 1968
6. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
7. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
8. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. –Т.: Ўқитувчи. 1994
9. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
10. Темур тузуклари. –Т.: Ўқитувчи. 1990.
11. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. – Т. : Ўқитувчи. 1993.
12. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Т.: Фан. 1998.
13. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука. 1987.

14. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004,2005
16. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K.1 /Ma'sul muxarrir: A Sagdullaev.- Т.: Sharq, 2010.
17. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. -Т.: Янги аср авлоди, 2012.
18. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Араб тилидаги тарихий, тарихий-жуғрофий ва адабий асарлар.

Ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиёда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар араб ва форс-тожик тилида битилган жуда кўп тарихий манбаларда ўз аксини топган.

X-XV асрларда Ўрта Осиёга бир неча ажнабий, асосан араб сайёҳлари ташриф буюриб бу ерда кўрган кечирганларини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Бу сайёҳлар қаторига Абу Дулаф, ал-Муқаддасий, ас-Самъоний, ал-Идрисий, Ёқут Ҳамавий сингари араб олимларини киритиш мумкин.

Абу Дулаф (X аср) ўз асарларида ўлкамизнинг тарихий географиясини ўрганиш учун муҳим бўлган маълумотлар мавжуд. Абу Дулаф қатор Шарқ мамлакатлари, шу жумладан Мовароуннаҳрга сафар қилиб, маълум муддат давомида бу ердаги ҳукмдорлар саройида хизмат қилган. Сафарлари чоғида йиққан материаллари асосида у "Рисолат ул-аввал" ("Биринчи рисола") ва "Рисолат ул-ухро" ("Иккинчи рисола") номли асарлар яратган. Абу Дулафнинг ҳар иккала асарининг қўлёзмаси 1923 йилда Машҳад кутубхоналарининг биридан топилган. Мазкур қўлёзмани атрофлича таҳлил этган И. Ю. Крачковский Абу Дулаф асарларида келтирилган факт ва далиллар объектив эканлигини таъкидлайди.

Х асрда яшаб ўтган яна бир араб географ олими ал-Муқаддасий 947 йилда Қуддус шаҳрида туғилиб, 1000 йилда вафот этган. Ал-Муқаддасий саёхатлари вақтида тўплаган ва бошқа манбалардан олинган материаллар асосида "Ахсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим" ("Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма") номли асар ёзган. Мазкур асарнинг иккинчи қисмида Ажам мамлакатлари, шу жумладан Хуросон, Мовароуннаҳр ва Сейистоннинг жуғрофик ҳолати машҳур шаҳарлари, осору-отиқалари, аҳолиси ва унинг машғулоти, диний эътиқоди ҳамда урф-одатлари, вилоятлар ва машҳур кишилари тўғрисида маълумотлар беради.

Машҳур тарихчи, биограф ва сайёҳ ас-Самъоний (XII аср) машҳур Марвлик олимлар сулоласига мансубдир. Самъонийнинг бизгача етиб келган асарларидан "Китоб ал-Ансоб" алоҳида ўрин тутди. Бу асарда Ўрта Осиёнинг тарихи, маданияти, тарихий географиясига оид муҳим ва қизиқарли фактлар келтирилади. Китобда исломиятдан то муаллифнинг замонигача мусулмон мамлакатларида, кўпроқ Эрон ва Мовароуннаҳрда ўтган машҳур кишилар тўғрисида маълумотлар берилади.

Ўлкамизнинг XII асрдаги тарихий-географиясига доир маълумотлар Ал-Идрисийнинг «Нусхат ал-мушток» (асарнинг тўлиқ номи «Нузимат ал-малок фахтиран ул-офок» , яъни «Жаҳон бўйлаб кезиб ҳолдан тойган кишининг овунчоғи», айрим ҳолларда мазкур асар Сицилия қироли Рожерга бағишланганлиги сабабли «Китоб ал-ружорий» деб аталади) ва Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжаи ул булдон» («Мамлакатлар рўйхати») номли асарларида ҳам учрайди.

Бу давр тарихини ўрганишда араб тилида битилган тарихий асарларнинг аҳамияти ҳолат муҳимдир. Айниқса, Утбий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Ибн ал-Асир, Шаҳобуддин Насавийларнинг қаламига мансуб асарлар диққатга сазовардир.

Абу Наср Муҳаммад ибн Абдужаббор Утбий асли Рай шаҳридан бўлиб, бадавлат ва зодогон оилага мансубдир. Утбий ўз ҳаёти давомида Сомонийлар, Зиёрийлар ва Ғазнавийлар саройида хизмат қилган. Бизгача Утбийнинг «Тарихий Яманий» асари етиб келган. Бу асарда муаллиф Сабуктагин ва Султон Маҳмудлар

замонида Ғазнавийлар давлатида рўй берган сиёсий воқеаларни баён этади. Асар хукмрон феодал синф манфаатларини химоя қилади. Бирок, Лекин айрим ҳолларда муаллиф меҳнаткаш халқ оммасининг оғир аҳволига ҳам назар ташлайди. Асарнинг арабча матни ва форсий таржималари бир неча маротаба нашр қилинган.

Буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний тарих фанига оид бир неча асарлар ёзиб қолдирган. Булардан бири «Осор ул-бокия ал-курун жаҳолия», («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асари бўлиб, бу асарни у 1000 йилда Гургонда, шу шаҳар ҳукмдори Кобус ибн Вишмагин, Зиёрий саройида хизматда бўлган чоғида ёзади. «Осор ул-бокия» асари шу билан ҳам қимматлики, унда олдинги даврларда яратилган ва кейинчалик йўқолиб кетган кўпгина манбалардан фойдаланилган. Беруний ўз асарида фольклор ва этнографияга доир қизиқарли маълумотлар келтиради. Биз учун китобда келтирилган Искандар Зулқарнайн, Моний, Зардушт, Муқанна каби тарихий шахслар ҳаётига доир маълумотлар қимматлидир. Бу асар энг қадимги даврдан то исломиятгача бўлган даврни ўз ичига олади. Берунийнинг бизгача етиб келмаган «Тарихи Хоразм» номли асарида Хоразмнинг Ғазнавийлар давлати таркибидаги тарихи (1017-1043) баён этилади бу асарнинг айрим парчалари Байхакий ва Ҳамавий асарларида сақланиб қолган.

XI асрнинг йирик тилшунос олимларидан бири Махмуд Қошғарийдир. Унинг «Девони луғатит ат-турк» асари туркий халқларнинг тили, шевалари, шунингдек уларнинг этник таркибини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. «Луғат»нинг тарих фани учун аҳамияти шундаки, унда туркий қабилалар-бижанак, қипчок, уғуз, бошқирд, ябғу, татар, қирғиз, чигил, яғмо, уйғур ва бошқаларнинг турар-жойлари ҳамда ижтимоии-сиёсий ҳаётда тутган ўрни атрофлича кўрсатиб берилган. Асарда туркларнинг маданий-маиший, иқтисодий ҳаётига доир жуда кўп маълумотлар келтирилади. Жумладан, аёллар ва эркакларнинг кийинишлари, аёлларнинг қандай безангани, халкнинг урф одатлари, болаларнинг ўйинлари тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин. Асарда туркларнинг касбу-кори, таомлари, хар-хил ичимликлар тайёрлаш технологияси, табобатчиликка доир материаллари ҳам бор. Хуллас, "Девону

луғат ат-турк" бой этнографик маълумотлари билан тарихчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилади.

Йирик араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1234) бир неча тарихий асарлар ёзиб қолдирган. Биз учун унинг «Ал комил фи-т-тарих» номли 12 жилдлик асари муҳимдир. Асарнинг I-VI жилдлари қадимги даврларга бағишланган бўлиб, муаллиф Табарий, ибн Мискавий, Ас-Суламий ва бошқаларнинг асарларидан кенг фойдаланган. Асарнинг VII-XII жилдлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 924-1031 йиллар орасида Шарқ мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Бу қисм асосан қўлёзма манбалар, шунингдек тарихни яхши билган кишилар берган ахборот ҳамда муаллифнинг шахсий кузатишлари билан тўпланган фактик материаллар асосида ёзилган. Асарнинг муғуллар истилосига бағишланган XII жилди алоҳида қимматга эгадир. Ибн ал-Асирнинг "Ал комил фи-т-тарих" асари Хивада Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) ҳукмронлиги даврида ўзбек тилига таржима қилинган.

XIII асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан бири Шаҳобуддин Муҳаммад Насавий шахсан муғулларга қарши жангларда иштирок этган эди. 1224-1231 йилларда Насавий султон Жалолиддин Мангубердиннинг хизматида бўлади ва 1241 йилда ўзининг "Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни" номли асарини ёзиб қолдиради. Асар муқаддима ва 108 бобдан иборат. Асарнинг I-IV бобларида Муғуллар давлатининг тарихи баён этилади. V-XXII боблар хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. XXIII бобдан бошлаб китобнинг то охиригача муғул истилоси ва хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ўз юртини шармандаларча ташлаб қочиши, султон Жалолиддиннинг ҳаёти, унинг муғул истилочилари билан олиб борган кураши, унинг Озарбойжон ҳамда Ироқдаги фаолияти ва нихоят фожиаи халокати хикоя қилинади. "Сирот ус-султон"нинг, айниқса, 1224-1231 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари оригинал аҳамиятга эга. Чунки баён қилинган воқеаларнинг кўпчилигида муаллиф шахсан иштирок этган.

2. Ўзбек тилидаги манбалар.

“Темур тузуклари”, “Тузукоти Темурий”, “Малфузоти Темурий” ёки “Воқеоти Темурий” номлари билан аталган асар Амир Темурнинг етти ёшлигидан бошлаб ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади.

“Темур тузуклари”- муҳим тарихий манба бўлиб, унда Амир Темур давлатининг тузилиши ва бошқариш хусусиятлари баён этилган. асар дастлаб туркий-ўзбек тилида битилган. Унинг бир қўлёзмаси яман мамлакати олий ҳукмдори Жаъфар подшоҳ кутубхонасида сақланган.

“Темур тузуклари”нинг форс тилига таржимони мир Абу Толиб Ҳусайний ат-турбатий таржима муқаддимасида, арабистоннинг муқаддас жойларини ҳаж қилиб қайтишда, яманда бўлган чоғида Жаъфар подшоҳ кутубхонасида туркий тилдаги мазкур асарни топгани ва у Амир Темурнинг ҳаёт йўли ҳақидаги ўзи ёзган эканлигини таъкидлайди. Мир Абу Толиб арабистондан қайтиб келгандан кейин, асарни форс тилига таржима қилган. Лекин Арабистондан олиб келинган аслиятдан ёки Ҳиндистонда бўлган бирон қўлёзма нусхадан ўгирилгани айтилмаган.

Мир Абу Толиб 1637 йилда “Темур тузуклари” асари форсча таржимасини буюк Бобурийлардан Шоҳижаҳонга тортиқ қилади. Кейин бу таржима Муҳаммад Афзал Бухорий (ваф. 1652 й.) томонидан жиддий таҳрир қилинган.

“Темур тузуклари” икки мақоладан иборат:Биринчи мақола Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинни ташкил этиш юзасидан тузуклари, режаларидан таркиб топган.

Иккинчи мақолада 13 кенгаш ва унинг қисмларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади.

“Темур тузуклари” XV-XVI асрларда нафақат ҳукмдорлар ва маълумотли кишилар орасида, балки жаҳон илм аҳли ўртасида шуҳрат топти. Асарнинг қўлёзма шаклида ҳам, тошбосма шаклида ҳам, шунингдек жаҳоннинг кўп

тилларига қилинган таржима шаклида ҳам (инглизча, французча, урду, рус ва ўзбек тилларида) нашр этилиши сўзимизга исбот –далилдир.

Икки фозил шахслар Мир Абу Толиб ва Муҳаммад Афзал Бухорий хизматлари туфайли “Темур тузуклари” форс тилида бизгача етиб келган. Бу таржиманинг мўътабар қўлёзмалари Россия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар хазиналарида мавжуд.

“Темур тузуклари”нинг форсий матни 1783, 1785, 1890 ва 1963 йиллари оврупо ва шарқ тилларидаги таржималари билан бирга нашр этилган.

“Темур тузуклари”ни тўлиқ 1857 йили Хивада Муҳаммад Юсуф Ҳожий томонидан ва 1858 йили Паҳлавон Ниёз Девон тарафидан туркий-ўзбек тилига таржима қилинган. Уларнинг биринчиси “Тузуки Темурий”, иккинчиси “Малфузот” номи билан маълум. Яна бир таржима Хўжанд қозиси Набижон Маҳдум тарафидан, Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1858 йй.)нинг топшириғига биноан амалга оширилган.

“Темур тузуклари” асарини Алихон тўра Соғуний 1967 йили мир Абу Толиб таржимасини ўзбекчага таржима қилган эди. 1990 йили Алихон тўра таржимасини “Темур тузуклари”ни Бомбай наشري матни асосида Ҳабибулло Караматов яна бир таржимани амалга ошириб, нашр эттирди.

“Темур тузуклари”нинг манба сифатидаги тарихий аҳамияти буюк эканлиги мутахассисларнинг унга бўлган катта эътиборидан билиш мумкин. Асарнинг саккизта мўътабар қўлёзмаси Тошкентда, шарқшунослик институти хазинасида мавжуд.

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари 890/1485 ва 904/1498-1499 йиллар орасида тасниф этилган бўлиб, унда одам атодан бошлаб, олтмиш олтита пайғамбарлар ва ўн битта донишмандлар тўғрисида ихчам, лекин жуда жонли ва қизиқарли маълумотлар баён этилган.

Маълумки, Алишер Навоийга қадар ҳам анбиёлар ҳақида турли ривоятлар, қиссалар мавжуд бўлган. Айниқса, «Қуръони карим»да ва энг қадимий манбаларда, умумий тарихга оид Абу Жаъфар Табарийнинг (836-923) «Тарихи ар-русул ва мулук», Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия», ҳамда

Абу Сулаймон ибн Довуд бинни Абу-л-фазл бинни Довуд ал-Банокатийнинг (ваф. 730/1330) «Равзату оли ал-боб фи таворих ал-акобир ва-л-ансоб» (1317) ёки «Тарихи Банокатий» (XIV аср) номли, Ҳамдуллоҳ бинни Абу Бакр бинни Аҳмад бинни Наср ал-Муставфи Қазвинийнинг (ваф. 750/1350) «Тарихи гузида» (744/1343), Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса» ва бошқа шу каби асарларда тарихий воқеалар, шунингдек, диний тарихга оид маълумотлар кўп.

Ўз даврининг йирик олими ва тарихчиси сифатида Алишер Навоий ҳам бундай манбаларни ўрганиб чиққан, улар билан яқиндан танишган. Бу асарлар аксарияти араб ва форс тилида бўлгани учун, Алишер Навоий туркий-ўзбек тилида, кўплаб қиссаларни қиёсий ўрганиш асосида ўз асарини яратди. У асар эса мазмун жиҳатидан умумий тарихга оиддир.

Бу асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда одам атодан тортиб, Нух, Исо, Мусо, Якуб, Сулаймон, Довуд, Юсуф ва бошқа пайғамбарлар ҳаётига оид турли нақлларни баён этади, ҳар бир тарих охирида рубоий келтирилиб, уларнинг ҳаётига лирик хотима ясайди.

Китобнинг иккинчи қисмида машҳур донишмандлар ҳаёти лавҳалари, уларнинг ҳикматлари келтирилади. Масалан, ғарбда Пифагорга нисбатан берган бир иборани Алишер Навоий букротус ҳаким номидани шундай келтирилган: «яхши сўз кўнгулни ёритур ва яхши ҳам кўзнинг неъматин арусидурким, анинг маҳри шукрдир».

Бутун умри ва фаолияти давомида олимларни қадрлаган Алишер Навоий уларнинг тарихини анбиё, пайғамбарлар тарихидан кейин, уларни биргаликда битгани алоҳида таҳсинга сазовор ҳолдир. Бу китоб тарихчи, олим ва шоирларга қадимги давр изоҳи учун муҳим манба вазифасини ўташи мумкин. Бу асарни манбашунослик фанида алоҳида ўрганиш шунинг учун ҳам зарурки, тарихга оид асарларда тафсилотлари келтирилмай, жуда кўп ўринларда майғамбарлар ва уларнинг ҳаётига оид воқеаларга муржаат қилиш учрайди. Мана шу жиҳатидан Алишер Навоий асари ҳам тарихчи олимлар, ҳам тарихни ўрганувчи талабалар учун катта аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга, ушбу

асарда Алишер Навоийнинг машхур тарихчи Шарафуддин али Яздийга муносабати баён этилган. Навоий унинг «Зафарнома» асари муқаддимасини зикр қилар экан, тарихчини «мавлоно шараф ул-миллат ва давла», яъни «давлат ва миллат шарафи» деб таърифлайди.

«Тарихи мулуки аҷам» асари. Алишер Навоийнинг иккинчи тарихий асари «Тарихи мулуки аҷам»дир. 890/1485 йилдан сўнг яратилган бу асарда Эронда ҳукмронлик қилган тўрт сулола: Пешдодийлар, каёнӣлар, ашқонийлар ва сосонийлар тўғрисида маълумот келтирилган. Асар охирида Султон Ҳусайн Мирзо Мадҳи ўрин олган. Агар биз аввалроқ яратилган «Садди Искандарий» достонида ҳам тўрт сулола ҳақидаги маълумот борлигини назарда тутсак, дoston яратиш жараёнида Алишер Навоий тўплаган маълумотларни махсус тарихга оид асар сифатида ижод қилган кўринади. Бунда Алишер Навоий юқорида номлари зикр этилган асарлар қаторида яна Абу-л-хайр Насириддин Абдуллоҳ бинни умар ул-қози Байзавийнинг (ваф.685/1266) «Низом ут-таворих» (ёзилган 674/1275), Абу Ҳомид Ғаззолийнинг (1058-1111) «Насихат ул-мулук» ва бошқа асарларни, хусусан ўз замондоши Мир Муҳаммад Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида бохабар ҳолда, Эрон тарихига оид араб ва форс тилларида тарихий асарлардан фарқли, бу китобни туркий тилда яратди. Ушбу асардаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар Алишер Навоий ўзининг дostonларида ҳам мавжудлигини эслатиб ўтган. Бу асар илмий танқидий матнини шарқшунос Л.Халилов тузиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Афсус ҳамон унинг танқидий матни чоп этилмаган.

«Тарихи мулуки аҷам» асарини маълум даражада, «Ҳамса», хусусан «Садди Искандарий» достонига тарихий илмий илова сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Унинг ичидаги маълумотларнинг шеърӣ ифодаси «Садди Искандарий»да келтирилган бўлиб, уларни бошқа тарихий асарлар билан қиёсий ўрганиш Алишер Навоийнинг тарихчи олим сифатидаги ижод қирраларини очишга ёрдам бериши мумкин.

«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» рисоласи Алишер Навоийнинг бешинчи тарихий асари ҳам мемуар биографик характердаги рисола бўлиб, унда ўша

даврнинг энг машхур ва беназир курашчиси ва турли фанлар билимдони тўғрисидаги «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»дир. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида ушбу шахс тўғрисида қуйидаги маълумотни келтиради: «Паҳлавон Муҳаммад куштигирким, кўп фазойил била орастадурким, кушти бовужуд улким, унинг андоқ ҳақ ва мулкидурким, маълум эмасикм, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғой. ўзга фазойилига кўра ва дин мартабасидур, мусиқийда идвор илмида даврининг беназиридур, чун камолоти изҳор мин аш-шамсдур, шарҳ қилмоқ эҳтиёж эрмас».

Рисолада биз Паҳлавон Муҳаммаднинг ўз даврининг беназир кишиси бўлганлиги, қирқ йил давомида Алишер Навоийга меҳрибончилик кўрсатганлиги, ғавқулодда хотирага эгалиги, барча замондошлари иззат ҳурматиға сазовор бўлган, юксак ахлоқий ғазилатларға эға курашчи эканлигини кўрамиз. Уни барча кечик замондошлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зайниддин Восифий, мирза Муҳаммад Ҳайдар ҳам ажойиб курашчи ва олийжаноб инсон, бастакор эканлигини тасдиқлайдилар.

Бу асарда Темурийлар даври XV аср иккинчи ярми маданий ҳаётиға оид қимматли маълумотлар келтирилиши билан муҳим хусусият касб этади. Бу рисола ҳам аввалги «Ҳамсат ул-Мутаҳаййирин» ва «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» каби XV аср иккинчи ярми Темурийлар даври тарихи тўғрисидаги қимматли манбадир.

Номлари зикр этилган беш соф тарихий асарлардан ташқари Алишер Навоий қуйидаги асарлари, яъни «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Насойим ул-муҳаббат» ва ҳатто соф лингвистик характердаги «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам тарих илми учун муҳим маълумот бор.

Алишер Навоий тарихчи олим сифатида асарларида, хусусан «Маҳбуб ул-қулуб»да ижтимоий гуруҳлар тўғрисидаги мулоҳазаларни баён этган, «Мажолис ун-нафоис» асарида 450 дан ортиқ давлат арбоби шоир ва санъат шайдолари ҳақида, «Насойим ул-муҳаббат» асарида эса 750 дан зиёд авлиёлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилгандир.

«Вақфия» асарида эса Алишер Навоийнинг қандай мол-мулк эгаси бўлгани, ҳамда уларни жамият учун васият қилганлиги баён этилади. Алишер Навоийнинг «Муншаот» асари, ҳамда у тартиб берган «Муракқаъ мир Алишер»да жамланган мактублар мазмуни, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти турли қирраларини ва ўз даври ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётини ёритишда жуда катта тарихий, илмий аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

У тартиб берган хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, унинг муридлари ва Абдурахмон Жомийнинг дастхат мактубларини тартибга келтириб, махсус «Муракқаъ Мир Алишер» номли дастхат автографлардан иборат қимматли 594 та мактубни китоб ҳолига келтиргизиб, бизга мерос қолдирган.

Алишер Навоий йирик тарихчилар Муҳаммад Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий ва Ғиёсиддин Хондамирларнинг ҳомий ва мураббийсигина эмас, балки оригинал тарихий асарлар ижодкори сифатидаги хизматлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, деб ўйлаймиз.

Алишер Навоийнинг «Вақфия» асарида зикр этилган мол-мулк ҳам унинг ўз даври йирик мол-мулк, давлат эгаси эканлигини кўрсатади. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Алишер Навоийнинг бир кунлик даромади ўн саккиз минг шоҳрухий экан. Тарихчининг ёзишича, Султон Ҳусайн давлат тепасига келгач, бутун марҳаматини Алишер Навоийга кўрсатади. У эса ўз ўрнида мол-мулкни юрт ободончилиги, олиму-фозилларга ҳомийлик қилишга қаратган. Тарихчилар Ғиёсиддин Хондамир, Заҳириддин Бобур ва бошқаларнинг ёзишича, Алишер Навоийча ҳеч ким кўп бинои-ҳайр, халқ учун иморатлар ва бинолар қурмаган экан. Аҳли фазл ва ҳунарга мураббий ва муқаввийлиги ҳам жуда машҳур.

Алишер Навоий ўзининг тарихий асарларида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга баҳо беришда юксак инсонпарварлик ғояларидан келиб чиқди. Унинг тарихчи олим сифатидаги амалий фаолияти туркий ўзбек тилидаги тарих илмини юксакликка кўтарди. Махсус асар, ихчам рисола, тазкира ва мактублар яратиб, туркий тилдаги тарих илмининг кейинги ривожини ва тараққиёти учун замин яратди.

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат л-луғатайн» асарида сиёсий ҳокимият ва тил, маданият сиёсати хусусида қуйидаги ҳақли фикрларни баён этади: «...то мулк араб ҳулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вақтда назм дабирига араб тила бирла жилва берди...» яъни мамлакатлар араб халифалари ва султонлари даврида шеърият котиби араб тилида ижод этди.

Мамлакатларнинг баъзиларида «сорт салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била фрсиғўй шуаро зуҳур қилдилар».

«То мулк араб сорт салотинидин турк хонларға интиқол топти, ҳулогухон замонида султони Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шохруҳ султоннинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар».

Алишер Навоийнинг юқорида келтирган муҳим фикри фақат шеъриятга эмас, балки умуман маданият, шу жумладан тарих илмига ҳам тўла тадбиқ этса бўлади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Алишер Навоий яратган насрий асарлар бўлиб, уларни кейинча Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Дарвиш Муҳаммад Бухорий, Абулғозий Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Баёний ва бошқалар давом эттирдилар.

Амир Темурнинг ўзи тарих илми тараққиётига жуда катта эътибор берди. Султони соҳибқирон ўз «тузуклар»ини яратиб, ўзбек давлатчилиги тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди. Мирзо Улуғбек «Тарихи арбаъи улуси Чингизий»номли жуда қимматли тарихий асарни таълиф қилишда шахсан ўзи қатнашди. Бундан ташқари бу даврда яшаб ижод этган жаҳонга машҳур тарихчилар Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафуддин али Яздий, Ҳофизу Абру, Муъиниддин Натанзий, Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Мирхонд, Ғиёсиддин Хондамир ва бошқалар асарлари ҳамон мутахассислар учун қимматли тарихий манба, битмас-туганмас хазинадир.

3. Форс-тожик тилидаги тарихий асарлар. X асрдан бошлаб форс-тожик тилида ҳам илмий тарихий асарлар ёзила бошланди. Бора-бора араб тили илм соҳасидан сиқиб чиқарилди. XV асрга келиб Мовароуннаҳр тарихига бағишланган асарлар асосан давлат тили

вазифасини бажарган форс-тожик тилида ёзиладиган бўлди. Олдинги даврларда араб тилида ёзилган қатор тарихий асарлар ҳам форс тилига таржима қилинар эди. Арабчадан форс тилига ўтирилган дастлабки тарихий асар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" номли китоби эди. Бу асар 944 йилда ёзилиб, 1128 йилда ибн Наср Ахмад ал-Кубовий томонидан форс тилига таржима қилинган. У «араб тилидаги нусхада сўзланган кераксиз ва ўқиганда киши табиатида малоллик орттирадиган нарсаларни» қисқартириб юборган. Ундан ярим аср ўтгандан кейин асар яна қайтадан тахрирга учраган. 1178-1179 йилларда Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар форс тилидаги таржимани иккинчи маротаба қисқартириб баён этган. Асарнинг бизнинг замонамизгача етиб келган барча нусхаларида 1178-1220 йиллар воқеалари ҳам баён қилинади. Шунга қараганда, Наршахийнинг "Бухоро" тарихи" китоби учинчи марта номаълум муаррих томонидан тахрир қилинганлиги ва тўлдирилганлигини билиб олиш мумкин. Асарнинг асл нусхаси ва ал-Кубовий таржимаси ҳамда Муҳаммад ибн Зуфар тахрирлари бизгача етиб келган.

Таржимон Абу Наср Ахмад ал-Кубовий ва муаррих Муҳаммад ибн Зуфар ўз ишларига мустақил тус берганлар. Улар Наршахийни асарини таржима ва тахрир қилиш билан бир қаторда асарни янги манбалар асосида бойитганлар ва кейинги йиллар воқеалари билан тўлдирганлар. "Бухоро тарихи" ислом дини ва ҳукмрон сулолар позициясида ёзилганлиги сабабли мавжуд тузумга қарши ҳаракатлар, жумладан Муқанна қўзғолонини қоралаш позициясидан ёзилган. Бироқ, шунга қарамай асарда катта тарихий қимматга эга бўлган маълумотлар келтирилган ва уларни илмий объектив равишда таҳлил қилиш тарих фани учун ғоят муҳимдир

XI асрда яшаб ўтган йирик олим ва давлат арбоби Низомулмулк асл исми Абу Али ал-Хасан ибн (Али ибн Хасан ат-Тусий) Салжуқий султон Алп Арслон ҳамда султон Маликшоҳ I ларнинг бош вазири бўлган. Низомулмулк Салжуқийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта

роль ўйнаган. У феодал тарқоқликка барҳам бериш, марказий давлат аппартини мустахкамлаш, давлатнинг молиявий ишларини тартибга солиш учун кураш олиб борди. Унинг Низомулмулк, яъни "Мамлакатни тартибга солувчи" деб аталиши ҳам шу сабабдан. Низомулмулк 1092 йилда Исфaxonдан Бағдодга кетаётганда Исмоилийлар (шиа мазхаби оқими) томонидан ўлдирилади.

Низомулмулк давлатни идора қилиш масалаларига бағишланган "Сиёсатнома" асари билан ном қолдирган. Асар 51 бобдан иборат бўлиб, унда марказий давлат аппаратининг тузилиши ва унинг молиявий ҳисоб-китоб ишлари, қўшиннинг тузилиши, юқори давлат мансаблари ва уларга тайинлаш тартиби, қабул қилиш маросимлари ҳамда уларни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби, мансабдорлар фаолияти устидан назорат қилиш каби умумдавлат масалалари ўртага қўйилган. "Сиёсатнома"да Ўрта Осиё тарихи ҳақида ҳам муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Сомонийлар замонида турк ғуломларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Туркистон хонлари (Корахонийлар) саройида хизмат қилувчи ходимларнинг маиший ахволи, Сомонийлар хизматида бўлган амирларнинг унвонлари, хоразмшоҳ Олтинтош (1017-1032йй) билан султон Махмуд Ғазнавийнинг вазири Ахмад ибн Хасан ўртасидаги ёзишмалар шулар жумласидандир. Булардан ташқари асарда карпацийлар, ботинийлар ҳаракати, Муқанна қўзғолони ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор. Шарқшунос олим Р. Д. Заходернинг фикрича, "Сиёсатнома"нинг 43 та боби Низомулмулк томонидан сўнгги 8 та боби эса қариб йигирма йилдан кейин уни қайтадан таҳрир қилган номаълум олим томонидан ёзилган. Асар бир неча хорижий тилларга, шу жумладан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этилган.

XI асрда яшаб ўтган йирик тарихчилардан яна бири Абулхай Гардизий ҳисобланади. Гардизий ўзининг "Зайн ул-ахбор" ("Хабарлар беағи") номли асари билан шухрат қозонган. Асарда исломиятдан олдинги Эрон подшоҳларидан то 1041 йилгача Хуросонда бўлиб ўтган

воқеалар ҳақида сўз юритилади. Асарда Ўрта Осиёнинг туркий аҳолиси ҳақида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг араблар истилосидан то XII асргача бўлган сиёсий тарихи тўғрисида кенг маълумотлар берилади.

“Чор мақола” номи билан машҳур бўлган яна бир қизиқарли асар муаллифи Низомий Арузий Самарқандийдир. Адибнинг асл исми шарифи Нажмуддин Аҳмад ибн Умар ибн Али бўлиб, асли Самарқандликдир. Отаси бир вақтлар Салжукий Алп Арслон хизматида бўлган. Бўлғуси олим IX асрнинг 90- йилларида туғилган, 1116-1119 йиллари Султон Санжар (1118-1157) саройида Нишопурда ҳаёт кечирди, сўнгра Гур ва Бомиёнда (Афғонистоннинг марказий қисмида жойлашган вилоятлар) ҳукм сурган Шансабийлар хизматига кирди ва умрининг охиригача ўша ерда яшади.

“Чор мақола” илмий, этник-дидактик мавзуда ёзилган асар бўлиб, “Мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ажойиботлар мажмуаси”) номи билан ҳам аталади. Асар 1156-1157 йиллари битилган бўлиб, тўрт қисмдан иборат:

1. Дабир (котиб)лар ва дабирлик ҳақида;
2. Шеърят илми ва шоирларнинг кадр-қиймати ҳақида;
3. Сайёралар ҳақидаги илм ва мунажжимлик ҳақида;
4. Тибб (медицина) ва табиблик хусусидадир.

Биринчи қисмда Қорахитойлар билан Султон Санжар ўртасидаги 1141 йилнинг 9 сентябрида Самарқанд атрофида бўлган уруш, Қорахитойлар билан Хоразм, шунингдек, Султон Маҳмуд Ғазнавий билан Мовароуннаҳр ҳукмдори Қорахоний Буғраҳон Муҳаммад (1033-1056 йиллар атрофида вафот этган) ўртасидаги сиёсий муносабатлар, қорахитойлар истилоси арафасида Бухоро садрларининг умумий аҳволи ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилган.

“Чор мақола”нинг иккинчи қисмида ҳам муҳим маъоумотларни учратамиз. Машҳур форсийзабон шоирлар Рудакий (тахм.860-941 йй.), Фарруҳий (1038 йили вафот этган), Фирдавсий (тахминан 940-1020-1030 йиллар ораси)ларнинг ҳаётига оид, шунингдек, Бодҳизнинг табиий шароити, масалан у ерда бўлган 1000га яқин кориз, узумнинг 120та нави, Қорахонийлар

даврида Мовароуннахрнинг адабий ва маданий ҳаётига оид ахборотлар шулар жумласидандир.

Учинчи қисмда Абу Райҳон Беруний (973-1048йй) ва Умар Ҳайёмнинг (тахм. 1048-1123) ҳаёти (Низомий Арузий Самарқандий у билан яқиндан таниш бўлган) билан боғлиқ маълумотлар берилган

Тўртинчи қисмда ўзбекистонлик буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг (980-1037 йй.) Бухоро ва Хоразмдаги илмий фаолияти билан боғлиқ маълумотларни учратамиз

Хуллас, Низомий Арузий Самарқандийнинг ушбу асари Ўрта Осиёнинг X-XI асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалардан бири ҳисобланади

“Чор мақола”нинг форсий матни 1910 ва 1955-1957 йилларда эронлик шарқшунос олимлар Мирзо Муҳаммад Қазвиний ҳамда Муҳаммад Муъин томонидан чоп қилинган. Асар инглиз тилига 1921 йилда, рус тилига 1963 йили таржима қилинган. Шарқшунос Маҳмуд Ҳасаний уни ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирган.

Фахриддин Муборакшоҳ Марваррудий ўзининг "Тарихи Муборакшоҳ" номли асари билан машҳурдир. Асар 1206 йилда ёзиб тугатилган. Асар 136 бобдан иборат бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбардан бошлаб Ғазнавийлар ва Ғурийлар ҳукмдорлари давригача бўлган воқеалар баён қилинган. Асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, унда Туркистоннинг сарҳадлари ва Туркистонда ишлаб чиқарилган моллар ва матолар, уларнинг хорижий мамлакатларда эътибор қозонган турлари, турк қабила ва уруғлари, уларнинг тили ва маданияти ҳақида бой фактик маълумотлар келтирилади. "Тарихи Муборакшоҳ" асарининг ягона қўлёзма нусхаси Буюк Британияда сақланмоқда. Асарнинг бир қисмигина инглиз тилида нашр этилган, холос.

XI асрда яшаб ўтган тарихчи олимлардан яна бири Абу Фазл Байхақийдир. Байхақий 19 йил давомида Ғазнавийлар давлатининг девонида (хорижий мамлакатлар билан алоқа юритувчи маҳкама) хизмат

қилади ва яна 11 йил давомида шу девонга бошчилик қилган. Байхакий "Тарихи Оли Махмуд" ("Жомеъ фи тарихи Оли Сабуктакин" номи билан ҳам маълум) номли 30 жилдлик асар муаллифидир. Лекин бизгача бу асарнинг 7, 8, 9-жилдлари ва қисман 6, 10-жилдлари етиб келган. Бу қисмлар султон Маъсуд ҳукмронлиги даврини ўз ичига олганлиги боис "Тарихи Масъудий" деб аталади.

"Тарихи Масъудий" муаллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан эшитган материаллар, шунингдек ҳукумат маҳкамаларида сақланаётган расмий ҳужжатлар асосида ёзилган. Асар фактик материалларга бойлиги, воқеаларнинг кенг ва атрофлича баён этилиши ва нихоят зўр бадий маҳорат билан ёзилганлиги билан бошқа тарихий асарлардан фарқ қилади. Асарда Султон Маъсуд даврида Ғазнавийлар империясининг ижтимоий-сиёсий аҳволи кенг баён этилган. Шунингдек, асарда Саффорийлар, Салжуқийлар тарихига оид, Ғазнавийларни Хоразм давлати билан, Салжуқийлар давлатини эса Қорахонийлар давлати билан ўзаро иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий муносабатларига доир маълумотлар ҳам борки бу эса асарни қимматини янада оширади.

XIII асрда ўтган йирик тарихчи ва давлат арбоби Алоуддин Отамалик Жувайний (1226-1283й) бшқиб, у араб, форс, муғул ва уйғур тилларини мукаммал билган. Узоқ муддат муғул ҳукмдорлари саройида хизмат қилган шахсдир. Жувайний турли топшириқлар билан 3 маротаба Муғулистон пойтахти Қорақурумга боради. 1259 йили у Ироқ ва Хозористон ҳокими қилиб тайинланди. Бу лавозимда 20 йилдан кўпроқ туради. Алоиддин Отамалик Жувайний "Тарихи жаҳонкушо" номли асар ёзиб қолдирган. (1260й). Асар уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда Муғул империяси тарихи, иккинчи қисмида Хорзмшоҳлар давлати ва Хуросоннинг 1258 йилгача бўлган тарихи, учинчи қисмда Эроннинг 1256-1258 йиллардаги сиёсий аҳволи баён қилинади. Асарни ёзишда муаллиф Байхакий, Фахруддин Розий асарларидан фойдаланган. Шунингдек, Жувайний ўзининг Мовароуннахр, Шарқий Туркистон ва Муғулистонга

қилган саёхатлари чоғида йиққан материалларидан ҳам кенг фойдаланган. Эронлик бошқа бир машхур олим Рашидуддин (1247-1318йй) илоҳиёт, табиий фанлар, адабиёт, тарих, география ва бошқа фанларни пухта эгаллаган эди. Рашидуддин Элхон, Абакахон (1265-1282йй) даврида унинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик Ғозонхон (1295-1304йй) ва Ўлжойтухон (1304-1317йй)ларнинг вазири бўлган. Мазкур хонларнинг хомийлиги ва ўзининг тадбиркорлиги туфайли Рашидуддин ўз замонасининг энг бадавлат ва нуфузли кишисига айланди. Унинг 80 минг гектар ери, 250 минг қўйи, 30 минг йилқиси ва 10 минг туяси ҳамда бошқа бойликлари (жами 35 миллион динорга тенг) бўлган. Рашидуддин феодал тарқоқлик ва сепаратизм тарафдори бўлган турк-муғул зодагонларидан фарқли ўлароқ ўтроқлик ҳамда марказий давлат аппаратини мустахкамлаш тарафдори бўлган. Охири Рашидуддин Элхонийлар саройида фитна қурбони бўлди. 1318 йилда уни Ўлжойтухонни захарлаб ўлдиришда айблаб қатл этдилар. Унинг барча мол-мулки мусодара этилди. Табриздаги 60 минг китобли бой кутубхонаси ҳам талон-тарож қилинди.

Рашидуддин жуда кўп илмий асарлар ёзган. Лекин бизнинг замонамизгача унинг биттагина асари - "Жомеъ ут-таворих" етиб келган. "Жомеъ ут-таворих" Шарқ тарихнавислигида янги анъанани бошлаб берган асардир. Рашидуддин аввал ўтган тарихчиларнинг кўпчилиги умумий тарих деганда фақат мусулмон мамлакатларининг тарихини тушунганлар. Рашидуддин эса улардан фарқли ўлароқ, Умумий тарих деганда Шарқ мамлакатлари билан бир қаторда Ғарб мамлакатлари, Хитой ҳамда Хиндистон тарихини ҳам назарда тутган. "Жомеъ ут-таворих" 1301-1311 йилларда Ғозонхоннинг топшириғига мувофиқ ёзилган. Асар уч қисмдан иборат: биринчи қисмида муғуллар ва улар асос солган давлатларнинг қисқача тарихи: иккинчи қисмида Шарқ мамлакатлари тарихи, Хитой яхудийлари, Рим империяси, Франклар давлати ва Хиндистон тарихи баён қилинади. Асарнинг учинчи қисми бизгача етиб келмаган.

"Жомеъ ут-таворих"нинг айниқса турк-муғул халқлари тарихини ўз ичига олган қисми Ўрта ва Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. XIII асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга бағишланган боблари ҳам ғоят қимматли маълумотларга бойдир. Рашидуддиннинг бу асари кўпгина тилларга таржима қилиниб, нашр этилган. Бу асар XV асрдаёқ ўзбек тилига таржима қилинган.

XV асрда яратилган тарихий асарларнинг катта бир гуруҳи Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихига бағишланган. Бундай асарлар қаторига Низомуддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Хофиз Абру, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ахмад ибн Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир сингари тарихчилар асарларини киритиш мумкин.

Асли Табриз шаҳридан бўлган Низомуддин Шомий 1391 йилда Амир Темур Бағдодни олганида шу ерда бўлган ва Темур хизматига қабул қилинган. Низомуддин 1404 йилгача Темур билан бирга бўлиб, унинг ҳарбий юришларида воқеанавис ва воиз сифатида иштирок этган. 1402 йилда Темур унга ўзининг тарихини аниқ ва содда тилда ёзишни буюрган. Шомий бу асарни 1402-1404 йилларда ёзиб тамомлаган. Асар Темурнинг ҳокимиятга келишидан 1370 йилдан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олган. "Зафарнома" деб аталган. Бу китобда Темурнинг шахси бир мунча идеаллаштирилган. Асар XIV асрнинг иккинчи ярми - XV аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихни ўрганишда муҳим ва ишонарли манбалардан бири ҳисобланади. Асарни ёзишда муаллиф Темурнинг уйғур котиблари томонидан ёзилган "Тарихи хоний" номли шеърӣ китобдан, бошқа оригинал манбалардан фойдаланган. Низомиддин Шомийнинг бу асари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр қилинган.

Темур ва Темурийлар даври тарихига оид маълумотлар Хофиз Абрунинг "Мажмуаи Хофиз Абру" ва "Зубдат ут-таворих" номли асарларида ҳам келтирилади. Хофиз Абрунинг биринчи асарида унинг Рашидуддин ва Низомуддин Шомий асарларига ёзган сейллари (иловалари) эътиборга лойиқдир.

XV асрнинг йирик тарихчиларидан бири Шарафуддин али Яздий ҳам Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Зафарнома" номли асари билан шуҳрат қозонган. Бу асар Низомуддин Шомийнинг "Зафарнома"си асосида юксак бадиий маҳорат билан ёзилган. Шарафуддин Низомуддин асарида баён қилинган воқеаларни янги манбалар асосида тўлдирган, баъзиларига аниқлик киритади. Уни янги факт ва далиллар билан бойитади.

Шарафуддиннинг "Зафарнома"сида Темурнинг шахси нисбатда юксалтирилган. Шунга қарамай, унинг шахсияти ва фаолиятидаги қарама-қаршиликлар ҳамда зиддиятлар бир мунча ҳаққоний ва тўғри тасвирланган. Асарнинг дастлабки қисми «Мукаддимаи Зафарнома» деб аталади. Унда Темургача бўлган даврда Муғул империяси таркибига кирган мамлакатлар тарихи акс эттирилган

“Зафарномаи Темурий”, “Фатҳномаи соҳибқироний”, “Тарихи жаҳонкушойи Темурий” ёки “Зафарнома” номи билан машҳур бўлган асарни ўз даврининг йирик тарихчиси Шарафуддин Али Яздий яратган. У асли Эроннинг Язд вилоятидаги Тафт қишлоғидан бўлиб, турли фан соҳаларини пухта эгаллаган эди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий уни “Шараф давлат ва дин”, яъни дин ва давлат шарафи деб таърифлаган.

Шарафуддин Али Яздий Форс вилоятининг ҳокими Темурий Иброҳим Султон (1415-1435 йй.) саройида хизмат қилган. У илм-фан ҳомийси бўлмиш мазкур шахзоданигина эмас, балки Шохруҳнинг ҳам зўр ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Шарафуддин Али Яздий 1442 йили Шохруҳнинг набираси Султония, Қазвин, Рай ҳамда Қум ҳокими Султон Муҳаммад (1442-1446 йй.)нинг таклифи билан Қумга келди ва шахзоданинг хизматида кирди. Султон Муҳаммад 1446 йили Шохруҳнинг оғир касаллигидан фойдаланиб, исён кўтарди, Ҳамадон ҳамда Исфҳонни босиб олди, Шерозни қамал қилди. Шохруҳ унга қарши қўшин тортди. Султон Муҳаммад Шохруҳ билан очиқ жанг қилишдан қўрқиб

тоққа қочди². Шохрух Султон Муҳаммад билан яқин бўлган кишиларни, шунингдек, маҳаллий саййидлардан бирмунчасини исёнда иштирок этишда айблаб ҳибсга олди ва кўпларини ўлимга маҳкум қилди. Ўшанда ҳибсга олинганлар орасида Шарафуддин Али Яздий ҳам бор эди. Фақат Мирзо Абдуллатифнинг (Улуғбекнинг тўнғич ўғли) аралашуви билан Шарафуддин Али Яздий жазодан қутулиб қолди. Шаҳзода уни Самарқандга, отаси хузурига жўнатиб юборди. Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бир йил чамаси истиқомат қилди. Шохрух вафотидан (1447 й.) кейин 1449 йилда Шарафуддин Али Яздий Хуросонга қайтди ва Султон Муҳаммаднинг рухсати билан яна ўз ватани Тафтга қайтиб борди ва умрининг охири қисмини узлатда кечирди. Шарафуддин Али Яздий 1454 йили вафот этди.

“Зафарнома” асосан Низомуддин Шомийнинг шундай номли асари асосида зўр бадиий маҳорат билан ёзилган. Лекин Шарафуддин Али Яздий Низомуддин Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг баъзиларига янги тарихий манбалар асосида аниқликлар киритди, уни янги исбот ва далиллар билан бойитди. Амир Темурнинг шахсияти ва унинг фаолиятидаги қарама-қаршилиқлар, яъни бир томондан қаттиққўл эканлиги, иккинчи томондан эса Мовароуннаҳрдаги тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлатга асос солганлиги бирмунча тўғри ва ҳаққоний ёритилган.

Шарафуддин Али Яздий асарининг зўр қиммати шундаки, унда Мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Чиғатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонидан то Темур давлатининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. Асарнинг бу қисми “Тарихи жаҳонгир”, ёки “Муқаддимаи Зафарнома” номи билан аталади ва 1419 йили ёзиб тамомланган.

“Зафарнома” асарининг асосий қисми, муаллифнинг дастлабки режаларига кўра, уч қисм – мақоладан иборат бўлмоғи, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, иккинчи қисмда Шохрух Мирзо ва ниҳоят, учинчи қисмда ушбу

² Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1447 йили Султон Муҳаммад яна Форсни эгаллади, Шохрух вафотидан сўнг (1447 йил 12 март) Хуросонни қўлга киритди, лекин 1451 йили иниси Абулқосим Бобурдан енгилди ва унинг амри билан қатл этилди.

асар ёзишнинг ташаббускори Иброҳим Султоннинг даврида ўтган воқеалар баён этилиши мўлжалланган эди. Лекин, биз ҳозир асарнинг биринчи қисмигагина эгамиз, халос. Унинг иккинчи ва учинчи қисмлари сақланмаган. Эҳтимол, иккинчи ва учинчи қисмлари ёзилмай қолган бўлса керак. “Зафарнома” асарининг асосий қисми 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп, хорижий мамлакат кутубхоналари, хусусан Тошкентда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида унинг йигирма тўрт нусхаси бўлиб, уларнинг икkitасига (Инв. № 3440 ва № 4472) XV ва XVII асрларда расмлар ишланган. “Зафарнома” асари матни Ҳиндистон (1885-1888 йй.), Эрон (1957 й.) ва 1972 йили А.Ў.Ўринбоев томонидан Тошкентда чоп қилинган. Асар икки марта ўзбек тилига, инглиз, француз ва турк тилларига таржима қилинган. Ундан айрим парчалар инглиз ҳамда рус тилларида босилган.

“Зафарнома” асарининг муқаддимаси терма таржимаси ва 10 йилги Мовароуннаҳр воқеалари баёни О.Бўриев томонидан таржима қилиниб, 1996 йили нашр қилинди. Китоб Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тарихини ўрганишдаги илмий аҳамияти жуда катта. Кейинчалик яратилган тарихий асарларда бу китобнинг таъсири яққол сезилади.

Мўғуллар давлати тарихи ҳамда муғул истилоси даври Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" номли асарида ҳам ўз аксини топган. Бу асар компилятив асар бўлиб, асосан Рашидуддин, Жувайний ва бошқа муаллифларнинг асарларига таянади.

“Улуси арбаъ-йи Чингизий” (“Чингизийлар тўрт улуси” (тарихи) ёки “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) номли асар асосий муаллифларидан бири, унинг яратилиш ташаббускори XV асрда ўтган буюк олим, йирик давлат арбоби, Шохруҳ Мирзонинг ўғли Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекдир. У 1394 йил 22 мартада Амир Темурнинг Ироқ ва Озарбайжонга қилган навбатдаги беш йиллик ҳарбий юриши вақтида Султония шаҳрида, Эрон Озарбайжонида туғилган. Амир Темур саройида ҳукм сурган анъанага кўра, шаҳзода соҳибқироннинг катта хотини Сароймулк хоним, Биби хонимнинг

тарбиясига топширилади. Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1395 йили Амир Темур Сароймулк хоним ва набирасини Шохрухга қўшиб Самарқандга жўнатади.

1398 йили Улуғбекка машҳур қиссахон, шоир ва олим, шайх Ориф Озарий (1382-1462 йй.) муаллиф этиб тайинланди ва у дастлабки асосий таълимни ана шу ажойиб шахсдан олди. Шахзода Амир Темурнинг бир қатор ҳарбий ҳаракатларида, 1399-1404 йиллари Туркия ва Сурияга қарши ўтказилган юришда, 1404-1405 йили Хитойга қарши уюштирилаётган юришда қатнашди.

Амир Темур 1405 йил 18 февралда вафот этгач, Мовароуннаҳр тахтини набираси Халил Султон зўрлик билан эгаллаб олди. Бу вақтда Улуғбек отаси Шохрух хизматида бўлди. 1409 йили Халил Султон ўз амирлари томонидан асир олингач, Шохрух Хуросондан Моваруннаҳрга келиб, Мирзо Улуғбекни Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳокими этиб тайинлади. У 1449 йил 25 октябригача бу мамлакатни бошқарди.

Мирзо Улуғбек йирик давлат арбоби, саркарда эди. Шу билан бирга у буюк олим ва илм-фан ҳамда маданият ҳомийси сифатида тенги йўқ эди. Самарқанд унинг даврида Шарқнинг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланди.

Мирзо Улуғбек икки йирик асар яратди. Бири “Зижи жадиди кўрагоний” (“Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали”) бўлиб, 1437 йили яратилган китобда илми нужумнинг назарий ва амалий масалалари қамраб олинган, ўша даврдаги энг юксак илмий жасорат ҳисобланган.

Олимнинг иккинчи асари “Улуси арбаъ-йи Чингизий” бўлиб, унда XIII-XIV асрларда Мўғул империяси таркибига кирган мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда баён этилган. Китоб 1425 йилдан кейин тугалланган.

“Тарихи арбаъ улус” муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Муқаддимада ўрта асрларда тарихчилар ўртасида ҳукм сурган анъанага кўра, исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, туркларнинг афсонавий ота-боболари ҳисобланган

Ёофас ибн Нух ва унинг фарзанди Туркхон, шунингдек, турк мўғул қабилалари ва Чингизхон тарихи баён этилган.

Биринчи қисм Улуғ юрт, яъни Мўғулистон ва Шимолий Хитой тарихи, Ўгадайхон (1227-1241 йй.), Чингизхоннинг учинчи ўғли давридан то Ариқ Буғо авлоди Ўрдой хон замониғача юз берган воқеаларни ўз ичига олади.

Иккинчи қисмда Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда тарихи, Жўжихондан то Шохрухнинг замондоши бўлмиш Муҳаммадхон замониғача, XIII-XV асрнинг биринчи чораги тарихи баён этилган.

Учинчи қисмда Элхонийлар, яъни Эрон ҳамда Озарбайжоннинг XIII-XIV асрлардаги тарихидан бахс юритилади.

Тўртинчи қисмда Чигатой улусининг, Кошғар, Еттисур, Мовароуннахр, Шимолий Афғонистон ҳудудидаги XIII-XIV асрлардаги тарихи талқин этилган. Шуни ҳам айтиш керакки, муаллиф мазкур улусда ҳукмронлик қилган ҳар бир ҳукмдор хон устида қисқа ва алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг даврида содир бўлган воқеалардан энг муҳимларини баён этган.

“Тарихи арбаъ улус” асарининг айрим қисмлари, хусусан унинг тўртинчи қисми, кўп жиҳатдан Шарафуддин Али Яздийнинг “Муқаддимаи Зафарнома”сига ўхшаб кетади. Лекин Улуғбек асари бирмунча мукамалдир. Бундан ташқари, унда тўрт улус ўртасидаги сиёсий муносабатлар, “ўзбек” этнонимининг келиб чиқиш вақти хусусида ҳам қимматли маълумотларни учратамиз.

Ушбу китобнинг фақат қисқартирилган таҳрирининг тўрт мўътабар қўлёзмаси бизгача етиб келган. Уларнинг икkitаси Англияда, биттаси Ҳиндистонда ва тўртинчи нусхаси АҚШда сақланмоқда.

Мирзо Улуғбек тарихий асарининг инглизча таржимаси 1838 йили Майлс томонидан Англияда чоп этилган. Ўзбекча таржимаси Б.Аҳмедов, М.Ҳасаний ва Н.Норқуловлар томонидан тайёрланиб, 1994 йили Тошкентда чоп этилди.

“Тарихи арбаъ улус” Марказий Осиё, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг XIII-XIV асрлардаги тарихини, айниқса Чигатой улуси тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири вазифасини ўташи мумкин.

4. Форс тожик тилидаги жуғрофий ва адабий асарлар, насабномалар.

Ўрта Осиёнинг IX-XII асрлардаги сиёсий тарихи ва маданий ҳаётига оид манбалардан бири Низоми Арузи Самарқандийнинг "Мажмаъ ан-наводир" ёки "Чахор мақола" номли асаридир. "Чахор мақола"да муаллиф олдинги даврларда ўтган ва ўзига замондош бўлган кўплаб олимлар, шоирлар ва тарихнафислар ҳақида баҳс юритади. Асарда Фирдавсий, Беруний, Умар Хайём, Ибн Сино ва бошқа машҳур кишилар ҳақида маълумот берилади.

XI-XII асрнинг йирик қомусий олимларидан бири Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафийдир. У фикх, ҳадис, тафсир, адабиёт, тил, тарих ва бошқа соҳаларга оид 100 га яқин асарлар ёзган. Ан-Насафийнинг муҳим асарларидан бири "Китоб ал-канд фи зикри Уламои Самарқанд" ҳисобланади. Асарнинг асл арабча матни яқин кунларгача бизгача етиб келинган деб ҳисобланар эди. Асарнинг қисқартирилган форсча таржимаси ва таҳрири ("Кандияи-курд") маълум эди. Бир неча йил олдин ан-Насафий китобининг асл нусхаси топилганлиги ва Саудия Арабистонида шу ерлик ватандошимиз Назар Муҳаммад ал-Фаробий томонидан нашр этилганлиги маълум бўлди. "Китоб ал-канд"да ўрта асрларда Самарқандда яшаган мингдан ортиқ диний ва дунёвий олимлар ҳақида маълумотлар берилади.

“Тарихи гузида” (“Сайланган тарих”) асари муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний бўлиб, у XIII аср сўнгги чораги ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик географ ва тарихшунос олимдир. Унинг тўла исми Ҳамдуллоҳ ибн Абубақр ибн Аҳмад ибн Наср Муставфий Қазвиний бўлиб, келиб чиқиши бўйича араб ва 1281 йили Эрон Озарбайжонининг Қазвин шаҳрида туғилган

Ҳамдуллоҳ Қазвиний Рашидуддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молия ишларини бошқарган. Рашидуддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Ғиёсуддин Муҳаммад (1327-1336 йиллари Элхоний Абу Саъиднинг вазири бўлган)нинг хизматида бўлган. Тарихчи 1350 йили вафот этган

Ҳамдуллоҳ Қазвиний “Зафарнома”, “Тарихи гузида” ҳамда “Нузхат ул-кулуб” номли асарлар муаллифидир

“Тарихи гузида” умумий тарих йўналишида ёзилган асар бўлиб, унда қадим замонлардан то 1330 йилгача Эрон ва қисман, Урта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Ҳамдуллоҳ Қазвиний вафотидан кейин ўғли Зайнуддин томонидан асар давом эттирилган ва унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар қўшилган. Китобнинг асосий қисми хожи Ғиёсуддин Муҳаммадга бағишланган. Асар муқаддима-фотиҳа ва олти бобдан иборат: 1) пайғамбарлар ва авлиёлар; 2) исломиятдан аввал ўтган Эрон подшоҳлари; 3) Муҳаммад пайғамбар, ҳаоифайи Рошидин, Умавийлар ва Аббосийлар тарихи; 4) Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Дайламийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар ва бошқа сулолалар тарихи; 5) исломият даврида ўтган шайхлар, олимлар ва шоирлар; 6) Қазвин шаҳрининг тарихи

“Тарихи гузида” Эрон, Ўрта Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади

Китоб 1910 йили инглиз шарқшуноси Э.Браун тарфидан матн ва қисқартирилган инглизча таржимасини ҳамда 1960 йили Абдул Ҳусайн Навоий асар матнини нашр қилган.

“Равзат ули-л-албоб” ёки “Равзат ули-л-албоб фи тавориҳал-акобир ва-л-ансоб” (“Акобир ва асил (кишилар) тарихи хусусида оқиллар боғи”) номли асарнинг ижодкори Фахруддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абулфазл Муҳаммад Банокатий (1330 йили вафот этган) бўлиб, у XIII асрнинг II- ярми ва XIV аср I- ярмининг биринчи чорагида ўтган шоир ва йирик тарихчи олимдир. У кўпроқ Банокатий номи билан машҳур.

Банокат эски Тошкент шаҳар номларидан бири бўлиб, у Илоқ, яъни Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшилиш жойи яқинида жойлашган қадимий шаҳар, 1392 йилидан бошлаб Шоҳруҳия номи билан аталган. Тарихчи мана шу шаҳарда туғилган. Элхон Ғозонхон ҳамда Ўлжойтухон саройида

хизмат қилган ва 1301 йили малик уш-шуаро (шоирлар подшоҳи) унвонига сазовор бўлган.

Лекин Банокатий кўпроқ тарихчи олим сифатида, хусусан жаҳон тарихини ўз ичига олган “Равзат ули-л-албоб” номли асари билан машҳур бўлди. Асар 1317 йили ёзиб тамомланган ва муқаддима ҳамда тўққиз қисмдан иборат: 1) Одам Атодан то Мусо пайғамбаргача ўтган даврда яшаган патриарх ва пайғамбарлар; 2) қадимий Эрон подшоҳлари; 3) Муҳаммад пайғамбар, халифайи Рошидин, имомлар, Умавия ва Аббосия халифалари даври; 4) Аббосийлар билан ҳамаср бўлган Тохирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқа сулолалар; 5) яхулийларнинг пайғамбарлари ва подшоҳлари; 6) христианлар ва франклар тарихи, христианларнинг дини ва эътиқоди, Арманистон ва Франк мамлакатларининг географик ҳолати; 7) Ҳиндистон тарихи, ҳиндларнинг дини ва эътиқоди; 8) Хитой тарихи ва унинг географик ҳолати, хитойларнинг дини ва урф одатлари; 9) мўғулларнинг тарихи ва уларнинг истилочилик юришлари.

“Равзат ули-л-албоб” асари Рашидуддиннинг “Жоме ут-таворих” асари асосида ёзилган бўлиб, унинг қисқартирилган таҳрири деб айтиш ҳам мумкин. Лекин Банокатий асарида Рашидуддин китобида учрамайдиган маълумотлар ҳам бор. Масалан, етти иқлим мамлакатларининг тавсифи, Эроннинг 1310-1317 йиллар орасидаги тарихи шулар жумласидандир

Хуллас, Банокатийнинг мазкур асари Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи чорагидаги тарихи, географик ҳолати ва аҳолисининг турмишини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобанади.

“Равзат ули-л-албоб” XVII асрдан буён илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари лотин, турк, инглиз ҳамда француз тилларига таржима қилиниб чоп этилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт-Петербург, Қозон, Душанбе ва хорижий мамлакатлар кутубхоналарида мавжуд. Китобдан Алишер Навоий ўзининг тарихий асарларини яратишда фойдаланган.

5. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид Европа манбалари.

XV асрнинг охирларида Европа давлатлари танг ахволга тушиб қолдилар. Усманий турклар давлатининг тазйиқига етарли даражада жавоб қайтара олмаган Европа қироллари ва Рим папаси нажот истаб, ўз нигохларини Шарққа, Амир Темурга қаратдилар. Ана шундай шароитда Европада Темур шахсига қизиқиш ортиб борди. Темур билан мулоқотда бўлган элчилар, унинг ҳарбий юришларини гувоҳи бўлган сайёҳ ва савдогарларнинг Темур ҳақидаги китоблари Европаликларда катта қизиқиш ўйғотди.

Рим папаси ва Франция қиролининг Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Иоанн Гринло (1401 йил август) Амир Темур суҳбатларида кўп марта иштирок этган. Унинг салтанатини ўз кўзи билан кўрган ва бу ҳақда асар ёзган биринчи европалик муаллифдир. Унинг асари "Темур ва унинг саройига оид хотиралар" деб аталади. Монах ва элчи Иоанн Гринлонинг асари француз ва латин тилларида ёзилган бўлиб, 23 бобдан иборатдир. Муаллиф Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида имкон қадар батафсилроқ маълумот беришга ҳаракат қилган.

Амир Темур ва унинг юришлари ҳақида италиялик тужжорлар Паоле Зане, Белтрамус де Мигнанелли ва Эммануэл Паоле ҳамда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо, асирга тушган немис аскарари Иоганнес Шильтбергер ва бошқалар ҳам ўз хотираларини ёзиб қолдирганлар.

Эммануэл Паоле араб тилини мукаммал билган. 22 йил мобойнида Миср мамлуқлари орасида яшаган ҳамда Миср султони Фаражнинг яқин кишиси бўлган. У Амир Темурнинг Дамашқ юришига оид маълумотлар тўплаган. Унинг Амир Темур ҳақидаги маълумотлари Венеция архивида сақланмоқда ва ҳозирги кунга қадар нашр қилинмаган.

Паоле Зане эса 1400 йилда Венециянинг Дамашқдаги консули бўлган. У Венеция сенатининг топшириғига мувофиқ Амир Темур ҳақида маълумотлар

йиққан. Унинг тўплаган материаллари ҳам ҳозирги кунда Венеция архивида сақланмоқда, нашр этилганича йўқ.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, XIV асрнинг охири - XV асрнинг бошларида Европада Амир Темур унинг салтанати, қўл остидаги ерлари, қўшини, уруш олиб бориш услубига оид маълумотлар нашр этиш мақсадида тўпланган эмасди. Маълумотлар Европа қироллари ва Рим папаси учун тўпланган бўлиб, асосан махфий характерга эга эди. Шу боисдан бу материаллар асрлар давомида қўлёзма ҳолатида қолиб кетган.

Италиялик тужжор Белтрамус де Мигнанеллининг "Темурланг ҳаёти" асарининг тақдири қисман ўзгачадир. Белтрамус узок вақт мобайнида Дамашқ шаҳрида яшаб, бу ерда катта бойлик ва обрў-эътиборга эга бўлади. Темур Дамашқни ишғол этганда де Мигнанелли бу ерда яшарди. У Анқара жанги ҳамда Смирнани олинишини кузатган ва ўрганган эди. Белтрамус де Мигнанелли "Темурланг ҳаёти" асарини 1416 йилда лотин тилида ёзади. 1764 йилда асарнинг Венадаги илмий кутубхонада сақланаётган қўлёзма нусхаси Стефан Белизиус томонидан нашр қилинган эди. "Темурланг кейинги ҳаёти ёки Дамашқ харобаси" асари гарчи Темур юришидан талафот кўрган тужжор томонидан ёзилган бўлсада, лекин муаллиф кўп ҳолларда воқеаларни ҳаққоний ёритишга эришган ва тарихий шахсларга баҳо бера олган. Шунинг учун ҳам асар ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Темурнинг ҳукмронлик даври билан боғлиқ яна бир муҳим тарихий манба бу испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихонинг кундаликларидир. Де Клавихо 1404 йилда Лион ва Кастилия қироли Генрих III нинг топшириғи билан Самарқандга келади. Унинг асари "Самарқандга Темур саройига саёхат кундалиги" деб аталади. Де Клавихо кундаликлари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм элчиларнинг Самарқандга етиб келишларигача йўлда рўй берган воқеалар, турли мамлакатлар табиати, халқларнинг турмушига оид маълумотларни ўз ичига олади. Иккинчи қисмида муаллиф Кеш ва Самарқандда Темур саройларидаги учрашувларни тасвирлайди.

Мазкур кундалик дафтар биринчи марта 1582 йили Севилья шаҳрида «Улуғ Темурланг тарихи» номи билан, сўнгра 1782 йили Мадридда «Улуғ Темурлангнинг ҳаёти ва фаолияти» номида нашр қилинган. Бу асар кейинчалик ҳам тўлиқ ёки айрим парчалар ҳолида инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар даври ўша даврлардаёқ Европалик муаррихларни эътиборини ўзига тортган. Ушбу манбалар Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Араб тилидаги тарихий, тарихий-жуғрофий ва адабий асарлар ҳақида маълумот беринг.
2. Темур тузуклари асари ва унинг моҳияти ҳақида нималарни биласиз?
3. А Навоийнинг тарихий мавзудаги қайси асарларини биласиз?
4. Форс-тожик тилидаги тарихий асарлардан қайси бирларини ишончли ва муҳим деб биласиз?
5. Форс-тожик тилидаги жуғрофий ва адабий асарларда асосан Мавороуннахр ва Хуросоннинг қайси ҳудудлари тарихи ёритилади?
6. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид Европа манбалари қай мақсадда тўпланган ва ёзилган?

МАВЗУ-6: ЎРТА ОСИЁНИНГ XVI-XIX АСРЛАР ТАРИХИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР

Р Е Ж А

1. Кўрилаётган даврда Ўрта Осиёда кечган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар.
2. XVI-XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид ўзбек тилидаги манбалар.
3. Хонликлар тарих архивига доир форс-тожик тилидаги манбалар.

Таянч сўз ва иборалар. Шайбонийлар даврига оид тарихий манбалар, Бобурийлар даврига оид тарихий манбалар, Аштархонийлар даврига оид тарихий асарлар, Хива хонлигида тарихнавислик, Бухоро амирлигида тарихнавислик, Қўқон хонлигида тарихнавислик, “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, “Тарихи Абулхайрхоний”, “Абулфайзхон тарихи”.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Абулғозий. Шажараи турк. –Т.: Чўлпон. 1992.
5. Аҳмедов Б. А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
6. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”. 2001.
7. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
8. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. – Т. : Ўқитувчи. 1993.
9. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Т.: Фан. 1998.
10. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004,2005

12. Қажомов А. Алишер Навоий. –Т.: Камалак. 1991
13. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. K.2 /Ma'sul muxarrirlar: O' Mavlonov, Q. Usmonov.- Т.: Sharq, 2010.
- 14.Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. .-Т.: Янги аср авлоди, 2012.
15. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Кўрилаётган даврда Ўрта Осиёда кечган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар.

Бу даврда юртимизда дастлаб Шайбонийлар сулоласи (1501-1601йй.), сўнгра эса Аштархонийлар сулоласи (1601-1753йй.) хукмронлик қилган. Бу сулолаларнинг хукмронлиги тарихимизда шу билан изоҳланадики, яхлит бир худудда бир-биридан мустақил бўлган учта давлат ажралиб чиқади. Булар Бухоро хонлиги (кейинроқ амирлик), Хива хонлиги, Қўқон хонлиги.

Бухоро хонлиги шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон (1533-1540йй) хукмронлиги даврида пойтахтнинг Самарқанддан Бухорога кўчирилиши билан сиёсий майдонга келади. Манғитлар сулоласидан бўлган Муҳаммад Раҳимбийнинг 1753 йил 16 декабрда ўзини хукмдор деб эълон қилишидан бошлаб Бухоро хонлиги амирлик деб аталиб, 1920 йил сентябрь ойигача хукмронлик қилади.

Хива хонлиги шайбоний инокларидан (Берка Султон авлодлари) Элбарсхон томонидан 1511-1512 йиллар оралиғида Эрон сафавийларига қарши эрк ва озодлик учун кураш жараёнида вужудга келиб, хонлик 1920 йил феврал ойигача мавжуд бўлган. Хива хонлигини 1512 йилдан то 1770 йилга қадар Хива шайбонийлари, 1770 йилдан 1920 йил февралига қадар кўнғиротлар сулоласи идора қилган.

XVIII аср бошларидаги Бухородаги беқарорликдан фойдаланган Чодаклик дин пешволари Фарғона водийсини Бухоро хонлигидан ажратадилар.

Улардан минглар уруғи етакчиси Шохрухбий хокимиятни тортиб олиб Фарғона водийсида Қўқон хонлигини ташкил этади. Қўқон хонлиги 1710-1876 йилларда ҳукмронлик қилган.

2. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмига оид ўзбек тилидаги манбалар.

Темурийлар давридан бошлаб Моварауннахрнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида туркий (эски ўзбек) тилининг нуфузи ва аҳамияти ортиб борди. XVI асрдан бошлаб эски ўзбек тилида ҳам илмий асарлар яратила бошланди. Бу тилда тарихий асарлар вужудга кела бошлади. Айниқса Шайбонийлар ҳукмронлиги давридан бошлаб тарих илми бобида ўзбек тилида ёзилган асарларнинг сони тобора ортиб борди. Ўзбек тилида битилган тарихий асарлар Шайбонийлар давлати, Хива ва Қўқон хонликлари тарихига бағишланган эди

XVI асрнинг бошида эски ўзбек тилида ёзилган муҳим тарихий манбалардан бири "Таворихи гузуде", «Нусратнома" "Танланган тарих» «Фалсафа китоби" ҳисобланади. Муаллифи номаълум. Шу нарса аниқки, асар Шайбонийхоннинг топшириғи билан саройга яқин бўлган тарихнавислардан бири томонидан ёзилган. Асар икки мустақил қисмдан- "Таворихи гузиде" ва "Нусратнома»дан иборат. Биринчи қисмда Ўғизхон ва қадимги турклар, Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи, иккинчи қисмида эса Шайбонийхон таваллудидан то унинг Мовароуннахрни истило қилишигача Дашти Қипчоқ ва Ўрта Осиёда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён қилинади. Асарнинг "Нусратнома" қисми муҳим қимматга эга. Унда Шайбонийхон қўшинининг тузилиши, унинг этник таркиби, шунингдек шайбонийларнинг Мовароуннахр вилоятларига қилган юришлари тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, шайбонийлар томонидан Фарғона вилоятининг босиб олиниши фақат "Нусратнома"да тўла ва тўғри ёритилган.

Тарихчи олим Абдуллох Насруллохни 1525 йилда «Зубдат ал-асар» («Солномалар сараси») номли китоб ёзган. Умумий тарих типиди ёзилган бу асарнинг сўнгги XI қисми оригинал ҳисобланади. Унда XVI асрнинг биринчи чорагида Хуросон ва Мовоуннахрда содир бўлган воқеалар бир мунча кенг ёритилган.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган атоқли шоирлардан бири Муҳаммад Солих ҳисобланади. Муҳаммад Солих Темурга яқин бўлган амирлардан бири Шохмаликнинг набираси бўлган. Унинг отаси ҳам Темурийларга хизмат қилган, лекин қайсидир гунохлари учун у Абу Саид томонидан қатл этилган. Шу боисдан Муҳаммад Солих ёшлигидан кўп қийинчиликларга дучор бўлди. Кейинчалик Хусайн Бойқаро саройида бир неча йил хизмат қилди, лекин илтифот кўрмади. Шунинг учун ҳам тахминан 1499 йилда Муҳаммад Солих Шайбонийхон хизматига киради. Шайбонийхон уни илтифот билан кутиб олиб, "малик уш-шуаро" унвонини беради. Муҳаммад Солих Шайбонийхоннинг бир неча юришларида унга ҳамкорлик қилди. Муҳаммад Солих ўзининг асосий асари бўлган "Шайбонийнома" достонида Шайбонийхоннинг 5-6 йиллик дахшатли юришларини тасвирлайди. Асарда тенденциоз рух кучли. Муаллиф Шайбонийхон ва унинг атрофидаги кишиларни кўкларга кўтариб мактайди, Темурийларни эса камситиб, уларни ҳақорат қилиш даражасига етиб боради. Бироқ, баъзи нуқсонларга қарамай, бу асар Шайбонийхоннинг юришларини ҳаққоний акс эттирувчи жангнома типидидаги йирик дostonдир.

XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларига доир муҳим тарихий манбалардан бири "Бобурнома" ҳисобланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бу асари ўзининг объективлиги билан ажралиб туради. Бобур шоҳ ҳамда фозил ва олим киши бўлганлиги бунинг асосий сабабидир.

“Вақоийъ”- воқеалар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳонга “Бобурнома” номи билан машҳур бўлган шоҳ асарининг асл номидир. муаллиф асарда ўзининг ўн икки ёшида Фарғона вилояти подшоҳи, деб кўтарилган вақтидан бошлаб, ҳаётининг охирига қадар бўлиб ўтган воқеаларни йилма-йил

баён қилган. Дунёда мавжуд асарнинг барча қўлёзмаларида бир неча йил, хусусан 1509-1518, 1521-1524 йил воқеалари баёни тушиб қолган.

Бобур Фарғона вилояти ҳокими Темурий Умар шайх мирзонинг (1461-1494 йй.) тўнғич ўғли, 1483 йилнинг 14 феврилида Андижон шаҳрида туғилган. У 1494 йилнинг 5 июнида, ҳижрий исобда ўн икки ёшида ҳалок бўлган отаси ўрнига Фарғона тахтига ўтқазилади. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, мамлакатда авж олган ўзаро кураш натижасида мағлубиятга учраб, Фарғонани ташлаб чиқишга мажбур бўлади.

Унинг 1497-1500 йиллари Самарқанд тахти учун олиб борган кураши ҳам муваффақиятсизликка учрайди.

Бобур 1504 йилга қадар Фарғона ва Самарқанд учун курашди, аммо темурийлар ўзаро бирлаша олмадилар. Натижада, у тажрибали Шайбонийхон билан бўлган жанглarda мағлубиятга учраб, ўз юртини тарк этиб, омад ва бахт излаб Қобулга йўл олди. Қобулни эгаллаган Бобур ўз мавқеини аста-секин мустаҳкамлаб борди.

1511 йилнинг кузида Бобур Озарбайжон ва Эрон подшоҳи шоҳ Исмоил Сафавийнинг (1502-1524 йй.) ҳарбий ёрдамига таяниб, Самарқандни учинчи бор эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо унинг ўз халқи эътиқоди – сунний мазҳабни инкор этиб, кишиларга шиалар кийимида кўриниши, аҳолини ундан ихлосини қайтарди. Бу сафарги Бобурнинг бобо мерос пойтахт Самарқанддаги ҳукмронлиги бир йилга ҳам етмади.

1512 йилнинг баҳорида кўли малик (хайробод билан қоракўл орасида жойлашган мавзеъ) деган жойда бўлиб ўтган жангда шайбонийлардан Убайдуллахон, Муҳаммад Темур султон, Жонибек султон ва бошқаларнинг бирлашган кучлари унинг қўшинларини тор-мор келтирди.

Бобур ҳисори шодмон томонга чекинди ва қарийб икки йил мобайнида ўша вилоятда кун кечирди ва 1514 йили яна Қобулга қайтди.

У 1514-1526 йиллар орасида шимолий Ҳиндистонга, уни бўйсундириш мақсадида беш марта қўшин тортади, лекин фақат сўнгги юриши (1526 й.) натижасида бой ва улкан мамлакатни эгаллади. Бобур тарихда янги салтанатга

асос солди. Унинг давлати ғарбда янглиш буюк мўғуллар номи билан машхур бўлиб кетган, аслида эса бу Ҳиндистондаги Темурийлар ёки Бобурийлар давлатидир.

Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида Ҳиндистондаги пойтахти Агра шаҳрида вафот этди. Аммо унинг васиятига кўра, кейинчалик унинг хоки Қобул шаҳридаги ўзи асос солиб обод қилган боғга кўмилди. Унинг қабр тоши кейинча чевараси Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605-1627 йй.) томонидан ўрнатилган.

Бобур истеъдодли қалам соҳиби сифатида икки девон-шеърлар мажмуаси, аруз илмига оид рисола, ислом қонуншунослиги масалаларига бағишланган “Мубаййин” номли маснавийси, Убайдулла хожа Аҳрорнинг “Волидия” рисоласининг туркий таржимаси, мусиқа ва ҳарбий ишга оид рисолалари муаллифи, махсус янги алифбо “хатти Бобурий” ихтирочиси ҳамда “Вақойиъ” асарининг ижодкоридир.

“Вақойиъ” мемуар – хотира типдаги асар бўлиб, ўзининг баён услуби билан “Темур тузуклари”ни эслатади. Китобда Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ҳисори Шодмон, Чағониён, Қобул, Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда шимолий Ҳиндистоннинг XV аср иккинчи ярми ва XVI аср биринчи ўттиз йиллигидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи батафсил ёритилган. Асар мазмунини шартли уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Фарғона ва Мовароуннаҳр воқеалари даври (1494-1504 йй.);
2. Қобул ва Хуросон воқеалари даври (1504-1525 йй.);
3. Ҳиндистон воқеалари даври (1526-1530 йй.).

Сиёсий воқеалар баёнидан ташқари, асар географик ҳамда этнографик маълумотларга бой. Ундан Фарғонанинг турк-мўғул қабилалари, кўчманчи ўзбеклар қўшини тузилиши, мовароуннаҳр, хуросон ва ҳиндистон халқларининг урф-одатлари, ҳайвоноти, набототи, паррандалари ва бошқалар тўғрисида тафсилотлар ҳам ўрин олган.

“Вақойиъ” асари асл матни уч марта, биринчи марта 1857 йили Қозонда Н.И.Ильминский томонидан бухоро қўлёзмаси ва икки марта 1905 ва 1970

йиллари Англиянинг пойтахти Лондон шаҳрида А.Бевежи хоним томонидан Ҳайдаробод қўлёмаси асосида чоп қилинган эди.

1995-1996 йиллари япон олими Эйжи Ману “Вақойиъ” асари матнини тўртта туркий ва учта форсий қўлёмалари асосида тузиб, унга мукаммал кўрсаткичларни алоҳида жилд сифатида илова қилди. Бу тадқиқотчи кейинча лик япон тилида таржима ва кўрсаткичларни икки жилдда чоп этди.

Кирилл-рус алифбосида 1948-1949 йиллари икки жилдда С.Мирзаев ва П.Шамсиев томонидан биринчи бор ва 1960 йили бир жилд сифатида чоп қилинган эди.

2002 йили С.Ҳасанов томонидан П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Ману нашрлари асосида “Вақойиъ” асар матнини чоп этди. Аммо булар ва бошқа нашрлар ушбу жаҳонга машҳур асарнинг асл нусхасининг илмий академик наشري эмас.

Гарчи “Вақойиъ” асл нусха матни илмий асосда тикланмаган бўлса-да, уни таржима қилиш, ўрганиш ҳали асар тўла тугамасдан олдин бошланган эди.

Илк марта “Вақойиъ” асарини форс тилига таржима қила бошлаган, бир қисмини эса таржима қилган шахс Бобурнинг сафдоши ва Садри Шайх Зайн Хаврфий (ваф.1534 й.) эди.

Асар бутунлай тугамасдан туриб, ундан бир нусхани Бобур кўчиртириб Мовароуннаҳрга жўнатган эди.

“Вақойиъ” билан тасодифан танишган Бобурнинг чевараси Султон Салим, бўлғуси жаҳонгир оталиғи, маънавий устози Қутбиддин Муҳаммад бекларбеги ўғли Бехрузхон Наврангхондир. У Мирзо Поянда Ҳасан Ғазнавийга асарни форс тилига таржима қилдира бошлайди. Аммо таржимон вафот этгач, Муҳаммад қули Ҳисорийни бу ишга жалб этиб, 1586 йили таржима ниҳоясига етади.

Учинчи марта “Вақойиъ”ни форс тилига таржима қилиш ташаббускори Бобурнинг набираси Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556-1605 йй.) эди. У асарни Байрамхон ўғли Абдурахимхонга таржима қилдириб, унинг кўплаб

нусхаларини нафис мўъжаз расмлар билан безаттирган. Форсий тилдаги ушбу уччала таржима асл матнни тиклашда катта илмий аҳамиятга эга.

“Вақойиъ” асари ғарб олимлари ичида машҳур ва жуда катта обрў-эътиборга молик. Асар инглиз тилига уч марта 1826, 1921 ва 1990 йиллари тўла таржима қилинган бўлса, унинг ихчам ва қискартирилган нашрлари ўн бешдан зиёддир. Айтиш мумкинки, сўнгги икки юз йил давомида инглиз шарқшунослари “Вақойиъ” асарини жуда жиддий ўрганмоқдалар ва махсус Бобуршунослик илмий йўналишига асос солганлар.

Асарнинг форсий тошбосма матни ҳам мавжуд. Китоб яна икки марта француз тилига, немис, турк, япон, ҳинд, урду, турк, қозоқ тилларига таржима қилинган.

Умуман, шарқ тарихига оид асарлар ичида “Вақойиъ” юксак мавқега эга. Шундай тарихий асар тўғрисида уч марта академик С.Азимжонова томонидан рус тилида китоблар чоп этилган бўлса-да, ўзбек тилидаги тадқиқотлар асосан филологик йўналишда амалга оширилган.

“Вақойиъ” биринчи галда тарихий манба ва у бошқа соҳа мутахассислари учун ҳам бебаҳо обида ва ибратли намунадир.

XVII асрнинг йирик тарихчи олими ва давлат арбоби Абулғозий Баходирхондир. Мураккаб тақдир соҳиби бўлган Абулғозий кенг маълумотли киши бўлган. Ўзининг ёзишича, у уч соҳада-харбий, шеърят ва тарих соҳасида чуқур билим эгаси бўлган. Абулғозийдан иккита тарихий асар қолган. Булар “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” номли асарлардир. “Шажарайи тарокима” туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида баҳс юритади. “Шажарайи турк” (“Шажарайи турк ва муғул” деб ҳам аталади») китоби эса муқаддима ва 9 бобдан иборат. Абулғозий асарнинг 7, 8 ва 9-бобнинг бир қисмини ёзиб улгурган, холос. 1-6-боблар ва 9-бобнинг давоми (1644-1664 йиллар воқеалари) Анушахоннинг топшириғи билан Махмуд ибн Мулла Муҳаммад Урганжий исмли уламо тарафидан ёзилган. Муаллиф ўз китобини таъриф этишда Чингизхон ва унинг авлодлари тарихига бағишланган 18 та асардан фойдаланганлигини айтиб,

улардан Шарафуддин Али Яздийнинг "Муқаддимаи Зафарнома" ва Рашидуддиннинг "Жомеъ ут-таворих" номли асарларини эслатиб ўтади. Асарнинг оригинал қисми ҳисобланган 8 ва 9 бобларини ёзишда муаллиф ўзи билган ва сўраб-суриштириб тўплаган маълумотлардан кенг фойдаланган. Асарнинг оригинал қисмида XVII асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигидаги сиёсий воқеалар батафсил баён қилинган. Шунингдек, асарда Бухоро ва Хива муносабатлари, пул муомиласи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Абулғозий Хоразмда ўзига хос тарихнавис мактабига асос солди, десак бўлади. XVIII ва XIX асрларда бу тарихнавислик анъанасини шоир ва тарихчи олимлар Мунис ва Огахийлар давом эттирдилар.

Шермуҳаммад ибн Авазбий Мунис (1778-1829йй) Хивадаги мадрасаларда таҳсил олиб. 1800 йилдан бошлаб хон саройида котиб бўлиб хизмат қилган. У 1806 йилда Элтузархоннинг топшириғи билан "Фирдас ул-иқбол" "Жаннат боғи" асарини ёза бошлади. Лекин бу асар айрим сабабларга кўра тугалланмай қолган.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек Огахий ҳам асли Хоразмлик бўлиб, Муниснинг жияни эди ва тоғасининг тарбиясини олган эди. Мунис вафотидан сўнг у саройни тарк этиб, ота касби мироблик билан кун кечирган. Огахий истеъдодли шоир, тарихнавис ва таржимон сифатида машҳурдир. У тоғаси бошлаган "Фирдас ул-иқбол"ни нихоясига етказди. Ундан ташқари Огахий "Риёз уд-давла" ("Давлат боғи"), "Зубдат ут-таворих" ("Тарихлар сараси"), "Жомеъ ул-воқеоти султоний", "Гулшан ул-давла" каби асарлар ёзган. Огахий 19 та асарни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. "Равзат ус-сафо", Шарофуддиннинг "Зафарномаси», Восифийнинг «Бадоеъ ул-воқоеъ» асарлари шулар жумласидандир.

«Фирдавс» ул-иқбол" Хоразмнинг қадим замонлардан то 1825 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олади. Асар муқаддима ва беш бобдан иборат. Мунис ва Огахийларнинг мазкур асарининг аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг

қарийб 300 йиллик тарихи (1511-1825) яхлит, хронологик тарзда баён этилган. Асар турли мазмундаги фактик материалларга нисбатда бой.

XIX асрда тарихнавислик мактаби Қўқонда ҳам вужудга келди. Ўзбек тилида ёзилиб, Қўқон хонлигининг XIX асрнинг ўрталаридаги сиёсий ахволини ўзида акс эттирган асарлардан бири "Ансоб ус-салотин ва тазорих ул-хавокин" китобидир. Мазкур асарнинг муаллифи Мирза Мушриф Тошкандийнинг биографиясига доир маълумотлар кўп эмас. Лекин унинг нисбасидан хон саройида хизмат қилганлигини тахмин қилиш мумкин. Асарда Фарғонанинг XV- XIX асрлар тарихи ёритилсада, аммо 1842-1875 йиллар воқеалари баёни оригинал аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, XVI-XIX асрлар тарихи ўзбек тилида битилган қатор тарихий асарларда ўзининг аксини топган. Юқорида кўрсатиб ўтилган тарихий асарларнинг кўпчилиги илмий жиҳатдан ўрганиб чиқилиб, нашр этилган.

3. Хонликлар тарихига доир форс тожик тилидаги манбалар.

Асрлар давомида шаклланган анъанага кўра XVI-XIX аср тарихига доир жуда кўп асарлар ҳамон форс-тожик тилида ёзилган эди. Бу тилда ёзилган асарлар нисбатда кўп бўлиб, уларда хонликлар тарихи ҳар томонлама тараф ёритилган. Форс-тожик тилида ёзилган тарихий асарлар қатта гуруҳи Муҳаммад Шайбонийхон истилоларига бағишланган. Бу асарлар Мулла Шодий, Камолиддин Биноий, Файзуллох Ибн Рўзбехон ва бошқалар қаламига мансубдур.

Мулла Шодийнинг 1502 йилда таъриф этган «Фатхнома» асарида Муҳаммад Шайбонийхон таввалудидан (1451й) то унинг Самарқанд шаҳрини истило қилишгача (1501й) бўлган даврда Дашти Қипчоқ Хоразм ва Моворауннахрда содир бўлган воқеалар таҳлил этган. Асарда Шайбонийхон аскарларининг Мовороуннахр вилоятида қилган ёвузликлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Асар ҳозирга қадар биронта тилга таржима қилинмаган ва нашр этилмаган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Душанбе, Тошкент ва бошқа

шаҳарлардаги кутубхоналарда бор. Тошкентдаги Шарқшуностлик институтида сақланаётган нусхаси нодир ҳисобланади. Бу нусха XVI асрда кўчирилган ажойиб минатюралар билан безатилган. 1501 йилдан умрининг охиригача Шайбонийхонлар саройида хизмат қилган истедодли шоир ва тарихчи Камолиддин Биноий у 1512 йилда Қарши шаҳрини Эроний қизилбошлардан мудофаа қилишда қатнашган ва жангда ҳалок бўлган. «Шайбонийнома» номли асари муаллифидур. Бу асар 1505-1507 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Шайбонийхоннинг туғилишидан то у томонидан Мовороуннахр ва Хоразмни бўйсиндиргунча қадар Дашти Қипчоқ ҳамда Ўрта Осиёда содир бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Биноийнинг «Шайбонийнома»си ҳозирча нашр этилмаган. Хоразмлик тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг бу асарни ўзбекчага қилган таржимаси ҳам мавжуд.

Асли Эронлик бўлган йирик олим Фазлуллох ибн Рузбехон Шайбонийхон ва Убайдуллахон саройида хизмат қилган ва кўпгина асарлар ёзиб қолдирган. Тарихчилар учун унинг «Мехмонномаи Бухоро» номли асари қадрлидир. Бу асар Шайбонийхоннинг 1509 йилда қозоқ султонлари Жониш султон, Ахмад султон ва бошқаларнинг улусига қилган юриши тарихини баён этади. Рузбехон бу юришда шахсан иштирок этган, рўй берган воқеаларнинг кўпини ўз кўзи билан кўрган, баъзиларини эса хон ва унинг яқин кишиларидан эшитган. «Мехмонномаи Бухоро» асарининг иккита қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улар Туркиядаги «Нури Усмания» кутубхонасида ва Тошкентда, ЎЗР ФА Шарқшуностлик институти кутубхонасида сақланади. Тошкентдаги нусхаси автографдир. Асарнинг форсча матни Техронда (1962) ва қисқартирилган русча таржимаси Тошкентда (1976) нашр этилган.

Форс-тожик тилида ижод этган йирик тарихчи олимлардан Яна бири Хондамирдир (1475-1535йй). Унинг отаси Темурий Султон Муҳаммад мирзонинг вазири бўлган. Она томонидан Хондамир йирик тарихчи олим Мирхонднинг набирасидир. Хондамир турли Темурий хукмдорлар саройида хизмат қилган. Ҳаётининг сўнгги даврида Бобур ва Хумоюн хузурида хизматда бўлди, вофотидан сўнг Дехли шаҳрида Дафн этилди. Хондамир ўнга яқин асар

муаллифидир. Унинг тарихий асарлар орасида «Хабиб ус-сияр» («Дўстнинг таржимайи холи») алоҳида ўрин тутди. «Хабиб ус-сияр» асари умумий тарих типига ёзилган бўлиб, муқаддима, 3 жилд ва хотимадан иборат. Хар бир жилд 4 қисм (жузь)га бўлинади. 3-жилднинг III ва IV жузьлари оригинал бўлиб, Хуросон ва Мавороуннахрнинг XV асрнинг 90 йилларидан 1524 йилгача бўлган сиёсий ва ижтимоий аҳволни чуқур ва атрофлича баён этади. «Хабиб ус-сияр»нинг форсча матни Бомбейда (1857) ва Техронда (1954) нашр этилган.

Машхур тожик адиби Зайнулдин Восифий (1485-1551йй) ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» номли асари билан шухрат қозонган. Бу мемуар асарда 1512-1532 йиллар орасида муаллифнинг Хуросон ва Мовароуннахрда кўрган кечирганлари зўр маҳорат ва юксак санъат билан баён этилади.

XVI аср йирик тарихчиларидан бири Мирзо Муҳаммад Хайдар (1500, Тошкент-1551, Кашмир) «Тарихий Рашидий» номли асар муаллифидир. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Мўғилистон хонлари тарихи Туғлуқ Темур хукмронлиги бошланишидан то Абдурашидхоннинг тахтга чиқишигача, (1348-1533), иккинчи қисмида эса хотира тарзида Қошғар, Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимолий Хиндистонда XVI асрнинг биринчи ярмида содир бўлган воқеалар баён қилинади.

Эронлик тарихчи Хасанбек Румлу (XVIаср) ўзининг 12 жилддан иборат «Ахсан ат-таворих» асарининг оригинал қисми бўлган сўнгги жилдида Эрон ва қўшни мамлакатлар, жумладан, Ўрта Осиёнинг 1495-1577 йиллардаги сиёсий тарихини баён этади. Асарда Бобур ва шох Исмоилнинг Шайбонийларга қарши иттифоқи, Эрон билан Шайбонийлар ўртасида Хуросон учун олиб борилган кураш ва бошқа масалалар кенг ёритилган.

XVI аср кўзга кўринган шоир ва тарихчиси Хофиз Таниш Бухорий Абдуллахон II нинг шахсий воқеанафиси бўлган. У «Абдулланом» асари билан шухрат топган. Асар XVI аср тарихи бўйича энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Муаллиф ўз асарини ёзишда турли манбалардан фойдаланган. 30-60 йиллар воқеалари саройда мунтазам равишда юритилган дафтар, воқеалар шохиди бўлган кекса кишиларнинг оғзаки ахбороти асосида

ёзилган. 70-80 йиллар воқеалари эса муаллифнинг ўзи қатнашиб тўплаган материаллари асосида ёзилган. «Абдуллонома» муракаб сажъ услубида ёзилган. Асар кўпгина тилларга, шу жумладан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

Бухоро хонлигининг Ҳиндистон (Бобурийлар давлати) билан муносабатлари ҳақида Абул Фазл Алломийнинг «Акбарнома» асарида эътиборга лойиқ маълумотлар учрайди. Бу асарнинг форсча матни ва инглизча таржимаси нашр қилинган. Бухоро хонлигининг Эрон билан муносабатлари эса эронлик тарихчи Искандарбек Муншийнинг «Тарихи оламорои Аббосий» (1634) асарида учрайди. Бухоро хонлигининг XVII асрнинг 70-90 йиллардаги ахволи ва Бухоро билан Хива сиёсий муносабатларини ўрганишда Самандархожа Термизийнинг «Дастур ул-мулк» асари муҳим аҳамиятга эгадир.

XVII асрда яшаб ўтган бошқа бир тарихчи олим – Муҳаммад Юсуф Мунший «Тарихи Муқимхоний» номли асар ёзиб қолдирган. Асар муқаддима ва 3 бобдан иборат. «Тарихи Муқимхоний»нинг оригинал қисми II ва III бобларидир. Иккинчи бобда Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек бу хонликларнинг халқаро алоқалари, учунчи бобда эса 1702-1704 йиллар воқеалари, хусусан Бухоро ва Балх ўртасида бошланган қуролли кураш ўрин олган. Асарда хонлар ва амалдорларнинг зулми, меҳнаткаш халқнинг оғир ахволи ҳақида қизиқарли маълумотлар учрайди. «Тарихи Муқимхоний» 1861 йилда эски ўзбек тилига таржима қилинган. 1956 йилда А. Семёнов томонидан рус тилига таржима қилиниб, Тошкентда нашр қилинган.

Субхонқулихон ва Убайдуллахон саройларида бош мунший лавозимида хизмат қилган Мир Муҳаммад Амин Бухорий «Убайдуллонома» номли асар муаллифидир. Бу асарда Бухоро хонлигининг 1702-1716 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти хикоя қилинади. Убайдуллахон ва Абулфайзхон саройида хизмат қилган бошқа бир олим-Абдурахмон Толеъ «Тарихи Абулфайзхон» номли асар ёзган. Абдурахмон Толеъ асарида Абулфайзхон даврида Аштархонийлар давлатининг инқирозга юз тутиши ўз

аксини топган. Жумладан, биз Бухородан тўла мустақил бўлган Самарқанд хонлигининг ташкил топиши ва бу хонликнинг ҳукмдори Ражабхон ҳақидаги маълумотларни билиб оламиз. Биз Зарафшон ва Шахрисабз вохаларида содир бўлган ўзаро курашлар, исёнлар ва мажоролар тафсилотларини фақатгина мазкур асарда учратамиз. Муаллиф бу мажороларнинг халқ бошига келтирган кулфатларин ўз асарида акс эттирган.

Аштархонийлар хонадонига мансуб бўлган, лекин кўп кулфатларни бошдан кечириб, Туркия ва Хиндистонда яшаб, кўпроқ илмий ишлар билан машғул бўлган Хожи Мир Муҳаммад Салим 1731 йилда Бобурий Носируддиннинг топшириғига биноан «Силсилат ус-салотин» асарини ёзган. Тўрт қисмдан иборат бу асарнинг сўнгги икки боби алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиёнинг XVI-XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Хожи Мир Муҳаммад Салим Бухоро хонлари Абдуллахон, Абдулмўминхон, Динмуҳаммадхон, Имомқулихон, Абдулазизхон ва Субхонқулихонларнинг Хиндистон, Эрон ва Туркия ҳукмдорларига йўллаб 20 та мактублари нусхаларини ҳам келтирган. Бу мактублар тарихий манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Аштархонийлар сулоласининг инқироzi ва манғитлар ҳукмронлигининг дастлабки даврлари тарихи Муҳаммад Вафо (1689-1769)нинг «Тухфат ул-хоний» асарида баён қилинади. Убайдуллахон саройида китобдор, Муҳаммад Раҳимбий замонида қозилик вазифаларида хизмат қилган Муҳаммад Вафо 1722-1768 йиллар воқеаларини ёзган, асарнинг қолган қисмини Олимбек ибн Ниёзқулибек исмли насафлик киши қаламига мансубдир. «Тухфат ул-хоний» мураккаб саж шаклида ёзилган бўлиб, воқеаларни тўла ва кенг ёритади. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари кўп, лекин ҳозирга қадар нашр ҳам бошқа тилларга таржима ҳам қилинмаган.

«Тухфат ул-хоний» асари Бухоро амирлиги тарихига бағишланган дастлабки тарихий асар эди. Муҳаммад Вафодан сўнг қатор тарихчилар ўз асарларида Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврини ёритганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган бухоролик

тарихчилар Мулло Ибодулло ва Мулло Муҳаммад Шарифлар «Тарихи Амир Хайдар» номли асар ёзиб қолдирганлар. Бизгача бу асарнинг номаълум муҳаррир томонидан қискартирилган нусхаси етиб келган. «Тарихи амир Хайдар» муҳим ва ишончли манбалар асосида ёзилган. Асар ҳозирча нашр ва бошқа тилларга таржима қилинмаган.

Бухоролик бошқа бир тарихчи Мир Олим Бухорий «Фатхномаи Султоний» номли тарихий асар ёзиб, унда амирлардан Шохмурод, Хайдар ва Насрулло ҳукмронлик қилган даврда содир бўлган воқеаларни баён қилади. Бу асар ҳам ҳозирча нашр этилмади.

XIX асрнинг кўзга кўринган мутафаккир шоири ва адиби Аҳмад Дониш тарих соҳасида баракали ижод қилган аллома олимлар қаторига киради. У 1827 йилда туғилиб, 1897 йилда вафот этган. 50 йилларда Аҳмад Дониш амир Насрулло хизматига қабул қилинган. 1870-йилда истеъфога чиқиб, ижодий ва илмий иш билан машғул бўлди. Аҳмад Дониш амир Насрулло ва амир Музаффарнинг элчилари таркибида уч марта 1857, 1869 ва 1874 йилларда Петербургга сафар қилди ва Россиянинг ҳаёти билан яқиндан танишди. Бу сафарлар олимнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди. Аҳмад Дониш Бухоронинг Россияга нисбатан нихоятда қолоқ эканлигини англаб етди. У жамиятни мавжуд қонун ва давлат тартибини такомиллаштириш йўли билан қайтадан қуриш мумкин, деб ҳисобларди. Олимнинг бу қарашлари унинг «Наводир ул-вақоеъ» асарида (1875-1882) ўз аксини топди. Дониш амирга давлатни бошқариш ишларини қайтадан қуришни маслаҳат берди. Амир бундан дарғазаб бўлди ва 70-йилларнинг охирида Аҳмад Донишни пойтахтдан узоқлаштириб, Ғузорга қози қилиб юборди. 1885 йилда Амир Музаффарнинг вафотидан сўнг, у Бухорога қайтиб келди ва қолган умрини илмий изланиш билан ўтказди.

Тарихчилар учун Аҳмад Донишнинг «Таржимаи ҳоли амирони Бухоройи шариф» номли асари муҳумдир. Мазкур асарда амир Дониёлбек, Шохмурод, Мир Хайдар, Насрулло ва Музаффар сингари амирлар ҳукмронлиги даврида содир бўлган воқеалар баён қилинади. Асарнинг форс-тожик

тилидаги матни ва қисқартирилган русча таржимаси Душанбеда нашр этилган. Бухоро амирлиги тарихга оид манбалар қаторига тарихчи олим ва шоир Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тухфайи шохий» ва «Тарихий салотини Мангития» номли асарни ҳам киритиш мумкин. Амир Музаффарнинг бош муншиси лавозимида хизмат қилган. Мирзо Абдулазим Сомий бу асарида мазкур амирнинг ҳукмронлиги даврида рўй берган воқеалар имкон қадар батафсил ёритишга ҳаракат қилган. Яна бир бухоролик тарихчи Мирза Салимбек саройга яқин киши бўлиб, узоқ муддат давомида Бухоро амирлигида турли лавозимларда хизмат қилган. Унинг «Тарихи Салимий» асарининг асосий қисми (Чингизхондан амир Музаффар давригача) компиляция бўлиб, 1890-1920 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисми оригинал аҳамиятга эга, чунки муаллиф бу воқеалар кўпининг шохиди бўлган.

Қўқон хонлиги тарихини ўзида акс эттирган тарихий манбалар талайгина. Уларнинг қаторига Муҳаммад Солих Тошкандий, Ниёз Муҳаммад Хўқандий, Муҳаммад Ҳакимхон сингари муаллифлар асарларини киритиш мумкин. Муҳаммад Солих Тошкандий «Тарихи жадидаи Тошканд» номли асар муаллифидир. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида қадимги замонлардан то XV асрнинг охиригача, иккинчи қисмида эса Бобурдан то 1880-йилларгача бўлган воқеалар қаламга олинади. Асарда Тошкент шаҳри тарихи, бутун Ўрта Осиё миқёсидаги воқеалар билан узвий равишда боғланган ҳолда баён этилган. Асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, ҳозирча бошқа тилларга таржима ва нашр қилинмаган.

Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг "Тарихи Шохрухий» асари Қўқон хонлигининг мукамал тарихини ёритувчи манба ҳисобланади. Бу асарнинг форс-тожикча наشري Қозонда (1885) ва Олмаотада (1987) нашр этилган. Қўқон хонлиги тарихига бағишланган яна бир асар – бу Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарларидир. У Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг яқин қариндоши бўлиб, бир вақтлар вилоят ҳокими ҳам бўлган эди. Муҳаммад Ҳакимхон замонасининг илғор кишиси, кенг маълумотли ва билимдон шахс эди. У хонларнинг агрессив сиёсатини қоралайди, халқ

оммасига хайрихохлик кайфиятларини ошкор этади. Хакимхон тўра сарой тарихчиси бўлган эмас. Шунинг учун у хонларга нисбатан хушомадгўйлик қилмайди, аксинча уларнинг хусусан Муҳаммад Алихоннинг олиб борган сиёсатини кескин қоралайди. Уни хулқ-атвори бузуқ киши, деб баҳолади. Натижада «Мунтахаб ат-таворих»нинг муаллифи хоннинг ғазабига учраб узоқ йиллар давомида Россия ва Шарқ мамлакатларида саргардон бўлиб юради ва мусофирликда вафот этади. Қўқон хонлиги тарихга бағишланган бошқа асарлар ҳам бор. Профессор И. Вохидовнинг берган маълумотига кўра, назму насрда ўзбек, тожик ва араб тилларида битилган бундай асарларнинг сони 40 га яқиндир. Бу манбаларни чуқур ўрганиш Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти манзарасини тиклаш имкониятини беради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

1. XVI-XIX асрларда юртимизда қандай муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечди?
2. XVI-XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид ўзбек тилидаги манбалар ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
3. Бухоро хонлиги ва амирлиги тарихига доир қандай манбаларни биласиз?
4. Хива хонлиги тарихига доир қандай манбаларни биласиз?
5. Қўқон хонлиги тарихига доир қандай манбаларни биласиз?
6. Қайси хонликда иш юритиш ҳужжатлари соф ўзбек тилида олиб борилган?

Мавзу-7: Ўрта Осиёнинг XVI-XIX асрлардаги тарихига оид европа ва рус манбалари.

РЕЖА

1. XVI-XIX асрлар тарихига доир европа манбалари.

2. **Бухоро давлати тарихига доир рус сайёҳ ва элчиларининг эсдаликлари.**
3. **Хива хонлигига ташриф буюрган Россиялик элчи ва савдогарларнинг хонлик тарихига оид ёзган хотиралари.**
4. **Қўқон хонлиги тарихига оид рус манбалари.**

Таянч сўз ва иборалар. Александр Бёрнс эсдаликлари, Иван Данилович Хохлов хотиралари, Ака-ука Пазихунлар элчилиги тўғрисидаги манбалар, Даудов ва Мухаммад Юсуф элчилиги, Флорио Беневени хотиралари, митролит Хрисанфнинг эсдаликлари, Филипп Назаров эсдаликлари, Николай Муравёвнинг Туркистон ва Хивага саёҳати, Дмитрий Гладишев ва Иван Муравинларнинг Хива тўғрисидаги хотиралари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Аҳмедов БА.. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
6. А. Вамбери Путешествие по Средней Азии. –Т.: 1989
7. Вамбери Х. Бухоро ёҳуд Мавороуннаҳр тарихи. –Т.: 1990
8. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. (XIX аср иккинчи ярми –XX аср бошлари) –Т.: Шарқ, 2006.
9. Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П И Демезона и И В. Виткевича). – М.: 1983.
10. Лунин Б.В. История Узбекистан в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80 годы XIX в) -Т. Фан 1990.

11. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
12. Хошимов С. Ўрта Осиёнинг Россия билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига доир. // Фан ва турмуш. 1998 йил №2
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустанлакачилиги даврида. –Т. Шарқ. 2000.
14. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004, 2005
16. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. K.2 /Ma'sul muxarrirlar: O' Mavlonov, Q. Usmonov.- Т.: Sharq, 2010.
17. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. XVI-XIX асрлар тарихига доир европа манбалари.

Буюк жуғрофик кашфиётлардан сўнг Ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотганлиги сабабли, Ўрта Осиё жахон хўжалиги савдосидан четга тушиб қолди. Лекин бундан қатъи назар Ватанимизни Оврупо мамлакатлари билан савдо дипломатик алоқалари батамом тўхтаб қолмади. XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг Оврупо мамлакатлари жумладан Англия ва Россия билан ўзаро савдо ва элчилик алоқалари тобора кучайиб борди (Тўғри бу йирик давлатларнинг Ўрта Осиё хонликларига қизиқишининг бошқа тамонлари ҳам бор эди.). Хусусан, Қозон ва Астрахань хонликлари Россия томонидан босиб олингандан сўнг бундай алоқалар рус давлати билан янада жонланиб кетди. Ўрта Осиёга мунтазам равишда рус элчилари, савдогарлари ва сайёҳлари ташриф буюрар эдилар. Рус элчилари ўз ҳукуматларининг талабига мувофиқ, Ўрта Осиё хонликларининг ички ахволи ва халқаро алоқалари, аҳолиси, хўжалиги, ҳарбий салоҳияти хусусида имкон қадар батафсилроқ маълумотлар тўплашга ҳаракат қилар эдилар. Бора-бора юртимизга Россиядан келаётган одамлар доираси кенгайиб борди. Уларнинг қаторига инженерлар, врачлар,

олимлар ва бошқалар қўшилиб бордилар. Натижада рус муаллифларининг Ўрта Осиё хусусида тўпланган материалларининг кўлами кенгайди. Ўрта Осиё хонликлари аҳолисига доир маълумотларни бу ерга ташриф буюрган овропалик муаллифлар ҳам йиққанлар. Улар орасида айниқса инглиз сайёҳи Антонии Женкинсон ҳамда венгар олими ва сайёҳи Херман Вамбери шунингдек инглиз зобити Александр Бёрнс, А. Миддендорф, Южен Скайлер, Генри Лансделлар ёзиб қолдирган маълумотлар эътиборга сазовордир.

XVI асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёга ташриф буюрган биринчи Овропалик инглиз сайёҳи Антонии Женкинсон эди. Женкинсон 1555 йили Москвада ташкил этилган «Москва савдо компанияси»да хизмат қилган ва Ўрта Осиёдан Хитой ва Ҳиндистонга олиб борадиган йўлларни аниқлаш мақсадида рус подшосининг махсус гувоҳномаси билан 1558 йилда Бухорога юборилади. Элчи Антонии Женкинсон Бухоро хони Абдуллахон II (1534-1598йй.) тамонидан қабул қилинади. Антонии Женкинсон Россиянинг Бухоро хонлиги орқали Осиёнинг бошқа мамлакатлари хусусан Ҳиндистон билан ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш имконияти катта эканлигини аниқлайди. Дарҳақиқат бу даврда Абдуллахон II даврида Бухоро хонлиги Осиёнинг қудратли давлатларидан бири эди. Россияда бу давлатга нисбатан “Великая Бухария” (Буюк Бухоро) ибораси бежизга қўлланилмаган эди. Элчи хонликнинг халқаро ва ички савдо имкониятларини “Россиядаги Москва шаҳридан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилги саёҳат” номли эсдаликларида баён этган.

Антонии Женкинсон элчилиги натижасида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасида яхши савдо ва дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Элчининг ушбу хотиралари 1987 йилда тўла ҳажмда нашр қилинган.

Венгир (Мадияр) олими ҳамда сайёҳи Херман Вамбери 1863 йилда юртимизга ташриф буюриб, юртимизнинг кўплаб шаҳарларида бўлиб, ўзининг ташрифи давомида йиққан материаллари асосида «Ўрта Осиё очерклари» (“Бухоро ёхуд Мавороуннахр тарихи”) номли асарини яратди. Китобда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги

ахволи хусусида нихоятда бой маълумотлар келтирилган. Ушбу асар юртимизда ўзбек тилида 1990 йил Тошкентда Гофур Гулом нашриётида нашр этилди. Асарда юртимизда кечган ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, Бухоро ва Хива давлатчилиги тарихига оид кўплаб фактик материаллар келтирилганки, ушбу далиллар ўзининг аниқлиги, ишончлилиги билан бошқа манбалардан фарқ қилади. Айниқса асарда Хива хонлигида Абулғози Баходирхоннинг (1603-1664йй) ҳукмронлик даври ва унинг Хива тарихшунослигида тутган ўрни масалалари кенг очиб берилади. Шунингдек, сайёҳ ўз саёхати давомида Ўрта Осиё шаҳарларидаги ҳунармандчилик ва унинг тараққиётига оид ҳам қимматли маълумотлар тўплаган. У ўз эсдаликларида Самарқанд ва Бухоро қоғозлари ўзининг силлиқлиги ва сифати билан чет мамлакатларда шуҳрат топганлигини қайд этади.

1831-1832 йилларда юртимизга ташриф буюрган Александр Бёрнснинг “Бухорога саёхат” номли асарида ҳам юртимиз тарихига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Александр Бёрнс Бухоро хонлигига ташриф буюриб ўзини арман савдогари сифатида таништиради. Унинг ташрифидан мақсад Ўрта Осиё бозорини ўрганиш эди. Тарихдан маълумки, бу даврда Англиянинг “Ост - Инд” компанияси Ўрта Осиёда монопол ҳукмронлик ўрнатиш учун интилган. Компаниянинг мақсади олтинга, пахтага бой бўлган ва муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Ўрта Осиёда келажакда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш бўлган. Александр Бёрнсга маҳаллий ҳукмдорларни Англия билан ҳамкорлик қилишга оғдириш ҳамда айна маҳалда ушбу давлатларнинг сиёсий ҳолатини ўрганиш вазифаси юклатилганди. У ўз ташрифи давомида тўплаган материаллари асосида “Бухорога саёхат” номли эсдаликларини ёзиб қолдиради. Ушбу эсдаликлар Бухоро амирлигининг ҳудуди, халқи, қишлоқ ҳўжалиги, ҳунармандчилик соҳаси, сиёсий тузилиши, ички ва ташқи савдоси, қўшини ҳамда унинг тузилиши, амирликнинг қўшни Хива, Қўқон хонликлари билан ўзаро муносабатлари, халқларнинг урф одатлари ҳақида маълумот берувчи қимматли манба саналади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида юртимизга ташриф буюрган овропалик сайёҳлардан яна бири А. Миддендорфдир. А. Миддендорф ўз эсдаликларида “Ўрта Осиёлик меҳнатсевар киши, чидамлилиги, ишга бўлган меҳри, ўз кучини сидқидилдан сарфлаши ва меҳнатга тобланганлиги, айти маҳалда ақл-заковати билан ажойиб ибрат намунасидир” деб маълумотлар қолдирган.

1873 йил март-ноябрь ойларида Туркистонга ташриф буюрган АҚШнинг Россиядаги элчиси Южен Скайлернинг ўз ҳукуматига юборган маълумотлари ҳам биз учун қимматли манба саналади. (Бу ҳақда қаранг: Дмитриев. Деша Е Скайлера и проблемы Среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. Материалы по истории, историографии и археологии. Сб. науч. Тр. №517.- Т.:1976). Элчи Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган каби кўплаб шаҳарларида бўлиб, юртимиз ҳаёти, табиати, қишлоқ хўжалиги ҳамда ҳунармандчилигига оид кўплаб маълумотлар тўплаб ўз ҳукуматига юбориб турган. Унинг маълумотларидан юртимиздаги ҳунармандчилик тараққиётига оид кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, у келтирган маълумотдан Қўқон хонлигига қарашли Чарқ қишлоғида қоғоз корхонаси бўлгани у асосан, сув кучидан фойдаланишга мослаштирилганлигини, шунинг учун ҳам уни “Қоғоз обжувози” деб аташганини билиш мумкин. Бу ишхонада, асосан, эски латта ва пахталар обжувоз орқали тозаланиб, турли қоғозлар тайёрланар эди деб маълумот берарди.

Туркистонга 1885 йилда ташриф буюрган Генри Лансделнинг хотиралари ҳам манбашунослик фани учун қимматли саналади. Унинг хотиралари кўпроқ Туркистондаги қончилик соҳаси ҳақида маълумотлар беради. Унинг қайд этишича маҳаллий аҳоли қончилик билан шуғулланиб, кўпгина минералларни аниқлаган ва улардан унумли фойдалана олган. Ўша даврда Чотқол, Юқори Чирчиқ, Талас, Или ва Зарафшон қумларидан олтин ажратиш олиганини Генри Лансдел ўз эсдаликларида ёзиб қолдиради.

Хуллас, Ўрта Осиёга келиб кетган Овропалик элчилар ва сайёҳлар хотиралари ва ҳисоботлари ўлкамиз тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб

хизмат қилади. Улар Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг давлат тузими, шаҳарлари, хўжалиги, аҳолининг машғулоти ва турмуш тарзи хусусида бой маълумотлар бор. Шу билан бирга мазкур хотира ҳамда ҳисоботлар муаллифлари баъзи ҳолларда бир ёқламалик ва субъективизм сингари нуқсонларга йўл қўйишларини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

2. Бухоро давлати тарихига доир рус сайёҳ ва элчиларининг эсдаликлари.

Маълумки, XVI-XVIII асрларда Туркистон сарҳадларида бирин-кетин учта мустақил хонлик вужудга келади. Ҳар учала давлат тарихини ёритишда ўша даврда яшаб ижод қилган маҳаллий тарихчиларнинг асарлари билан бир қаторда россиялик ҳамда европалик сайёҳлар, элчилар, муаррихларнинг ёзиб қолдирган эсдаликлари, хотираномалари асарлар ҳам муҳим бирламчи манбалар сирасига киради.

Араб, Хитой, Россия элчилари ва сайёҳларининг эсдаликларида ҳам Ўрта Осиё халқлари тарихини чуқурроқ ва атрофлича ўрганиши учун зарур далилий маълумотлар кўп. Шу боис ҳам россиялик элчиларнинг эсдаликлари ҳам муҳим тарихий манба ҳисобланади. Ана шундай манбалардан бири Иван Данилович Хохлов кундаликлари Бухоро ва Хива хонликларининг тарихини ўрганишда муҳим манба саналади.

Иван Данилович Хохлов XVII асрда ўтган истеъдодли рус дипломатидир. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганган йирик рус шарқшунос олими Н. И. Веселовский (1848-1918йй) келтирган маълумотларга кўра, Иван Данилович Хохлов асли қозонлик бўлиб, аслзода оиласида дунёга келган. Унинг ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVI асрнинг 90 йилларига тегишлидир. И.Д.Хохлов ўша вақтда оғаси Василий билан бирга, давлат хизматида бўлган ва Қозондаги ўқчилар дивизиясига бош бўлиб турган. 1600 йили юртига қайтиб кетаётган Эрон элчиси Пирқулибекни Қозондан Саратовгача (шаҳарга 1590 йил асос солинган) кузатиб қўйган. Ундан Ўрта Осиё хонликлари ва улардаги вазият

тўғрисида батафсил маълумот олган. Шундан сўнг элчидан эшитганлари ҳақида ўз подшосига маълумот берган.

Иван Данилович Хохлов 1620-1622 йиллари подшонинг фармони билан Ўрта Осиёда, Бухоро ва Хива хонликларида бўлди. 1622 йил 12 декабрь куни Россияга қайтгандан кейин И.Д.Хохлов бирмунча вақт Москвада истиқомат қилди. 1623 йилнинг бошларида унга Қозонга қайтишга рухсат берилди ҳамда Воевода Одоевскийнинг хизматида бўлди. Уни 1624 йилнинг 8 декабрида яна Москвага чақириб оладилар ҳамда Бухоро ва Хива хонликлари ҳақидаги маълумотларни тартибга солиш ҳақида топшириқ берилади.

И.Д.Хохловнинг ҳаётига оид сўнгги маълумот 1629 йилга тегишли. Ўша йили у Эрон элчиси Муҳаммад Силибек ҳамда Эроннинг савдо карвонини Қазондан Москвагача ва Москвадан Қозонгача кузатиб қўйган.

Иван Данилович Хохловдан Ўрта Осиё хонликлари ҳақидаги икки муҳим ҳужжат; подшонинг махсус топшириғи ва И.Д.Хохловнинг Бухоро ва Хива хонликларининг ахволи ҳақида подшога ёзган ахбороти қолган.

Биринчи ҳужжатда элчилик зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида сўз боради. Унинг вазифаси, энг аввало, ҳар икки хонлик ҳукмдорларини Россия билан дўстлашиш, савдо ва борди-келди алоқаларини ўрнатишга кўндириш, хонларни Россия қудратли давлат эканлиги ҳамда унинг бошқа нуфузли мамлакатлар билан яхши муносабатда эканлигига ишонтириш, хонликдаги рус асирларини озод қилиш, ҳар иккала хонлик ўртасидаги мавжуд муносабатлар, хонликларнинг Эрон, Туркия, Грузия билан муносабатлари қандай эканлигини аниқлаш, табиий бойликлари, ҳарбий қудратини аниқлашдан иборат бўлган. Кўриниб турибдики, подшо Россияси ўша вақтлардан бошлабқў Ўрта Осиё хонликлари ҳақида тўлиқ маълумот олишга интилган эди.

И.Д.Хохловнинг Элчилар Маҳкамаси (Посольский приказ)га юборган ахбороти (Статейный список)га қараганда, у ўзига юклатилган вазифаларнинг катта қисмини бажарган. Шу билан бирга элчи Бухоро ва Хива хонликлари тарихига доир ҳам қимматли маълумотлар тўплаган.

Иван Данилович Хохлов подшо топшириғини бажариб Бухоро хони Имомқулихон (1611-1642йй)билан келишиб хоннинг ихтиёридаги 23 рус асирини озод қилган. Бой-бадавлат кишилар, амирлар ва савдогарлар қўлидаги асирлар хусусида Имомқулихон элчига “уларни қидиришга ҳозирча фурсат йўқ, хизматкори (Тошкент ҳокими Турсунхон) исёнини бостиргандан сўнг император жаноби олийларининг бу илтимосини бажарамиз ва топганларимизни ўзимиз юборамиз”, деб ваъда берган.

Бухоро ва Хива хонликларининг ўша даврдаги ички ахволи ҳақида И.Д.Хохлов берган маълумотлар асосида хулоса чиқарса бўлади. Элчининг маълумотлари ўша даврдаги ички вазиятни билишда муҳим манба саналади. И.Д.Хохлов маълумотларидан маълум бўлишича, мамлакат ўзаро урушлар исканжасида қолган. Балх, Тошкент ва Самарқанд устида турган ноиблар марказий ҳокимиятга бўйсунитдан бош тортиб, ўзларини мустақил тутаётганликлари натижасид Бухоро ҳукумати кучсизланиб қолган. У ўша даврда Хива хонлигидаги вазият ҳам яхши эмаслиги, ички низолар авж олгани икки хонлик бир-бири билан яхши муносабатда эмаслигини ёзади.

И.Д.Хохловнинг гувоҳлик беришича, Хива хонлиги билан Эрон ўртасидаги муносабатлар ҳам ўша пайтларда яхши бўлмаган. У масалан, ёзади: “Урганчликлар билан шох Аббос яхши муносабатда эмаслар. (Хоразмда турган) хонзода Илбарс қизилбошларга қарашли Обиварга хужум қилган, обиварликларнинг отлари ва туяларини тортиб олган. Шунингдек, 100 одамни асир қилиб ҳайдаб кетган...”

Хуллас, Иван Данилович Хохловнинг 1620-1622 йилларда Бухоро ва Хива хонликларида бўлиб хонликларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда ташқи алоқаларига доир тўплаган маълумотлари бу икки давлатнинг ўша даврдаги тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Шарққа катта ҳарбий куч юбориш ва уни қурол кучи воситасида эгаллаш ҳаракати Пётр I (1689-1725) давридан бошлаб кучайиб кетди. Пётр I Александр Бекович-Черкасскийни мукаммал қуролланган 5000 аскар билан Хивага, уни Россия хомийлигига киритиш хусусида хон билан музокаралар

олиб бориш учун юборди. Аслида бу шунчалик элчилик эмас, балки хонни чалғитиб, Хива хонлигини куч билан бўйсундиришга қаратилган ҳаракат эди. Лекин император Пётр I мақсадига эриша олмади. Бекович-Черкасский экспедицияси муваффақиятсизликка учради. Шерғозихон (1714-1728 йй.) Россия подшосининг асл ниятини ўз вақтида пайқайди ва А Бекович-Черкасскийнинг экспедициясини даф қилади.

Шундан кейин Россия хукмдор доиралари Хива ва Бухоро хонликларини бўйсундириш пайти келмаганлигини, уни осонликча бўйсундириш мумкин эмаслигини, уларни ҳали кўп ўрганиш зарурлигини англади.

Россия элчилик маҳкамасининг маъсул ходими Флорио Беневени элчилиги шундай мақсад билан Ўрта Осиёга юборилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Бухоро ва Хивада А Бекович-Черкасский воқеасидан кейин Пётр I Ўрта Осиёга катта қўшин юборади, деган хавф-хатар туғилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Абдулфайзхон 1717 йили Россияга элчи юбориб, у билан дўстона ва савдо-сотик алоқаларини ўрнатиш истагини билдирди. Абдулфайзхоннинг Россияга юборилган элчилигига Қулибек бошчилик қилади, 1717 йил ёзида Бухоро хони элчиси Қулибек Петербургга боради. Пётр I билан учрашади. Шведлар устидан қозонилган ғалаба муносабати билан Пётр I га қутлов мактубини топширади. Абдулфайзхон ўз мактубида айтиш пайтда Бухорога Россия элчиси юборилишини сўраган эди. Бунга жавобан Россия ҳукумати Флорио Беневенини элчи қилиб юборди.

Флорио Беневени учун тузилган ва 1718 йил 13 июл кун Пётр I тарафидан тасдиқланган қўлланмада элчига қуйидаги топшириқлар берилди:

1. Флорио Беневени Бухоро хони ҳузурига подшо ҳазратларининг элчиси сифатида боради. Шу ҳақда унинг қўлига подшо ҳазратларининг Бухоро хони номига ёзилган мактуби топширилди. Элчи Петербургдан Москвага қайтиб бориши ҳамоно Астраханга жўнаб кетади. Астрахандан Бухорогача Абдулфайзхоннинг уни Астраханда кутиб турган элчиси билан бирга боради.

2. Флорио Беневени Абулфайзхоннинг элчисига йўлда ўзини танитмайди. Йўлда, айниқса Бухоро хонлиги ҳудудларидан ўтаётганда, ҳамма ерларни хусусан бандаргоҳлар, қаълалар ва шаҳарларни диққат билан кўздан кечириб боради.
3. Хон билан учрашганда уни Эрон ва бошқа давлатларнинг элчилари каторида зўр ҳурмат ҳамда эҳтиром билан қабул қилинишига эришиш. Подшо хазрати олийлари у билан дўстлик ва савдо-сотик алоқаларини илгаргидан ҳам зиёда бўлишини истаётганини хонга маълум қилиш.
4. Бухорода бўлганида, қандай бўлмасин, Бухоро хонлиги қаълалари, қўшини, отлиқ ва пиёда аскарларининг умумий сони, уларнинг қурол-аслаҳалари, хусусан, қанча замбараги борлигини, қўшиндаги умумий ахвол, қаълаларнинг қўриқланишини билиб олиш.
5. Абулфайзхоннинг Эрон шоҳи ва Хива хонлари билан муносабати қай даражада эканлигини аниқлаш. Хива хонига қарши ҳарбий иттифок тузиш таклиф этилсин.
6. Бухорода қандай товарлар ишлаб чиқарилади ва улар қаерларга олиб бориб сотилади? Бухорога денгиз ёки қуруқликдан қайси йўл билан бориш мумкин? Бухорода қайси рус товарларига эҳтиёж катта? Россия билан савдо-сотикни кучайтириш мумкинми? Манашу масалаларни аниқласин.
7. Амударёда олтин борми? Бухоро хонини қўриқлаш учун неча юз гвардиячи, ёки қўшин юборилса, хон бунга рози бўлади? Шуни ҳам аниқласин. Каби топшириқлар элчилар зиммасига ўз подшоси томонидан юклатилган эди.

Ҳар иккала элчилик Бухоро хонининг Россиядан ватанига қайтиб келаётган элчиси ҳамда Флорио Беневени 1721 йил 6 ноябрида Бухорога етиб келдилар. Флорио Беневени ва унинг ҳамроҳларини Бухорога 10 верст³

³ Верст-масофа ўлчови, 1.6 кмга тенг бўлган.

қолганда йўл устида Бухоро тўпчибошиси бошлиқ 50 кишидан иборат сарой мулозимлари кутиб олдилар.

Россия элчиси Бухорода уч ярим йил, 1721 йил 6 ноябридан то 1725 йил 8 апрелига қадар турди ва подшосининг юқоридаги топшириқлари бўйича қимматли маълумотлар тўплади. Уларни Санкт-Петербургга очик ва шифланган хатлар орқали жўнатиб турди. Хукуматнинг барча топшириқларини бажарган Ф Беневени 1725 йил 8 апрелида Петербургга қайтиб кетади.

Ф.Беневени тўплаган маълумотлар Россия хукумати, унинг ташқи сиёсати учун келажакда қўл келиб қолди.

Юртимизга ташриф буюрган Василий Александрович Даудов, Муҳаммад Юсуф Қосимовлар қолдирган ёзма маълумотлар ҳам Бухоро ва Хива хонликлари тарихини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради. Аввал элчилар ҳақида қисқача тўхталсак.

Василий Александрович Даудов асли форс (эронлик) бўлиб, 1653 йили Қозонда христианликни қабул қилган, Россия давлатининг хизматига кирган столник ва воеводо лавозимида хизмат қилган. Муҳаммад Юсуф Қосимов эса асли мусулмон (татар). У ҳам рус подшосининг хизматида бўлган. Аввало шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар иккала элчи-В.А.Даудов ва М.Ю.Қосимов Бухорогача бирга боришган бўлсаларда, элчилар маҳкамасидан алоҳида-алоҳида топшириқ олганга ўхшайдилар, чунки В.А.Даудов ва М.Ю.Қосимовга берилган йўриқнома (наказ) бизгача етиб келмаган. У 1800 йилгача Россия ташқи ишлар маҳкамасининг архивида сақланар эди. 1806 йил ўтказилган текширув пайтида у турган жойидан топилмаган. Шу сабабдан В.А.Даудов ва М.Ю.Қосимовлар қандай вазифаларни адо этганликларини аниқ билмаймиз. Буни В.А.Даудовнинг элчилик маҳкамасидан олган йўриқномаси (наказ)дан тахминан билиб олиш мумкин.

Улар қуйидагилар:

1. Бухоро ва Хива хонликларининг Москва хукумати билан дипломатик алоқаларини ривожлантиришга хохиши борми-йўқми, шуни аниқлаш;

2. Хонликларда яшаб турган рус асирларини озод қилиш;
3. Икки давлат, Россия, Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги савдо ва элчилик карвонларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Каспий денгизининг кун чиқиш тарафида, денгиз соҳилидаги Саратош тепалигида кемалар тўхтайдиган бандаргоҳ қуришга Хива хонининг розилигини олиш;
4. Амударёнинг боши ва ўзани, дарё соҳилида истиқомат қилиб турган халқлар, уларнинг машғулот ва турмуш тарзи ҳақида маълумот тўплаш;
5. Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган йўллар, Ҳиндистон ҳукуматининг Россия билан савдо ва дипломатик алоқаларини ўрнатишга хохиши бор-йўқлигини М.Ю.Қосимовга берилган топшириқда аниқлаш.

Элчилик Бухоро ва Хивада, йўлга кетган вақтни қўшиб олганда, Бухорода 1675 йилнинг 15 майидан 1676 йил 2 октябригача бўлган. Шу давр мобайнида элчи В.А.Даудов Бухоро, Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ахволига, армиясининг куч қудрати ва хонликларнинг ўзаро алоқаларига доир кўплаб маълумотларни йиғган. Василий Александрович Даудов ўз подшосига ёзган ахборотида “Бухоро ва Хива хонлиги ўртасидаги алоқаларнинг яхши эмаслиги улар доимо бир-бири билан уруш ҳолатида эканлиги тўғрисида маълумот” берилади. Дарҳақиқат бу даврда Хива хонлиги тахтида ўтирган Анушахон (1663-1687йй.) доимий равишда Бухоро хонлигини хонавайронликка олиб келган ҳарбий юришлар уюштиргани тарихдан маълум.

Муҳаммад Юсуф Қосимов элчилигига келсак, унга Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган йўллар ва Ҳиндистон подшоси Аврангзеб (1658-1707йй)нинг Россия билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга мойили борми-йўқми шуларни билиш вазифаси топширилган эди. Шунинг учун ҳам, у Бухорога келганидан кўп ўтмай, Ҳиндистонга жўнаб кетади. Элчи Муҳаммад Юсуф Қосимов фақат Қобулгача боради холос. “Шоҳ Аврангзеб улуғ подшоҳ

билан дўстона алоқа ўрнатишни истамагани” учун орқага қайтишга мажбур бўлади ва 1677 йили Москвага қайтиб боради.

Ака-ука Пазухинлар Ўрта Осиё хонликларининг умумий ахволи, хонликларга, Эрон ва Ҳиндистонга Астрахан орқали олиб борадиган карвон йўли ҳақида кенг маълумот жамлаганлар.

Ака-ука Пазухинлар келиб чиқиши аслзода (дворян) авлоди. Катта Пазухин-Борис Андревич Пазухун 1667-1673 йилларда столник мансабида давлат хизматида бўлган, иниси Семеон Иванович билан биргаликда 1669-1671 йилларда Бухоро, Балх ва Урганчга подшо Россияси ҳукумати топшириғига биноан юборилган Россия элчиларига бошчилик қилган. Орадан саккиз йил ўтгач, 1679 йили Қримга элчи қилиб юборилган. Йўлда исёнчи рус казакларининг хужумига дучор бўлган ва олишув пайтида ўлдирилган.

Ака-ука Пазухинлар (элчилик таркибида 10 киши бўлган) Бухорога Ёйиқ-қалмоқ улуси ва Хива орқали борганлар, қайтишда эса Эрон-Шемаха ва Боку орқали қайтишган.

Элчилар Бухоро ва Хива хонликларида икки ярим йил турганлар. Подшо Россияси ҳукумати ҳамда элчилик маҳкамаси томонидан берилган хужжатлардан маълум бўлишича ака-ука Пазухинлар элчилиги олдида куйидаги вазифалар қўйилган;

1. Ҳар икки давлат: Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги дўстлик ва савдо алоқаларини мустаҳкамлаш. Буни подшо Алексей Михайлович (1645-1676йй)нинг Бухоро хони Абдулазизхон (1645-1681йй) номига йўллаган мактубидан ҳам билса бўлади. Унда жумладан куйидаги фикрлар битилган “....Биз ота-боболаримизнинг (ишларини) ўзаро дўстлик ва иззат-хурматда бўлиш , борди-келди алоқаларини давом эттириш ҳақидаги кўрсатмаларини эсда тутиб, Сизнинг савдогарларингизга бизнинг мамлакатларимизга, бизнинг савдогарларимиз Сизнинг мамлакатларингизга бемалол бориб келишларини яхшилайдик.”

2. Бухоро, Балх ва Хива хонликларида сақланиб турган рус асирларини озод қилишга ҳаракат қилиш. Элчилик маҳкамаси (Посольский приказ) берган йўриқнома (наказ)да бундай дейилади: “Бухоро, Балх ва Урганчга қарашли ерларда сақланаётган рус асирлари (барча чоралар билан) озод қилинсин”. Шуни ҳам айтиш керакки, элчиликка “Подшоҳ олий ҳазратларига тегишли кишиларни, аслзода (дворян ва бояр)ларнинг болаларини қидириб топиб озод қилишга” алоҳида эътибор бериш топширилади.
3. Ўрта Осиё хонликларининг ички ва халқаро ахволини улардан қайсиларига суяниш мумкинлигини аниқлаш. Хусусан, элчилик маҳкамасининг йўриқномасида (Наказида) мана бундай кўрсатма бор: “(Хонликлардан) қайсиниси кучлироқ ва ишончлироқ бўлса, ўшаниси билан алоқа ўрнатиш лозим. Борис ва унинг ҳамроҳлари Бухоро, Балх ва Урганчда бўлганларида уларнинг хонлари ҳозирги пайтда Туркия султони, Эрон шоҳлари ва Грузия билан қандай муносабатда эканлигини, кимлар билан алоқаси йўқлигини, шу кунларда Хоразм тахтида ким ўтирганини ҳар қандай йўл билан аниқласинлар; Бухоро, Балх ва Урганч хонларининг хазинаси бойми, аскар кучлими, шуларни ҳам аниқласинлар”.

Москва ҳукумати ака-ука Пазихунларга ҳам Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган қулай йўлни аниқлаш вазифасини юклаган эди. Улар бу вазифани бажариш учун таржимонлар Никита Медведев ва Семеон Измайловларни Балхга жўнатдилар. Улардан фақат Никита Медведев Пазихунлар ҳузурига қайтиб келди ва Балхдан Ҳиндистон пойтахти Шоҳжаҳонободга олиб борадиган йўл ҳақида маълумот келтирди. У бундай деб ёзган: “Ҳиндистонга олиб борадиган йўл Балхдан аҳоли яшаб турган қишлоқлар орқали ўтади. Йўлда ҳеч қандай одобсизлик, талон-тороғ ва бож олиш деган нарсалар йўқ”. Таржимон Шоҳжаҳонобод йўл Хинжон, Парвон, Қобул, Пешовар орқали ўтишини айтган. Яна у ёзган: “Хинжон билан Парвон оралиғида Хинд тоғлари (Ҳиндиқуш, С.Х.) ётади. Тўғри йўлдан, тоғ орқали

борганда масофа олти кунлик, тоғни айланиб борилганда тўрт ҳафталик йўл”. Иккинчи таржимон Симён Измаилов Қобулда қолган эди.

Бундан кўриниб турибдики подшо ҳукумати ўша даврларданок афсонавий бойликлар макони Ҳиндистонга Ўрта Осиё орқали ўтишни мақсад қилиб бунинг учун элчилар орқали ўтишни мақсад қилиб бунинг учун элчилар орқали чуқур маълумот тўплаган эди.

Ака-ука Пазихунлар Ўрта Осиё хонликларидаги мавжуд ҳарбий-сиёсий ахвол ҳақида ҳам муҳим маълумотларни тўплаганлар. Бу ҳақида уларга алоҳида кўрсатма берилган эди.

Элчиларнинг ўз ҳукумати номига ёзган ахборотномасида ўзбек хонликлари саройида амалда бўлган қабул маросимлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар берилади. Унда, хусусан, шундай хабар берилади: “(Арк) дорвозаси олдида Борис ва унинг ҳамрохларини Малайбек (тўпчибоши) кутиб олди. Борис ва унинг ҳамрохлари (тўпчибоши олиб келган) отларга миндилар. Подшо қасрига етганда уларни отдан туширдилар, чунки подшоҳ қасрига отлиқ кириш ман этилган. Бориснинг ўнг тарафига Бухоронинг атоқли зотлари, хон авлодидан бўлган шахзода ва хоннинг яқин мулозимлари, чап тарафда, катта амир (боярик) хоннинг яқин мулозимлари ҳамда бошқа лавозимдаги мансабдорлар, (умуман) 100 дан ортиқ киши жой олдилар... Абдулазизхоннинг ўнг тарафидан хожалар, рухонийлар, уламолар ўрин олдилар. Хоннинг олдида унинг қиличи, ўқ-ёйи ва қалқон қўйилган эди. Унинг орқасида 12 нафар найза ва қилич кўтарган уй хизматкорлари турган эди. Хоннинг олд тарафида 200 дан ортиқ ясавул (ва кўрикчилар) тик турар эдилар.....” Кўриниб турибдики элчилар ўз ҳукуматига хонликлар саройига оид маълумотларни ҳам батафсил жўнатишга ҳаракат қилганлар.

Умуман ака-ука Пазихунлар бошчилигидаги элчилар гуруҳи ўз олдида қўйган вазифаларини тўла адо этган. Шу борада уларнинг ўз ҳукуматига юборган маълумотномалари яъни ахборотлари ўша давр тарихига оид қимматли маълумотлар сирасига айланди.

1841 йилда Россиядан кон инженери, подполковник Бутенёв бошчилигида Бухорога элчилар юборилди. Элчилар составида икки инженер ва икки устадан ташқари, шарқшунос Н. Хаников, табиатшунос Леман, топограф Яковлевлар бор эди. Элчилар орқали Рус хукумати амирга подшо номидан ёрлик, одатдагидек совғалар, унинг вазирларига Россия ташқи ишлар министрлигидан хатлар юборилди. Бутанёвга бир қанча масалаларда йўл-йўриқлар кўрсатилган эди. Чунончи амирнинг илтимосига кўра, ер ости бойликларини аниқлашга ёрдам бериш, савдо алоқалари ва дипломатик муносабатларни янада яхшилаш, Бухоро хонлиги ҳақида, унинг чегералари, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик саноати, улар етиштираётган маҳсулотлар, сиёсий тузилиши, қуролли кучлари, бойликлари ва даромади ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш. Махаллий, Европа саноат молларидан наъмуналар, жумладан Қобул орқали Бухорога келтириладиган инглиз товарларининг нусхаларини йиғиш, нархларини билиш, махаллий бозорларда қандай моллар кўплаб талаб қилинаётганлигини, хусусан уй-рўзғор ва қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган асбобларни аниқлаш, Бухорода рус савдо консуллигини ташкил этиш, инглизларнинг ташқи сиёсат соҳасида Шарқ ва Ўрта Осиёга нисбатан қилаётган хатти-ҳаракатларини, уларнинг Афғонистонга бостириб киришлари Бухорога қандай таъсир этганлигини, инглиз товарларига қарши рақобат қилиш йўли билан уларни Ўрта Осиё ва бутун Шарқдан сиқиб чиқариш чораларини белгилаш, Амударёнинг чап қирғоғидаги мустақил ўзбек бекликлари бўлган Қундуз, Хулим, Хонобод, Андихой ва Мозори шарифни тўла-тўқис ўрганиш, улар билан иқтисодий дипломатик муносабатларни тиклаш чораларини кўриш, Афғонистон, Ҳиндистон томонларга ўтиш йўлларини аниқлаш, хусусан Бухоро-Хива муносабатларини яхшилаш тадбирларини қўллаш, жумладан Хиванинг илгариги хони томонидан қилинган ғайри қонуний ҳаракатларини ёддан чиқаришга амирни кўндириши зарур эди.

Бутенёв бошчилигидаги элчилар олдида турган энг муҳим масалалардан яна бири Бухоро хонлиги билан Россия муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида акт-шартнома тузиш эди. Шартнома лойиҳасида

қуйидагилар кўрсатилган эди: Россияга, унинг фуқароларига ошкора ва махфий равишда қарши чиқмаслик, Бухородаги ҳамма рус асирларини Россияга қайтариб юбориш, бундан кейин рус асирларини сотиб олмаслик, Бухорога қўшни ўкаларда рус асирларининг борлиги билиниб қолганда уларни қутқариш учун барча чораларни кўриш ва озод қилинган асирларни рус давлати ҳисобидан керакли нарсалар билан таъминлаб, Россияга жўнатиш мажбуриятини олиш, Бухородаги эркин рус қачоқларини тезлик билан тўплаб, элчиларни кузатиб келган рус отряди ихтиёрига топшириш, агар бундан кейин рус қачоқлари пайдо бўлса, уларни ушлаб, рус давлати ҳисобидан Россияга жўнатиш, Бухорога савдо-сотик учун келаётган рус савдогарларидан олинадиган божни маҳаллий савдогарлардан олинадиган божга бараварлаштириш, рус савдо карвонларини Бухорога қарашли жойларда тўлиқ ҳимоя қилиш, улар қароқчилар томонидан таланган тақдирда молларнинг қиймати миқдорида пул билан тавон тўлаш, агар рус савдогарлари Бухородан ташқари ерларга, жумладан, Қундуз, Хулим, Қобул, Кашмир ва бошқа жойларга ўтиб савдо қилишни истасалар, уларга асло қаршилик қилмаслик, уларни қўллаб бож олмасдан жўнатиш, у ердан турли моллар билан Бухоро орқали Россияга қайтиш вақтларида ҳам бож олмасдан Россияга кузатиш, Бухорода савдо-сотик иши билан юрган рус фуқароларининг ва уларга қарашли мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш, агар у вафот этса, мулкни давлат ғимоясига олиб, оиласига қайтариш учун рус чегерачиларига етказиб бериш, рус савдогарларига Бухоро ерларида тўлиқ эркинлик бериш шарт қилиб қўйилган эди.

Агар амир юқоридаги мажбурият шартларини ўз зиммасига оладиган бўлса, рус давлатининг қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кўрсатилган эди: Россия империяси ерларида бухоролик фуқароларнинг шахсий ҳаёти ва мол-мулкларининг даҳлсизлигини таъминлаш, уларни Россиянинг ҳамма ерларида савдо қилиш имтиёзларидан фойдалантириш, Россия фуқаролигидаги қазоқ ва туркманлар Бухоро карвонларини талаган тақдирда уларнинг молларини қидириб топиш, Бухоро фуқароларининг Россия

ерларидан ўтиб Маккага боришига рухсат этиш, Бухорога қарши ҳеч қачон уруш ҳаракатида бўлмаслик (агар Бухоро амир томонидан бундай ҳаракат бўлмаса) ва ҳақозо.

Бутенёв бошчилигидаги элчилар 1841 йил 20 майда Оренбургдан Сирдарёгача подполковник Бларамберг қўмондонлигидаги ураллик 400 казак ва 100 та пиёда аскар ҳимоясида йўлга чиқди ва ўша йили 5 августда Бухорога етиб келди.

Элчилар Бухорода яхши кутиб олинди. Бутенёв подшо ёрлиғи ва совғаларини Насруллоҳонга, ташқи ишлар министри граф Нессельрад номидан ҳамда Осиё департаменти директори томонидан ёзилган хат ва совғаларни амир вазирларига топширди.

1841 йил 15 августда Бутенёв бошчилигидаги элчилар амир ва унинг сарой ходимлари билан юқоридаги масалалари юзасидан музокаралар олиб борганлар.

25 августдан бошлаб капитан Богословский бошчилигидаги инженер ва мутахассислар Самарқанд атрофидаги Зарафшон тоғларида турли маъданларни қидириш ишларини олиб бордилар. Бироқ амир томонидан қидириш раҳбар қилиб тайинланган юзбоши Рамозоннинг Богословский экспедициясига ишончсизлик билан қараганлиги ишга тўсқинлик қилади. Лекин, бундай хатти-ҳаракатларга қарамасдан, экспедиция муҳим бойликларни аниқлади.

Табиатшунос Леман эса Самарқанд атрофидаги фаунани ўрганиб, кўп ўсимлик турларининг гербарийини тузди, Н. Хаников амирликнинг тарихи ва иқтисодий-сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар тўплашни давом эттирди. Бутенёв эса амир ва сарой ходимлари билан юқорида кўрсатилган масалаларда музокаралар олиб борди. Шу билан бирга, у, Англия ҳукуматининг рус подшосидан қилган илтимосига биноан, ўша вақтда Бухорода ярим оч ҳолда сақланаётган инглиз элчилари Стоддарт ва Каноллини озод қилиб, Россия орқали ўз ватанига қайтариш ҳақида амирдан розилик олди. Аммо инглизларнинг Афғонистонга бостириб киришлари, бунинг устига, Коноллининг Хива билан Қўқонни Бухорога қарши қўйишдаги хиёнаткорона

ҳаракатлари амирни ўз қарорини бекор қилишга мажбур этди ва Стоддарт билан Каноллини озод қилиш масаласи оқибатсиз қолди. Шунингдек, Бухородаги рус асирлари ва қачоқларини Россияга қайтариш, рус савдогарларидан молнинг қийматига қараб икки ярим фоиз бож олиш, Бухорода рус консуллигини, Оренбургда эса Бухоро консуллигини ташкил этиш масалалари ҳал қилинмасдан, акт-шартнома имзолангунча очик қолдирилади.

Амир рус савдогарларидан олинадиган божни маҳалий савдогарлардан олинадиган божга бараварлатириш ҳақидаги талабни Россия ерларидаги Бухоро савдогарларидан олинадиган бож камайтирилгандан сўнг қондириш мумкинлигини уқтириб ўтди. Элчиларнинг Бухоро билан тузиладиган акт лойиҳасини имзолаш ва уни кучга киритиш ҳақидаги талабига жавобан амир Насрулло уни ўрганиш зарурлигини, унга аввал рус подшоси имзо чекиши маъқулроқ эканлигини таъкидлади.

Россия билан Бухоро амирлиги ўртасида имзоланиши керак бўлган актнинг Бухородаги рус асир ва қачоқларини ўз ватанига қайтариш тўғрисидаги моддаси ҳам қабул қилинмади.

Подполковник Бутенёв амир ва сарой ходимлари билан олиб борган музокаралари пайтида Бухорога техника соҳасида ҳам ёрдам беришни кўзда тутиб, Россиядан ҳар хил материаллар, косиб хунармандлар, машиналар ва машинистлар юборишни ваъда қилади. У Бухородан бир қанча ёшларни Россияга юбориб, уларга хунар ўргатиш масаласини ҳам кўйди. Аммо амир Насрулло ва сарой амалдорлари, рухонийлари Бутенёвнинг асил мақсади нима эканлигини билмагани боис бу таклифни қабул қилишмаган.

Шундай қилиб, Бутенёв бошчилигидаги элчилар юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан амир ва сарой ходимлари билан бир қарорга кела олмасдан, 1842 йил апрель ойида қайтиб кетадилар. Айни пайтда амир Насрулло қоравулбеги Худоёрбек ва Қиличбий бошчилигида 12 кишидан иборат элчиларни подшо ва унинг министрлари номига ёзилган ёрлиқ ҳамда совғалар билан Петербургга жўнатди. Лекин амир Бутенёв тақдим этган актни

имзоламаганлиги сабабли унинг элчиларини Россия хукумати Оренбургдан қайтариб юборади.

Н. Хаников эса элчилар таркибида юриб амирликнинг тарихи ва иқтисодий-сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар тўплаб 1843 йилда Бухоро хонлиги тўғридаги муҳим илмий асарини нашр қилдиришга муяссар бўлади. Ушбу асар кейинроқ ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, қайта нашр этилган.

Хаников Н Бухоро амирлигининг ички сиёсатида манғит хукмдорларининг асосий мақсади марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, халқ оммасини қаттиқ итоатда тутишдан иборат эканлигини қайд этади. Айни пайтда манғит хукмдорлари йирик задагонларнинг нуфузини камайтиришга имкон берувчи таянч кучларни вужудга келтириш сиёсатини юргизгани ҳақида маълумот беради. Унинг қайд этишича бу даврда амир саройида хизмат қилувчи 300га яқин юқори амалдорлар лавозими жорий этилган бўлиб уларнинг сони сарой ташқарисида 30 мингдан ортиқ бўлганини қайд этиб ўтади.

Н Хаников ўз асарида бу даврда амирлик қўшини асосан отлик аскарлардан иборат эди деб маълумот беради. Отлик қўшин навқрлар ва қорачерикдан тузилганди. Қўшинлар тўп, қилич, пилта милтик, найза ва ўқ-ёй билан қуроллангани ҳақида тўхталиб ўтилади. Шунингдек, у Бухоро амири Насрулло мунтазам пиеда аскарлар қўшинини тузгани, тўпчилар қўшинини ҳам тузганини ёзади. Унинг ёзишича амирнинг 40 минг кишилиқ мунтазам армияси мавжуд бўлган.

Н.Хаников ўз асарида Бухоро амирлиги худуди, чегаралари, қишлоқлари ва шаҳарлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Хаников ўз эсдаликларида аҳолининг машғулоти ҳунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик, полиз маҳсулотларини етиштирилиши ва чорвачилиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Шунингдек, у амирликнинг йирик шаҳарларида жумладан Самарқандда ҳам бўлиб, шаҳарларнинг тузилиши, аҳолисининг турмуш тарзи, нуфузли уруғлар ҳақида ўз кўрганлари асосида маълумотлар ёзиб қолдиради. Унинг ёзишича амирлар манғит қабиласидан бўлганликлари учун бу қабилаларни ўзларининг

асосий сиёсий ва ижтимоий таянчларига айлантирган эдилар. Давлат муассасаларидаги амалдорлар асосан улардан ташкил этилганини қайд этиб ўтади. Бухоро амирлари ўзбек қабилалари бошлиқларининг ўз қабиладошларига таъсирини жуда яхши билар эдилар. Қабила бошлиқлари билан ўзаро тил топа олиш-бу мамлакат хавфсизлигининг асосий кафолатидан бири эди. Шунинг учун ҳам манғит амрлари бошқа ўзбек қабилалари бошлиқларини ўз хизматларига олар эди.

Н.Хаников берган маълумотга кўра амирликда айниқса яхудийларнинг ахволи оғир ва аянчли эди. Гарчанд улар ўз диний эътиқодларини сақлаб қолган, амирликда деярли бутун савдо-сотиқни ўз қўлларига олиб, маълум ижтимоий мавқега эга бўлиб олган бўлсалар-да, уларга нисбатан инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, хўрловчи тартиблар жорий этилган эди. Хусусан, яхудийларга от миниб юриш манъа этилган эди. Улар эшак минишлари мумкин эди, холос. Белларига камар эмас, чилвир боғлаб юришлари шарт эди.

Кўриниб турибдики, Н.Хаников Бухоро амирлиги ички ҳаётини жуда синчковлик билан ўрганган. Шу билан бирга Бухоро амирлигининг XVIII-XIX асрлардаги тарихига оид кўплаб қимматли маълумотлар тўплади. Дарҳақиқат ушбу асар манғит амирлари тарихига оид қимматли манбалар сирасига киради.

1841 йилда Россиядан Бухоро амирлигига кон инженери, подполковник Бутенёв бошчилигида элчилар юборилади. Элчилар таркибида икки инженер ва икки устадан ташқари, шарқшунос Н.Хаников, табиатшунос Леман, топограф Яковлевлар бор эди. Элчилар орасидан табиатшунос Леман Самарқанд атрофидаги фаунани ўрганиб, кўп ўсимликлар турларини гербайини тузади. Шарқшунос Н.Хаников эса Бухоро амирлигининг тарихи ва иқтисодий-сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар тўплайди ҳамда ушбу тўпланган маълумотлари асосида 1843 йилда Бухоро амирлиги ҳақидаги муҳим илмий асарини нашр қилдиришга муяссар бўлди. Асарда Бухоро амирлигининг тарихи, унинг шаҳарлари, аҳолининг машғулоти, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, қўшни давлатлар билан муносабатлари атрофлича баён этилади.

XIX аср ўрталарида Бухоро ва Хивага юборилган Россиялик яна бир элчи бу Н Игнатовдир. Н. Игнатов 1858 йилда Бухоро ва Хива давлатларида бўлиб, Россия дипломатик миссиясига раҳбарлик қилади. У ўзининг бу ҳудудларда бўлиши асносида ёзиб қолдирган эсдаликлари ҳам Бухоро тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Н Игнатов кузатувчан одам бўлган. Мазкур сафари ҳақида ёзиб қолдирган эсдаликларида Бухоро амирлиги ҳақида муҳим ҳарбий, иқтисодий, тарихий ва этнографик маълумотларни берган.

Эсдаликларда Бухоро амирлигининг ҳудуди, йирик шаҳарлари асосан Бухоро ва Самарқанд ҳақида, уларда яшовчи турли уруғлар ва уларни машғулоти ва амирликнинг мудафоо салоҳияти (ҳарбий қудрати) ҳақида диққатга сазавор маълумотлар келтирилади.

Н Игнатов эсдаликларида ўзбекларнинг фел-атвори, табиати ва қиёфаси ҳақида эътиборга лойиқ маълумотлар келтирилган. Унда, хусусан қуйидагича берилади: “Ўзбеклар, умуман ақлли ва ёқимли, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, бирон ишга жазм қилгудек бўлса, қарорида қатъий, тўғри сўз, ёлғонни ва эгриликни ёмон кўрадиган, руҳи тетик, хушбичим ва жисмонан кучли халқ....

Ҳарбий ишларида хориб-чарчамайдилар, кўркмас ва жасур кишилардир....”

Н. Игнатов эсдаликларида қайд этилишича Бухоро амирлигида бу даврда энг йирик Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Китоб, Ғузор, Термиз, Шерабод, Ҳисор, Кўлоб каби йирик савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданий марказлар ҳисобланган шаҳарлар мавжуд эди. Унга ҳозирги Тожикистондаги Вахш, Кофирнихон, Панж дарёлари водийсидаги ерлар, Туркменистондаги Мурғоб дарёси воҳаларидаги жойлар ҳам қарашли бўлган. Шу билан бирга Бухоро амирлиги ҳудудий жиҳатдан беклик ва туманларга бўлиниб, уларни амир томонидан тайинланган бекар бошқарган. Амирлик 27 та бекликка бўлинган.

Давлат худуди XIX асрнинг ўрталарида Эрон, Афғонистон, Қўқон ва Хива хонликлари, казoқ жузлари ерлари билан чегерадош бўлган. Амирликнинг марказий қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари жойлашган Зарафшон водийси ҳисобланган.

Қўриниб турибдики, Н Игнатов эсдаликлари ҳам XIX аср ўрталаридаги Бухоро амирлиги тарихини ўрганишга доир қимматли манбалар сирасига киради. Ушбу эсдаликлар яна шуниси билан ҳам қимматлики у ўзи кўрган билганлари ва эшитганлари асосида ёзилган эсдаликлардир.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш керакки, хонликлар даври жумладан Бухоро давлати тарихига оид жуда кўп тарихий ва хилма-хил тарихий манбалар мавжуд. Ушбу манбалар орасида рус элчи ва сайёҳларининг асарлари ҳамда эсдаликлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улардан комплекс равишда ва танқидий руҳда фойдаланиш бу давр тарихини тeран ўрганиш имкониятини бeради.

3. Хива хонлигига ташриф буюрган Россиялик элчи ва савдогарларнинг хонлик тарихига оид ёзган хотиралари.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги элчилик алоқалари анча ривожланди. Хива хонлигида бўлган Россиялик элчи, савдогар ҳамда сайёҳлар ҳам ушбу давлат ҳақида қимматли маълумотлар тўплаб ўз эсдаликларини ёзиб қолдирганлар.

Митролит Хрисанфнинг эсдаликлари ҳам Ўрта Осиё халқлари жумладан, Хива хонлигининг XVIII асрдаги тарихига оид қимматли манба саналади. Дастлаб, Хрисанфнинг ўзи ҳақида қисқача маълумот берсак. Хрисанф асли грек, венециялик аслзода дворянлардан, Афина яқинида жойлашган Янги Патор черковининг митрополити бўлиб хизмат қилган. Ҳақиқий исми шарифи Контарип. 1724 йили муқаддас патриарх Самуэл томонидан Истамбул атрофида жойлашган Ҳироти нисан черковига митрополит этиб тайинланган. Подшонинг тазйиқи оқибатида 1784 йили

Истанбулга кетиб қолган. Кўп вақт ўтмай, Хрисанф Ливон орденига қарашли черковлар билан танишиш мақсадида Шом-Сурияга, у ердан Халаб-Алеппога борди. Ўша ерда инглиз савдогарлари билан танишиб қолади ва улар билан бирга Фрот-Ефрат дарёси орқали Форс қўлтиғига борди. У ердан кемага ўтириб, Маскат орқали Ҳиндистоннинг Сурат бандаргоҳига келиб тушди. Сўнг Ҳиндистон, Кашмир, Қобул, Балх ва Самарқанд орқали Бухорога келади. Хрисанф Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида бўлади, бир йил Хивада туради.

Хрисанф шундан сўнг 1792 йили Аштархонга боради ва бир фурсат ўша ерда истикомат қилади. Кенг маълумотли ва кузатувчан бу одам тез орада Астраханда кўпларнинг диққатини ўзига тортади. Астрахан епископи у ҳақидаги маълумотни Муқаддас Синодга ахборот тарзида юборади. Сўнг Хрисанф Москвага чақиртирилади. Муқаддас Синод уни ҳар тарафлама текшириб кўриб ва кенг маълумотли одам экалигига ишонч ҳосил қилгандан кейин, Хрисанфни Кавказ ўлкасига, уни батафсил ўрганиш учун юборади.

Сўнг 1796 йилнинг бошида, Рязань, Тамбов ва Кавказ ўлкаларининг ўша пайтдаги генерал-губернатори граф Гудвич подшохи олий хазратларининг амри билан Хрисанфни Петербургга, Невский монастирига метролит Гаврил хузурига жўнатиб юборади.

Митролит Хрисанфнинг бирдан пойтахтга чақирилиши уни яхши билган шарқшунос В.В.Григорьевнинг фикрича, Россиянинг яқин орада Эронга бостириб кириш режалари билан боғлиқ бўлса керак. Рус ҳарбий экспедициясининг раҳбари Валериан Зубовга сайёҳнинг Эрон ва Ўрта Осиё ҳақидаги кенг билими керак бўлиб қолган. Орадан бир йил ўтгач, 1797 йилда Хрисанф муқаддас Синоднинг фармони билан Екатринослав епархиясига хизматга жўнатилди. 1798 йилнинг 20 январида митролит Хрисанф Феодосияга жўнаб кетди. Унинг кейинги ҳаёти ва фаолияти ҳақида бошқа маълумотлар сақланиб қолмаган.

Митролит Хрисанфнинг Ўрта Осиёга қилган саёҳати кундалиги бир пайтлар рус ҳарбий экспедициясига бошчилик қилган граф Валериан Зубов

қўлида бўлган. Кундалик, баъзи шаҳар ва вилоятлар ўртасидаги масофа, аҳолисининг умумий сони ҳақидаги ноаниқликларни ҳисобга олмаганда, катта қимматга эга. Унда хонликларнинг иқтисодий ва сиёсий ахволи, халқнинг турмуш шароити, эътиқоди ҳақида, шунингдек, Ўрта Осиёда истиқомат қилиб турган рус ва эронлик асирларнинг ахволи ҳақидаги қисқа, лекин ўта муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Хрисанфнинг Ўрта Осиё хонликларида қилган саёҳати ёзилган кундалиги орқали биз кўпроқ Бухоро ва Хива давлатларида кечган ижтимоий жараёнлар, икки давлат ўртасидаги ўзаро кураш, тўқнашувлар ҳақида кўпдан-кўп маълумотларга эга бўламиз. Шунингдек, унинг кундалиги орқали халқ орасида ислом динининг таъсири, халқ орасида уламоларнинг нуфузи ниҳоятда кучли эканлиги ҳақида кўплаб фактик материалларни учратиш мумкин.

Кундаликда шунингдек хонликларнинг ўзидаги ички низолар, марказий ҳокимиятнинг заифлиги, қўшиннинг тузилиши ва қуролланиши ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Хрисанф яна Ўрта Осиё хонликларининг вилоятлари, бекликлар ва ноибликлар, уларга олиб бориладиган йўллар ҳақида ҳам маълумотлар тўплаган. Шулар боис ҳам сайёҳнинг кундалиги ўша давр тарихини тадқиқ қилишда, тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Хива хонлигининг XVIII аср охиридаги тарихига доир рус манбалари орасида Бланкеннагел эсдаликлари ҳам муҳим ўрин тутди.

1793-1794 йилларда Оренбургдан Хивага офтолмоғ врач Бланкеннагел тақлиф этилган. У хоннинг кўзи ожиз бўлиб қолган амакисини даволаган. У ёзиб қолдирган эсдалик маълумотлар жуда қимматли эди.

Бланкеннагелнинг Хива шаҳрида бир йилдан ортиқ вақт туриши ва хоннинг амакисини даволаши баробарида ўзи кўрган билган воқеаларини эсдалик сифатида ёзиб борган. У ўз эсдаликларида Хива хонлигидаги сарой мулозимлари, уларнинг вазифалари, уюштириладиган зиёфатлар, элчиларни қабул қилиш маросимлари, ов ва шикорлар ҳақида тўхталиб ўтган.

Бланкеннагел яна ўз хотираномасида Хива хонлигининг худуди, йирик шаҳарлари, халқи ҳамда унинг машғулооти, халқнинг феъл-атвори, табиати ва қиёфаси ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Бланкеннагел ўз эсдаликларида Хивадаги давлат лавозимларидан иноқ, қушбеги, меҳтар, девонбеги, шайхулислом, қозикалон, эшони раис, мирзабоши, миршаб, махрам, катта беклар (вилоят ва катта шаҳарлар ҳокимлари), кичик беклар ва хон маслаҳатчилари каби турли лавозимларга алоҳида тўхталиб ўтади.

Николай Муравьев (1794-1866) маҳаллий ҳарбий мутахассис, 1812-1814 йиллари Россиянинг Эрон ва Туркияга қарши олиб борган урушларида иштирок этган, 1816-1828 йиллари Кавказ армиясида хизмат қилган. 1819-1820 йиллари рус армиясининг Кавказдаги бош қўмондони генерал Ермоловнинг топшириғи билан Боку-Каспий денгизи-Челекан ороли-Қорақумга ундан Хивага борган.

Николай Муравьев кузатувчан одам бўлган. Мазкур сафари ҳақида ёзиб қолдирган асарида (“Путешествие в Туркмению и Хиву гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева” Ч.1-11;М., 1822) Хива хонлиги ҳақида муҳим ҳарбий, иқтисодий, тарихий ва этнографик маълумотлар тўплаган.

Асарда Хива хонлигининг худуди, йирик шаҳарлари, халқи ва унинг машғулооти ва мудофаа салоҳияти (ҳарбий қудрати) ҳақида диққатга сазавор маълумотлар келтирилади. Жумладан, у ўз асарида Муҳаммад Раҳимхон I нинг ўзбеклар ва туркманлардан тузилган қўшинга таяниб йирик задогонлар қаршилигини синдириш учун шиддатли кураш олиб боргани, бу курашда ўз рақибларини бирин-кетин бўйсиндиргани ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Муҳаммад Раҳимхон I бўйсиндирилган қабилалар задогонларининг қабилалар орасидаги мавқеи ниҳоятда қудратли бўлганлигини ҳисобга олиб, уларга у ер-мулк ва турли имтиёзлар ином этган. Бу омил хонликда сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши керак эди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида хонлик сиёсий жиҳатдан бирлаштирилди. Айни пайтда мамлакатда нисбий барқарорлик таъминланди. Унинг ҳудудлари янада кенгайди. Буни элчи ўз асарида атрофлича олиб боради.

Николай Муравьевнинг эсдаликларида ўзбекларнинг феъл-атвори, табиати ва қиёфаси ҳақида ҳам эътиборга лойиқ маълумотлар келтирилган. Унда, шундай маълумотлар келтирилади: “Ўзбеклар, умуман ақлли ва ёқимли, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, бирон ишга жазм қилгудек бўлса, қарорида қатъий, тўғри сўз, ёлғонни ва эгриликни ёмон кўрадиган, руҳи тетик, хушбичим ва жисмонан кучли халқ....

Харбий ишларида ҳориб-чарчамайдилар, кўркмас ва жасур кишилардир...” деб таъриф беради.

Н.И. Муравьев ўз хотираларида яна Хива хонлигининг қадимий обидалари, давлат бошқарув тизими, ҳунармандчилик ва савдо-сотик алоқалари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар келтирилади. Шунинг учун ҳам бу эсдаликлар китоби француз ва немис тилларига таржима қилинган эди. Муаллиф ўз асарида Хива хонлигининг пойтахтини шундай тасвирлайди: “Хива шаҳри кенг майдонда боғ-роғлар билан ўралган. Атрофи эса девор билан ўралган ҳамда Амударёдан сув қувири ўтказилган. Хива аҳолиси ўзининг машаққатли меҳнати билан чўли биёбони ҳосилдор ўлкага айлантирган. Атроф ҳаммаси экинзор майдон. Буғдойзор, шолিপоя, узумзор ва ширин-шакар боғлар ташкилланган. Чорвачилик ҳам ривожланган.”

Келтирилган фактик маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики элчи Николай Муравьев эсдаликлари Хива хонлигининг XIX аср бошларидаги тарихини ўрганишда муҳим манба саналади.

Н.И.Муравьев элчилигига биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек Россия ҳукумати қуйидаги вазифаларни юклаган эди: Туркманлар ерини, Хива хонлигининг туркманлар билан муносабатини ҳамда савдо йўли очилиши (Хива-Туркманлар ери – Каспий денгизининг шарқий қирғоғи Боку-Астрахан) истиқболларини ўрганиш эди.

Шу боисдан ҳам биз юқорида қайд этганимиздек экспедиция дастлаб туркманларнинг ёвмут қабиласи жойлашган ҳудудда бўлади. Ёвмутларнинг Россия фуқаролигига ўтиш истакларини ўрганди. Шундан сўнггина Хива хонлигида бўлди. Улар Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I қабулига киришга ҳам муофиқ бўлади. Бироқ, Хива хони савдо йўлининг ўзлаштирилишига рози бўлмайди ва Ўрта Осиёнинг бошқа хонликлари билан муносабатларида Россия харбий ёрдамига таяниш мумкинлиги ҳақидаги таклифни ҳам рад этади.

Чунки Муҳаммад Раҳимхон Россиянинг ёвмут қабиласини ўз фуқаролигига қабул қилиш истаги тагида аслида қандай мақсад ётишини англаб етган эди. Бундан ташқари, Россия ҳукуматининг савдо карвонларининг хавфсизлигини таъминлаш бахонасида чегарада мустаҳкам истехкомлар куриш ҳақидаги режалари Хива ҳукмрон доираларини чўчитиб ҳам қўйган эди.

Дмитрий Гладишев ва Иван Муравинларнинг Хива хонлиги ҳақидаги хотиралари ҳам хонлик тарихини ўрганишга доир муҳим манбалар сирасига киради.

Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳар ва қишлоқлар, Орол денгизининг ҳолатини ўрганиш учун 1740 йили Россия давлат арбоби ҳамда тарихчи олим В.Н.Татищевнинг ташаббуси билан Хивага поручик Д. Гладишев ва контрадмирал, ер ўлчовчи И. Муравинлар юборилган.

Орскда олган кўрсатмага биноан, улар 1717 йили Пётр I замонида Россия тобелигига ўтган Кичик Жуз хони Абулхайрхон (1645-1748 йй) билан учрашиши зарур эди. Лекин, бу пайтда Абулхайр Оролда эди. Мамлакатни эса Эрон подшоси Нодиршоҳ босиб олган эди. Шунинг учун Гладишев билан Муравин Абулхайрхоннинг иниси Нурали, тоғаси Ниёз билан бирга Оролга жўнаб кетдилар ва хон ҳузурига етиб бордилар. Эртаси куни Хивага бордилар. Ўша вақтда Абулхайр хон деб эълон қилинган эди. Гладишев билан Муравин Шавотда 9 ноябрь куни Нодиршоҳ ҳузурида бўлганлар ва унга Абулхайрхон билан Хива Россиянинг табақалари эканлигини айтиб, Хивага меҳру шавқат қилинишини сўраганлар. Зобитларнинг сўзларига қараганда, уларнинг илтимослари ижобат топган. Лекин, улар Абулхайрхон билан учраша

олмаганлар. Шундай бўлса-да, Абулхайр шохдан чўчиб 12 ноябрда рус зобитлари билан бирга Оролга қочиб кетди. Бу ерда кўп тортушувлардан кейин Нурали хон деб эълон қилинди. Абулхайр Гладишев билан Муравинни олиб, Одам ота ариғи бўйидаги эски ўрдасига қайтди. Гладишев ва Муравин 1741 йилнинг апрель ойида у ердан Орскага қайтиб келдилар. Уларнинг мазкур саёхати пайтида тўплаган маълумотлари “Гладишев-Муравин. Поездки из Орска в Хиву и обратно 1740-1741 годах поручиком Гладышевым и геодизистом Муравиным, ИРГО. Вып. IV. –СП б., 1850. С.519-599” деб номланган.

Гладишев ва Муравин тўплаган маълумотларнинг аҳамияти шундаки, уларда Орол денгизининг соҳиллари, Хоразмнинг Хива, Шохтемир, Хўжайли, Хонқа ва Шавот шаҳарлари ҳақида, шунингдек, ўзбек, қozoқ, қорақалпоқ ҳамда туркман аҳолиси ҳақида айрим маълумотлар келтирилган.

Ушбу элчилар берган маълумотлар ичида яна Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг 1740 йили Бухоро ва Хива хонликларини босиб олиши, бу давлатларнинг вақтинча Эронга қарам бўлиши ҳақидаги фактлар ҳам биз тарихчилар учун муҳимдир. Элчилар Нодиршоҳнинг 1740 йил Хивага ўз одамини ҳоким этиб тайинлаб, Эронга қайтиши, Хивада Эрон бошқарув тизимининг ўрнатилиши ҳақида маълумот беради. Аҳолига “моли омон” солиғи солинади. Анашундан сўнг Хива хонлигида поракандалик бошланди деб ёзадилар.

Россия ҳукумати учун Орол денгизининг иқтисодий ва ҳарбий стратегик аҳамияти катта эди. Шунинг учун ҳам Орол флотилиясининг бошлиғи контр-адмирал А.И. Бутаков (1816-1869 йй) га 1848 йили Оролни ўрганиш ва уни тавсифлаш вазифаси юклатилади.

А.И. Бутаковнинг кузатишлари унинг “Кундаликлари”да (тўла номи “Древные записки плавания по Аральскому морю в 1848-1849 гг”, подготовка к печати Э.К. Бетгера. –Тошкент, 1953) баён этилган. Унинг ёзишича, “Орол денгизи тинч денгизлардан бўлмай, айниқса шамол турган пайтда паноҳ топиш қийин”. “Унинг Ғарбий соҳилини суратга туширишни Қумсуат қўлтиғидан

бошладик. Қумсуатдан бошлаб менга денгиз чуқурлаша бошлагандек туюлди...” деб таърифлайди.

Бутаков ўшанда Орол денгизини ва уни бандаргоҳ қуриш мумкин бўлган ерларини қаричма-қарич ўлчаб чиқди. Умуман, контр-адмирал Бутаковнинг кузатишлари, Россия ҳукуматига келажакда денгизда ҳарбий ва савдо флоти қуриш мумкинлигини кўрсатди. Бу режа подшо Россиясига Сирдарё ҳамда Амударёда ҳам кемалар қатновини йўлга қўйишга ва бу билан Қошғар ва Ҳиндистонга сув йўлини очиб бериш имконини берар эди.

Хива-Россия муносабатларида муҳим жиҳат шунда эдики, ўзаро савдодан ҳар иккала давлат ҳам бирдек манфаатдор эди.

Хива савдогарлари учун Россияга борадиган савдо йўллари хавфсиз эди. Шунингдек, Хива хонлигида Россия завод ва фабрикаларида ишлаб чиқариладиган товар, тайёр истеъмол молларига эҳтиёж баланд эди. Айни пайтда Россия Хива хонлигига ўз товарларини сотадиган бозор деб қарарди. Россия товарлари Европанинг илғор давлатларида ишлаб чиқарилаётган тайёр истеъмол товарларига рақобат қила олмаётган бир даврда бу жуда муҳим эди. Иккинчидан, Хива хонлиги, Россия саноати учун зарур хомашё маҳсулотларини арзон нархларда етказиб берувчи ўлка ҳам ҳисобланарди.

Бироқ ҳар икки давлат ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг қарор топишига тўсқинлик қилган омиллар ҳам мавжуд бўлган. Булар: савдо қарвонларига ҳужум қилиш хавфини мавжудлиги, ҳар икки тараф томонидан Кичик жуз қозоқларини ва қароқалпоқларни ўз фуқаролари деб ҳисоблашарди; шунингдек, ҳар икки томоннинг ўзаро савдодан олинадиган бож ҳажми масаласида узоқ вақт бир тўхтамга кела олмаганликлари билан боғлиқ эди.

1841 йилда Россиядан Хива хонлигига капитан Никифиров ва поручик Аитов бошчилигида икки топограф, ураллик 12 казакдан иборат элчилар гуруҳи келган. Элчилик миссияси олдига қуйидаги вазифалар юкланганди:

Хива хонлигидан рус савдогарларига Хиванинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида эркин савдо қилиш ҳуқуқини бериш, уларнинг моллари дахлсизлигини таъминлаш, рус савдогарлари ва уларнинг гумашталари

томонидан келтирилган моллардан фақат бир марта (келган вақтда) бож олиш, бу молларнинг нарhini рус амалдорлари иштирокида белгилаш: хиваликлар томонидан карвонларнинг ўзбошимчалик билан ушлаб қолинишига ва Сирдарё бўйидаги қўрғонларнинг бузилишига йўл қўймаслик, Осиёдан Россияга борадиган карвонларга тўсқинлик қилинишига барҳам бериш, Хива хонлигида, Эрон ва Туркиядаги каби, рус карвонларидан 3-5 фоиз бож олиш, хонликдаги рус асирларини кул қилишни тугатиш, рус асирларини озод қилиб ўз ватанига қайтариш, Россия фуқароси бўлган кўчманчи уруғларга ўчакишмаслик каби масалаларни ҳал этишлари керак эди.

Элчилар 1841 йил август оyi бошларида Хивага етиб келадилар. Хива хони Оллоқулихон 11-13 августда элчилар билан суҳбат ўтказади. Бирок Никифоровнинг хон ва сарой ходимлари билан олиб борилган суҳбатлар пайтида қўполлик кўрсатиши, хон ва унинг вазирларига дўқ-пўписа қилиши, қонунга хилоф равишда сураатга олиш ҳодисалари хонда норозилик уйғотди.

Оллоқулихон тезлик билан олий кенгаш йиғилишини чақиради. Олий кенгаш Никифоров томонидан ўртага ташланган масалаларга ҳеч қандай жавоб бермасдан, Россиядан янги элчилар юборишни сўраш ҳақида қарор қабул қилади.

Шундан сўнг Россия ҳукумати Хива хонлиги билан муносабатларига аниқлик киритиш мақсадида Г. Данилевский бошчилигида элчилик миссиясини юборади.

Элчилар 1842 йили ноябрь ойида Хива хонлигига етиб келадилар. Улар Хива хони Оллоқулихон билан музокораларни бошлаб юборадилар. Элчилик миссиясига асосан Хива-Россия муносабатларига ойдинлик киритиш, савдо карвонларининг ҳамда қозоқ қабилаларининг таланишига йўл қўймаслик, рус асирларини озод қилиш, Россия фуқароларининг шахсий ва мулкый хавфсизлигини таъминлашни Хива хонлиги маъмуриятига юклаш масалалари қўйилган эди.

Музокоралар давом этаётган кунларда Оллоқулихон вафот этади. Тахтни унинг ўғли Муҳаммад Раҳимкулихон эгаллайди. Музокоралар якунида 1842

йилнинг 27 декабрда Хива-Россия ўртасида “Мажбуриятлар акти” деб аталувчи шартнома имзоланди.

Актда Хива хонлигининг Россия билан тинчлик, мустаҳкам дўстлик муносабатларида бўлиши эълон қилинди. Бундан ташқари, Актда Хива хонига: Хиванинг Россияга нисбатан душманлик ҳаракатларидан воз кечиши, савдо қарвонларининг ҳамда қозоқ қабиаларининг таланишига йўл қўймаслик, рус асирларини сақламаслик, Россия фуқароларининг шахсий ва мулкӣ ҳавфсизлигини таъминлаш каби мажбуриятлар юкланди.

Шунингдек, икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларига ҳам катта эътибор берилди. Чунончи, бож тўловлари Россия товарлари қийматининг 5% миқдоридан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Бироқ, “Мажбуриятлар акти” қоғозда қолиб кетди. Ўзаро муносабатлар кескинлашиб борди. Россия ҳукмрон доираларининг мақсади бутунлай бошқа эди. Улар асосан хонликни босиб олиб, ўзига қарам бир ўлкага айлантиришни режалаштирган эди.

Данилевский бошлиқ элчилар Хива хонлиги билан шартнома тузиш соҳасида муҳим ишларни бажариш билан бирга Хонликнинг кўпгина жойларини суратга олади. Унинг ўша даврдаги иқтисодий ва сиёсий аҳволини ёритишда муҳим маълумотлар тўплашга муваффақ бўлади. Шулар асосида Г.И.Данилевский “ОО писание Хивинского ханства (ЗИР БГО. Кн V. 1851)” деб номланган асар ёзади. Бу китоб XIX аср ўрталаридаги Хива хонлиги тарихини ўрганишда энг муҳим манбалардан биридир.

1842 йилда Хива Россия ўртасида “Мажбуриятлар акти” шартномасининг имзоланишига эришган элчи Г.И.Данилевский яна ўзи билан Хивага келган табиатшунос олим Р. Базинер билан биргаликда “Хива ва хонликнинг бошқа шаҳарлари ҳамда қишлоқлари, савдо-сотиғи ва саноати” номли асар ҳам ёзиб қолдирганлар.

Эсдаликларда қайд этилишича “...Хонлик пойтахти Хива шаҳрида 4 минг аҳоли яшаган. Аҳолининг катта қисми ўзбеклардан иборат бўлган. Ундан кейинги ўринларни туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар эгаллашган.

Ўзбеклар, асосан, қўнғирот, найман, қиёт, уйғур, нукуз, қанғли, хитой, қипчок каби қабилаларга мансуб бўлган.

Уларнинг ҳар бири, асосан, ўзларига ажратилган ерларда жойлашган. Ҳар бири алоҳида-алоҳида каналларга эга бўлишган. Ҳар бир қabila ўзларига қарашли суғориш иншоотларини тиклаш ва таъмирлаш ишларига қатнашган. Ҳар бир қабиланинг канали ҳам шу қабila номи билан аталган,” деб маълумот берилади.

Ушбу эсдалик ҳам Хива хонлиги ҳаётини ўрганишга ва тадқиқ этишга доир қимматли манбалар сирасига қиради. Эсдаликда хонликдаги давлат бошқарувига доир ҳам қимматли маълумот берилади. Унда қайд этилишича, Хонлик мутлоқ монархия бўлиб, олий ҳукмдор-хон давлат бошлиғи эди. Маъмурий жиҳатдан хонлик ҳудуди 15 та вилоятга (Питнак, Хозорасп, Хонқа, Урганч, Қўшқўприк, Ғазоват, Қиёт, Шоҳаббос, Тошховуз, Амбар-Манок, Гурлан, Қўхна Урганч, Хўжайли, Чумакной ва Қўнғирот) ва 2 та ноибликка (Бешариқ ва Қиёт-Қўнғирот), шунингдек, хоннинг бевосита ўзига бўйсиндирилган туманларга бўлинган эди, деб ёзилади.

1858 йилда Хива ва Бухорога юборилган дипломатик мисия раҳбари Н Игнатов ёзиб қолдирган эсдаликлар ҳам Хива тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Таниқли шарқшунос олим Н. Василевскийнинг “Ўзбеклар Хоразмда”, “Иноқлар ҳукмронлиги” ва “Қўнғиротлар сулоласи” асарлари Хива хонлигининг XVI аср ва ундан кейинги асрлар тарихига бағишланган.

Бундан ташқари, Хива билан Россиянинг XVIII-XIX асрлардаги ўзаро алоқалари яна бир шарқшунос олим С. Жуковскийнинг “Россиянинг кейинги 300 йилда Бухоро ва Хива билан алоқаси” асарида ўз ифодасини топган. Ушбу асарлар орқали биз хонликнинг аҳолиси, шаҳарлари, давлат тузуми ва бошқарув тизими, ер эгалиги, солиқ ва мажбуриятлари, шаҳарлар ҳаётининг умумий манзараси, ҳунармандчилик, қўшиннинг тузилиши, умуман олганда хонликнинг ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Хуллас, кўриниб турибдики биз юқорида қайд этган рус сайёҳ, савдогар ва элчиларининг Хива хонлиги тарихи, этнографияси, аҳолининг туриш турмуши, қўшини, давлат лавозимлари, бошқарув шаклига оид ёзиб қолдирган эсдалик ҳамда асарлари ўша давр тарихини ўрганишда бирламчи манбалар ҳисобланади. Ушбу эсдалик ва асарлар хонлик тарихини тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

4. Қўқон хонлиги тарихига оид рус манбалари.

XVIII асрда Қўқон хонлиги ташкил топгандан сўнг рус элчи ва савдогарлари бу хонлик ҳақида ҳам маълумотлар йиғишга катта эътибор бера бошладилар. Жумладан, савдогар Шубай Арслоновнинг Тошкент шаҳридаги ахбороти (1741 йил), 1800 йилда Тошкент ҳокими Юнусхўжанинг илтимосига кўра Тошкентга келган инженерлар Бурнашев ва Поспеловларнинг хотиралари, Филипп Назаровнинг 1813-1814 йилларда Қўқонга қилган сафари ҳақидаги ҳисоботлари шулар жумласидандир.

1829-1830 йилларда Россиядан Қўқон хонлигига Николай Потанин бошчилигида элчилар келади. Н. Потанин Россия ҳукуматидан махсус топшириқ билан Қўқон хонлигига юборилган. У Қозоқ даштларидаги казак отрядларидан бирининг командири бўлган. Унга подшо Россияси ҳукумати томонидан Санкт-Петербургга борган Қўқон хонлиги элчиларини кузатиш ва босиб ўтилган йўлларнинг топографик харитасини чизиш топшириғи берилгач 1829 йил 13 майда Семипалатинскдан Қўқон элчиларини кузатиб йўлга чиққан. Мирзачўл, Чимкент, Тошкент, Хўжанддан ўтиб 8 декабрда Қўқонга етиб келган. Элчи ўз саёҳатлари натижасида “Қўқон хонлигига оид ёзишмалар” асарини ёзган. Н.Потанин ўз асарида Қўқон хонлигидаги маъмурий бошқарув тизими, сарой унвонлари, ҳарбий ва диний мансаблар, шаҳарлар ҳаёти ва базорлар, хонликнинг Бухоро амирлиги билан ўзаро муносабатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Н.Потаниннинг ёзишича, бу пайтда Қўқонда 15000 эркак киши, жумладан 4000 аскар ва 100 та масжид, Тошкентда

10000 эркак киши, жумладан 3000 аскар (600 таси Қўқонлик) бўлган. Николай Потаниннинг ушбу асари Россияда уч марта (1831, 1856, 1916 йилларда) нашр қилинган. Асардан парчалар 1990 йил Тошкентда ҳам нашр этилган.

Х.Потанин ўз эдаликларида қайд этишича уни Қўқонда иззат-икром билан кутиб олишган. Унинг кўрсатишича, Қўқонда чет мамлакат элчилари билан шуғулланувчи махсус мансабдор киши бўлган. Бу мансаб шиғовул номи билан юритилган. Потанин билан бўлган мунозара ва қабул маросимлари ўша шиғовул томонидан уюштирилган эди. Бу мансабнинг таъсис этилиши Қўқон хонлигига чет мамлакатлардан тез-тез элчилар келиб туриши орқасида юз берган, албатта.

Хорунжий Потанин шахсан Мадалихон томонидан, элчилик маросимларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда, қабул қилинди ва қисқа суҳбат ўтказилди. Бу учрашувда Мадалихонга рус императорининг ёрлиғи ва совғалари топширилди. Хорунжий Потаниннинг қайд этишича, соғалар мовут, парча, чинни ва хрустал буюмлар, ойна ва милтиқдан иборат бўлган. Совғаларни 25 Қўқонлик кўча бўйлаб кетма-кет юриб, хон хузурига олиб борганлар. Буларнинг ҳар икки томонида рус аскарлари қиличларини яланғочланган ҳолда борганлар. Хорунжий Потанин, шиғовул ва Қўқон элчилари эса олдинда отда бўлганлар. Халойиқ вазиятни зўр қизиқиш билан томага қилган.

Қўқон ахолиси ва хукмрон доира вакиллари рус ҳарбий отрядининг интизомига, ҳарбий машқи ва қуролдан фойдалана билишига ғоятда қизиққан ва қойил қолган. Бу ҳарбий машқдан Мадалихон жуда мамнун бўлиб, Хорунжий Потанин ва отряд аъзоларини турли совғалар билан тақдирлаган.

Хорунжий Потанин тўплаган материалларда Қўқон хонлигининг умумий ахволи тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд. Чунончи, унда Тошкент ва Қўқон шаҳрида боғдорчилик, полизчилик ва умуман, деҳқончилик билан шуғулланилгани, Қўқонда ипакчилик ва тўқимачилик жуда яхши йўлга қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Қўқоннинг Россия, Хитой, Қошғар, Қозоқ ерлари, Бухоро ва Хива хонлиги билан савдо-сотик

қилаётганлиги уқтириб ўтилган. Бу ҳол Қўқон хонлиги ички ва ташқи савдосининг анча кучайганлигидан долат беради. Элчининг таъкидлашича савдонинг ўсганлигини олтин, кумуш тангаларнинг мавжудлиги ҳам исботлайди. Маълумотда кўрсатилишича, Қўқон бозорининг олти саройи бўлиб, иккитасида маҳаллий, тўрттасида эса чет мамлакатлардан келган савдогарлар савдо қилганлар. Бу вақтларда Тошкентда бешта саройли бозор бўлган. Бу ерда ҳам чет эл савдогарлари савдо-сотик қилганлар. Хуллас, Хорунжий Потанин маълумотлари Қўқон хонлигида ички ва ташқи савдонинг кучайганлигини кўрсатади.

Қўқон хонлиги тарихига бағишлаб асар битган рус муаррихларидан яна бири Наливкин Владимир Петровичдир. Чор Россияси армиясида Туркистонда хизмат қилган. Хива ва Қўқон хонлигига ҳарбий юришларда қатнашган. Қисқа муддат Наманганда ҳарбий бошлиқнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ерли аҳолининг тили, турмуши ва урф-одатларини яқиндан ўрганиш учун Нанай қишлоғидан ер сотиб олиб, оиласи билан шу ерда бир неча йил яшаган. Ўзбек, тожик, араб тилларини пухта ўрганган. В.П. Наливкин турмуш ўртоғи М.В. Наливкина билан биргаликда “Фарғонадаги ўтроқ аҳоли аёлларининг турмушига доир очерклар” ҳамда “Қўқон хонлигининг қисқача тарихи” асарларини ёзишган. Ушбу асарлар XVIII-XIX асрлардаги Фарғона водийсидаги этномаданий жараёнлар, халқнинг турмуш тарихи ва Қўқон хонлигининг тарихини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради. Наливкин Владимир Петрович яна этнографияга доир ишлар, Туркистон тарихи, исломшунослик, ўзбек ва форс тилларини ўқитиш бўйича қўлланма, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғат, “Туркистон ўқитувчилар семинарияси учун хрестоматия”, “Ўзбек тилини амалий ўрганиш учун қўлланма” номли асарлар ҳам яратган.

Филипп Назаровнинг 1813-1814 йилларда Қўқон хонлигига ташрифи давомида тўплаган маълумотлари асосида ёзган эсдаликлари ҳам хонлик тарихи, ундаги мавжуд бекликлар ва шаҳарлар тарихини ўрганишда муҳим манба саналади.

Даставвалида Филипп Назаровнинг ҳаёт йўлига қисқача тўхталиб ўтсак. Афсуски Филипп Назаровнинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам, 1789 йили Омск шаҳрида Осиё билим юртини тугатиб, 1804 йили Тобольск губерниясидаги Иртиш чизигидаги Чарлаковск чегера постига таржимон бўлиб хизматга кирган. Ундан кейин хизмат юзасидан бошқа чегерадаги пунктларга ҳам бориб ишлаган. Қўқон хонлигига келишидан (1813-1814) олдин “Алоҳида Сибир полки”да таржимон бўлиб хизмат қилган.

1813 йили Ғарбий Сибир генерал-губернатори Глазemannнинг махсус топшириғи билан Петербургдан юртига қайтиш чоғида йўлда, Петропавловск (Шимолий Қозоғистонда) ўлдирилган Қўқон хонининг элчиси билан боғлиқ жанжални тинчитиш учун Қўқонга юборилди. Шу билан бирга унинг хотира ёзувларидан маълум бўлишича, унга Қўқонга Сибирь орқали олиб бориладиган йўллар, йўл устидаги шаҳар ва қишлоқлар, хонликнинг иқтисодий ва сиёсий ахволи, унинг муҳофаа салоҳиятини кузатиш ҳам юклатилган.

Филипп Назаров ўз миссиясини бажариш учун Қўқонга сибирлик рус савдогарлари карвонига қўшилиб, 1813 йил 16 май куни йўлга тушади. Карвон Қозоғистон чўллари ва Жанубий Қозоғистондаги Сузоқ ва Чимкент орқали Тошкентга, ундан 1813 йил октябрь оyi бошларида Қўқонга кириб келади. У Қўқонда бир йил атрофида туради ва 1814 йилнинг август ойида Қўқон хони Умархон (1810-1822)нинг элчиси билан Петропавловск шаҳрига қайтиб кетди.

Филипп Назаров бир йил мобайнида хонлик пойтахти Қўқондан ташқари, Марғилон, Андижон, Наманган, Янгиқўрғон ва Хўжанд шаҳарларида бўлди ва бу шаҳарлар, уларнинг халқи ҳамда машғулоти ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди.

Филипп Назаровнинг эсдаликлари “Филипп Назаров: Записки о некоторых народах и землях Средней Азии” номи билан икки марта 1821 ва 1968 йиллари нашр этилган.

Филипп Назаровга Россия ҳукумати Қўқон ва Сибирь ўртасида савдо йўлини очишни ташкиллаш вазифасини юклаган эди. Шу боис ҳам элчи

кўпроқ Қўқон хонлиги ва савдо йўллари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Бу маълумотларда кўрсатилишича, Қўқон хонлиги Шарқий Туркистон, Хитой, Хива ва Бухоро хонликлари ва Шарқий Эрон билан савдо олиб борган. Шунингдек, Тошкент ҳам бир қатор мамлакатлар билан савдо олиб борган. Қўқон хонлиги мазкур мамлакатлар билан элчилик муносабатларини ҳам ўрнатган. Чунончи, Ф. Назаров ўша жоларнинг элчилари билан биргаликда хон хузурида бўлган.

Филипп Назаров Қўқон хонлигида бир йил давомида турган вақтда хонликнинг кўплаб йирик шаҳарларида ҳам бўлади ҳамда ушбу шаҳарлар аҳолиси, машғулоти ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди. Жумладан, у Андижонда ҳам бўлади. Элчининг қайд этишича, Андижон-Қошғар билан чегерадош, атрофи қишлоқлар билан ўралган, ҳар қандай меваларга мўл-кўл, аҳолиси ипак қурти боқиб, шойи ва қағоздан матолар тўқиш ҳамда ғалла экиш билан машғулдир, савдо билан ҳам шуғулланишади. Андижондан тўрт томонга чиқиш йўли билан, шаҳар атрофи деворлар билан ўраб олинган, унинг ичкарасида губернатор арки, сарой жойлашган, унда 10000 га етиб қўшин жойлашган. Шаҳар бошлиғи ўз қаромоғидаги келтирилган товар маҳсулотларидан олинган бож тушуми, даромад ҳисобидан ҳарбийларни боқаётганини ёзган.

Филипп Назаров шунингдек Тошкент, Марғилон, Қўқон шаҳарлари хусусида ҳам маълумотлар тўплаган. Ушбу маълумотлар ўша даврдаги хонлик шаҳарлари тарихи ва этнографияси учун ниҳоятда қимматли манба саналади.

XVI-XIX асрларда Қўқон хонликлари билан рус давлати ўртасидаги савдо муносабатларини ўрганишда П.Небольсин асари қимматли манба саналади. Муаллиф XVI-XIX асрнинг иккинчи чорагида Россиядан хонликларга ва бу ердан Россияга чиқарилган моллар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирган. Унинг қайд этишича ўзбек хонликларидан Россияга ва бошқа мамлакатларга пахта, калава ип, чўян, гилам, жун, қоракўл, турли ҳайвон терилари чиқарилган. Россияга олиб борилган моллар орасида турли

куруқ мевалар ҳам алоҳида ўрин эгалларди: шунингдек, фируза каби жавохиротлар чиқариларди. Ўрта Осиё орқали Россияга хитой, ҳинд ва афғон моллари юборилар эди. П. Небольсиннинг маълумотларига қараганда, биргина Кашмирдан ҳар йили хонликларга келтириладиган 3000 та гулдор рўмолдан 2000 таси Россияга жўнатиларди. Ўрта Осиёлик савдогарлар Шарқий Ҳиндистондан келтирилган инглиз молларини ҳам Оренбургга олиб бориб сотишарди. Яна Россияга пахта, йигирилган ип, бўз, чит, қалами олача, бекасам, адрас, атлас сингари моллар юборилар эди. Шунингдек қалами олача ва бекасам тўнлар, шойи рўмоллар ва бошқа тайёр кийимлар ҳам чиқариларди.

Хуллас, Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда Россиялик элчи, савдогар ва сайёҳлар Ф.Назаров, А. Потанин, П. Небольсин, В. Вильяминов-Зернов, Н. Петровский ва бошқаларнинг эсдалик ҳамда асарлари муҳим манба саналади. Шунингдек, хонлик тарихини ўрганишда Шарқ қўлёзмалари ва босма қўлланмалар, халқ оғзаки ижоди, ҳикоялар асосида яратилган рус муаррихлари В.Наливкин, А.Кун асарлари ҳам мавжудки, уларда хонликнинг XVIII-XIX асрлар биринчи ярмидаги тарихи баён этилади. Шубҳасиз ушбу манбалар хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишда тарихчилар учун бирламчи манбалар бўлиб хизмат қилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

1. XVI-XIX асрлар тарихига доир европа манбалари ҳақида гапириб беринг?
2. Бухоро давлати тарихига доир рус сайёҳ ва элчиларининг эсдаликлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
3. Хива хонлигига ташриф буюрган Россиялик элчи ва савдогарларнинг хонлик тарихига оид ёзган хотиралари қандай аҳамиятга эга?

4. Қўқон хонлиги тарихига оид рус манбаларидан қай бирлари энг ишончли манбалар сирасига киради?
5. Сайёҳ ва элчилар маълумотларидан қандай фойдаланиш лозим?

МАВЗУ-8: МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИ.

Режа.

1. Қонун чиқариш актлари, иш юритиш ҳужжатлари.
2. Сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳужжатлари.
3. Статистик манбалар ва даврий матбуот материаллари.
4. Эсдаликлар ва бошқа мемуар манбалар.

Таянч сўз ва иборалар. Қонун чиқариш актлари, иш юритиш ҳужжатлари, сиёсий партиялар, ташкилот ҳужжатлари, статистик манбалар, даврий матбуот материаллари, эсдаликлар, мемуар манбалар.

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
6. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. (XIX аср иккинчи ярми –XX аср бошлари) –Т.: Шарқ, 2006.

7. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. –Т. Шарқ. 2000.
9. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004, 2005
11. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. K.2 /Ma'sul muxarrirlar: O' Mavlonov, Q. Usmonov.- Т.: Sharq, 2010.
12. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Қонун чиқариш актлари, иш юритиш ҳужжатлари.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олди ва аста секинлик билан бу ўлкани ўз мустамлакасига айлантирди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги расман мустақил давлатлар сифатида сақланиб қолган бўлсада, амалда улар Россияни вассалига айландилар. Мустамлакачилик даври то 1917 йилги Февраль инқилобига қадар давом этди.

Мустамлакачилик даврида тарихий манбаларнинг хили ва тури кўпайди. Туркистонда фаолият кўрсата бошлаган мустамлакачилик маъмуриятининг барча бўғинларида хилма-хил иш юритиш ҳужжатлари яратила бошланди. Қонун чиқариш актлари билан бирга бу ҳужжатлар муҳим тарихий манбалар қаторига киради.

Бу даврда Туркистон ўлкасининг мустамлака мақоми бир неча қонун чиқариш актларида ўз аксини топди. Улар асосан 1865, 1967 ва 1886 йилларда эълон қилинган ўлкани бошқариш ҳақидаги низомлардир. Россия императорлари томонидан тасдиқланган ушбу низомларда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг асосий тамойиллари, мустамлакачи маъмурларнинг ваколатлари, маҳаллий халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги, юртимизнинг метрополия хом ашё базасига айлантирилганлиги ўз аксини топган.

Юқорида эслатиб ўтилган низомлардан ташқари, рус подшоши чиқарган фармонлар ҳам муҳим манбалар қаторига киради. Масалан 1916 йил 25 июнда подшо Николай II томонидан чиқарилган Туркистон аҳолисини фронт орқасидаги ишларга жалб қилиш тўғрисидаги фармонда ўлкамизда содир бўлган йирик халқ ҳаракатларининг сабаблари ва тарихий шарт-шароитларини тушиниб етишда муҳим аҳамиятга эгадирлар.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасини бошқариш билан машғул бўлган идораларда, корхоналарда ва бошқа идораларда иш юритиш ҳужжатлари йўлга қўйилди. Натижада ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳолини ўзида акс эттирган юзлаб ҳужжатлар яратилди. Бундай ҳужжатларни қуйидаги учта асосий гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Давлат муассасалари ҳужжатлари.
2. Банклар, хусусий корхоналар ва ширкатлар (фирмалар) ҳужжатлари.
3. Сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳужжатлари.

XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ҳужжатлар асосан қўлёзма шаклида эди.

XX асрнинг бошларида ёзув машинкаси тобора кенг тарқалиб бориши билан ҳужжатлар чоп қилина бошланди. Давлат муассасалари ҳужжатлари, шакл ва музmun жихатидан хилма-хилдир. Улар асосан протоколлар (журналлар ва стенограммалар), ҳисоботлар, муқотиба ҳамда бухгалтерия, дипломатик, ҳарбий ва суд-тергов ҳужжатларидан иборатдир.

Ўз РМДА да сақланаётган Россиянинг Қўқон, Бухоро ва Хива хонликлари ҳамда қўшни мамлакатлар билан тузган шартномалар дипломатик ҳужжатлар намунасидир. Суд ва тергов ҳужжатларини ўрганиш чоғида Туркистонда содир бўлган миллий-озодлик ҳаракатлари (Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йил қўзғолони ва ҳаказо) хусусида маълумотлар олиш мумкин. Иқтисодий тарих масалаларини тадқиқ этишда банклар, хусусий корхоналар ва ширкатларнинг ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади.

2. Сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳужжатлари.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг бу ерда турли сиёсий ташкилотлар, партиялар вужудга келди ва фаолият кўрсатди. Улар ўз фаолияти даврида катор ҳужжатлар яратдилар. Бу ҳужжатлар уларнинг сиёсий мақсадлари ва фаолияти йўналишларини аниқлашда катта рол ўйнайди. Сиёсий ташкилотлар ва партиялар ҳужжатлари уларнинг дастури ва маромномаларидан (программаси ва уставидан), иш юритиш ҳужжатларидан, варақалар, муқотиба ва бошқалардан иборатдир.

Бундай ҳужжатлардан дастлабкилари умумрус сиёсий партияларининг Туркистонда фаолият кўрсатган ташкилотларга тегишлидир. Эсерлар, социал-демократлар (большевиклар ва меньшевиклар), кадетлар ва бошқа ташкилотларнинг оз бўлсада сақланиб қолган ҳужжатларида уларнинг бу ерда олиб борган фаолиятининг асосий йўналишлари ўз аксини топган. Масалан, эсерлар партиясининг 1907 йилда «Сен курашда ўз эркингни қўлга оласан» сарлавхали дехқонларга қаратилган ўзбек тилидаги варақасида партия сиёсатининг асосий мақсадлари баён қилинган. XX асрнинг бошларида Туркистонда маҳаллий аҳоли вакиллари бирлаштирган. Аввало ерлик халқ манфаатларни химоя қилган сиёсий ташкилотлар ва партиялар майдонга чиқдилар. Булар жаидлар ташкилотлари («Тараққийпарварлар фирқаси, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар партиялари ва хоказо) «Шурий исломия» ва «Шурий уламо» жамиятлари, Туркистон федералчилар партияси ва бошқа сиёсий ташкилотлардир. Бу сиёсий ташкилотлар ҳужжатларининг жуда оз қисми бизгача етиб келди. Сақланиб қолган ҳужжатлар мазкур ташкилотлар ва партиялар фаолиятининг энг муҳим йўналишларини аниқлаш имкониятини беради.

Масалан, Туркистон ўлка мусулмонлари Совети («Шурий исломия»)нинг 1918 йили февралда Туркистон мухториятини бостириш жараёнида Қўқонда

қизил аскарлар содир этган хунрезлик муносабати билан чиқарган «Фарғона музофати фуқороларига» номли мурожаатномасини ўқисак, биз бу ташкилот ўлкада тинчлик ва осойишталик миллатлараро тотувлик тарафдорлари бўлганлигини билиб оламиз. Бу ҳужжат совет ҳокимиятининг «Шурои исломия» шаънига ёғдирилган бўхтонларни рад этади.

3. Статистик манбалар ва даврий матбуот материаллари.

Туркистон ўлкаси чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилгандан сўнг, бу ерда статистика хизмати йўлга қўйилди. Мунтазам равишда бутун Туркистон генерал-губернаторлиги, вилоятлар ва уездлар миқёсида иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга доир маълумотлар йиғиш йўлга қўйилди. Айрим буржуа ташкилотлари (биржалар, банклар, ширкатлар сармоядорлар уюшмалари) ўз фаолиятларига доир маълумотларни йиғишга ва эълон қилишга киришдилар. Бу маълумотларни бир қисми ўша даврда алоҳида статистик тўпламлар шаклида нашр этилди. Бошқа қисмлари эса архивларда сақланмоқда. Статистик манбалар алоҳида аҳамияти шундаки, улар жуда кўп асосан миқдорий маълумотларни ўз ичига олади. Бу даврга оид статистик маълумотлардан илмий мақсадда фойдаланиш қатор қийинчилик билан боғлиқдир. Биринчидан, айрим статистик ҳисоботларда «саноат», «ишлаб чиқариш», «корхона» сингари атамаларда ягона ёндашув йўқ. Иккинчидан, статистик маълумотлар баъзан бир ёки икки вилоят миқёсида йиғилгани ҳолда бироқ, бутун ўлкани қамраб олувчи маълумотлар сифатида бериб юборилган. Учинчидан, жуда кўп статистик ҳисоботларда бир хиллилик хос эмас. Тўртинчидан, айрим статистик маълумотлар ишончли эмас. Бундай маълумотлардан фойдаланиш танқидий ёндашувни талаб қилади. Масалан, «1897 йилги Россия империяси аҳолисини умумий рўйхатга олиш» номли статистик тўпламда Туркистон ўлкаси аҳоли саводхонлиги 2 фоиз деб берилган. Бунда маҳаллий аҳолини араб ёзувини билиши эътибора олинмаган. Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлардан қаътий назар, статистик манбалар Туркистон ўлкасининг бу

даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти хусусида энг ишонарли ва кенг қўламли маълумотлар берувчи муҳим манбадир.

Россия ҳукмронлиги даврида Туркистонда газета ва журналлар нашр этиш, матбаалар қурилиб, китоб чоп этиш йўлга қўйилди. 1870 йилда «Туркестанские ведомости» газетаси билан бир вақтда ўзбек тилида биринчи рўзнома «Туркистон вилоятининг газети» нашр қилина бошланди. XX асрнинг бошларида жаидларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Хуршид», «Тарақкий», «Тужжор», «Садой Туркистон», «Садой Фарғона», «Бухороий Шариф» сингари газета ва журналлар нашр этилди. 1905 йилда большевик Морозов «Самарқанд» номли газетани нашр эта бошлади. Февраль инқилобидан сўнг «Хуррият», «Турк эли» ва бошқа рўзномалар чиқарилди. Матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақола ва хабарлар Туркистон ўлкаси ҳаётининг турли масалаларига оид жуда кўп маълумотлар беради. Лекин даврий матбуот материаллари ҳам айрим нуқсонларидан холи эмас. Биринчидан, жуда кўп газета ва журналлар нашрларининг молиявий имкониятлари чекланганлиги сабабли 1-2 йил, айримлари эса ундан ҳам озроқ муддат давомида нашр қилинган холос. (Мустамлакачи маъмурлар органи бўлмиш «Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газетаси бундан мустасно). Иккинчидан, матбуот органларида баъзи воқеалар тўғри ва объектив тарзда ёритилмаган. Масалан 1898 йилги Андижон қўзғолонидан сўнг, Туркистон вилоятининг газети Дучки эшон шахсига салбий баҳо берган, бир неча мақола ва шеърлар эълон қилди. Бу ҳолни мазкур газета мустамлакачи маъмурларнинг позициясида тургани билан изохлаш мумкин. Демак, газета ва журналлар материаларидан фойдаланилганда бу матбуот органларининг сиёсий позицияси ва мафкуравий йўналишини эътиборга олиш зарур. Шундай бўлсада, даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган материаллар муҳим тарихий манбалар қаторига киради.

Мустамлакачилик даври тарихига оид муҳим манбалардан яна бири бу кўп жилдлик «Туркестанский сборник» номли тўпламдир. (594 жилддан иборат.) Ушбу даврда матбуот саҳифаларида эълон қилинган минглаб материалларни ўз

ичига олган мазкур тўплам ўлкамизнинг табиий шароити, тарихи, иқлими, иқтисодиёти, аҳолиси, хорижий мамлакатлар билан савдо алоқалари хусусида нихоятда бой маълумотлар беради.

4. Эсдаликлар ва бошқа мемуар манбалар.

Туркистон ўлкасининг тарихи ўша даврда яшаб ўтган арбобларнинг эсдаликлари, кундаликлари ва мактубларида ҳам ўз аксини топган. Рус зобити В. Тихменевнинг «Хива хонлигининг забт этилиши» расом В. Верещагиннинг «1868 йилда Самарқанда» ҳамда Федченко, Логофет, Хорошхин, Аминов каби олим ва сайёҳларнинг хотираларида чор Россиясининг Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини босиб олиш тафсилотлари, мустамлака Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий ахволи акс этган. Бироқ бу эсдалик ва хотираномалар бирёқлама характерга эга бўлиб, уларда кўпроқ мустамлакачи маъмурлар манфаати ифода этилган. Шу боис ушбу манбалардан танқидий руҳда фойдаланиш жоиз. Махаллий муаллифлар қаламига мансуб бўлган эсдаликлар ҳам эътиборга лойиқдир. Ахмад Дониш, Садриддин Айний, Садр Зиё, Мирзо Абдулазим Сомий каби тарихчи ва ёзувчиларнинг қаламига мансуб асарларда худди шу воқеалар бошқача нигоҳ билан ёритилади. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Мирзо Олим Махмуд Хўжанинг «Тарихи Туркистон», Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихий жахонномойи», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшохий» номли асарларида Россия истилоси ва унинг оғир оқибатлари конкрет фактлар ва жонли лавҳаларда кўрсатилган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Қонун чиқариш актлари, иш юритиш ҳужжатлари қандай манбалар сирасига киради?
2. Сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳужжатлари ҳақида сўзлаб беринг?

3. Статистик манбалар ва даврий матбуот материалларидан қандай фойдаланиш зарур?
4. Эсдаликлар ва бошқа мемуар манбалардан қай йўсинда фойдаланилади?

Мавзу-9: Ўзбекистоннинг XX асрдаги тарихига оид манбалар.

Режа:

1. Ўзбекистон ССРнинг Олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари.
2. Давлат муассаларининг иш юритиш ҳужжатлари.
3. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари.
4. Статистик манбалар ва даврий матбуот материаллари.
5. Эсдаликлар, кундаликлар, мактублар.

Таянч сўз ва иборалар. Ўзбекистон ССРнинг Олий қонун чиқарувчи органлари, ижроия органлари, съездлар, пленумлар, давлат муассасаларининг иш юритиш ҳужжатлари, КПСС, Ўзкомпартия, ишчи-деҳқон, солдат депутатлари съезди, статистик манбалар, эсдаликлар, кундаликлар, мактублар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
5. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001.

6. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т. : Шарқ. 2000.
8. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т.: Шарқ. 2000.
9. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий тахрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-8 жилдлар. –Т.: ЎМЭ, 2005.
11. Shamsutdinov R. va boshq. Vatan tarixi. K.2 /Ma'sul muxarrirlar: O' Mavlonov, Q. Usmonov.- Т.: Sharq, 2010.
12. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. .-Т.: Янги аср авлоди, 2012.
13. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Ўзбекистон ССРнинг Олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари.

1917 йил октябрь тўнтариши натижасида Туркистонда ҳам халқларнинг миллий-озодлик учун олиб борган эрк ва озодлик кураши бостирилиб, ўлкада узил-кесил совет ҳокимияти ўрнатилди. 70 йилдан зиёд муддат давомида халқимиз собиқ совет давлати таркибида ҳаёт кечирди. Бу даврда юртимизда содир бўлган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар нихоятда хилма-хил тарихий манбаларда ўз аксини топди. Совет даври тарихини ўрганишда Туркистон ССР (1918-1924) ва Ўзбекистон ССР (1925-1991) Бухоро ва Хоразм республикалари (1920-1924)нинг олий қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг ҳужжатлари асосий аҳамиятга эгадир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида эслатиб ўтилган республикалар расман мустақил давлатлар деб тан олинса-да, амалда улар ҳақиқий суверинитетдан маҳрум эдилар. Шу боисдан улар олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари қабул

қилган қарорлар асосан юқоридан белгилаб берилар эди. Ўрта Осиё республикалари марказ белгилаб берган йўлдан боришга коммунистлик партия (РКП (б) ВКП (б) КПСС)нинг стратегик мақсадларини амалга оширишга мажбур эдилар.

Хозирги Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган республикаларнинг олий қонун чиқарувчи органлари 1937 йилга қадар ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари съезди ҳисобланарди. Мунтазам равишда чақирилиб турган советларнинг съездларида мазкур республикалар конституциялари, қонунлар ва қарорлар қабул қилинар эди.

Советлар съездлари ҳужжатларида урушдан олдинги йилларда Совет давлатининг Ўзбекистонда амалга оширган иқтисодий сиёсати, ижтимоий тадбирлари ўз ифодасини топган.

1937 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг янги конституциясига мувофиқ, республикамизнинг Олий қонун чиқарувчи органи Ўзбекистон ССР Олий Совети (1989 йилдан сўнг - Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши) деб номланади. Олий Совет одатда ҳар 3-4 ой бир марта сессияга йиғилиб, унда турли қонун ва қарорлар қабул қилинар, республика конституциясига тегишли ўзгаришлар киритилар эди. Мазкур ҳужжатларни ўрганиш ўша даврда Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсат ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Совет даврида юртимизда содир бўлган сиёсий ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар бу ерда мавжуд бўлган республикалар (ТАССР, Бухоро ва Хоразм ССР, Ўзбекистон ССР) олий ижроия органлари-Халқ Комиссарлари Совети (Бухоро ва Хоразмда-Халқ Нозирлари Кенгаши) ва Министрлар Совети (1946-1991)нинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларида ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатлар Совет даври тарихини ўрганишда биринчи даражали аҳамиятга эга манбалар саналади. Лекин бу ҳужжатлар социалистик мафкура руҳи билан йўғрилганлигини эсдан чиқармаслик керак. Ўша даврдаги барча ижтимоий жараёнларга синфийлик позициясидан ёндашиш тамойили бу ҳужжатларда яққол намоён бўлганлигини кузатиш мумкин.

2. Давлат муассасаларининг иш юритиш хужжатлари.

Совет даврида ижтимоий ҳаётда содир бўлган ходисалар, турли тармоқларда эришганлар ютуқлар ҳамда йўл қўйилган хатоликлар марказий ва маҳаллий давлат муассасаларининг иш юритиш хужжатларида ўз аксини топган.

Республика вазирликлар, вазирликларга тенглаштирилган муассасалар, вилоят, шаҳар ва районларнинг бошқарув органлари хужжатларида у ёки бу соҳада, у ёки бу минтақада рўй берган ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий жараёнлар ўз ифодасини топган. Ушбу хужжатлар қисман нашр қилинган. Асосий қисми эса марказий ва вилоят давлат архивларида сақланаётган олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳамда давлат муассасаларининг иш юритувчи хужжатлари энг муҳим тарихий манбалар қаторига киради. Хисоботлар, маълумотномалар, мактублар ва бошқа хилдаги хужжатлардан иборат бу мансабаларсиз совет даври тарихининг тўлиқ манзарасини яратиш мумкин эмас.

3. Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари хужжатлари.

Совет даврида Ўзбекистонда ягона партия Ўзбекистон коммунистик партияси фаолият кўрсатган, холос. Бошқа сиёсий партиялар фаолияти Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардаёқ таъқиқлаб қўйган эди. Ўзбекистон компартияси республика халқи манфаатларини сабот билан химоя қилган мустақил сиёсий партия бўлмасдан КПСС нинг бир бўлаги хисобланарди. Шу сабабдан Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий органлари қабул қилган қарор ва кўрсатмаларни сўзсиз бажаришга мажбур эдилар. Шунини эслатиб қўйиш керакки, КПСС амалда ҳокимиятни ўз қўлида тўплаб олган давлатнинг олий органларидан ҳам юқорида турган партия бўлган. Демак, совет жамиятида, шу жумладан Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсат бевосита коммунистик партиянинг кўрсатмаларидан келиб чиқар эди. Шундай экан, совет даври тарихини тўғри ёритиш учун КПСС ва

унинг Ўзбекистондаги филиали-Ўзбекистон Компартияси ҳужжатларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. КПСС ва Ўзкомпартиянинг ҳужжатларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. КПСС ва Ўзкомпартиянинг съездларида, конференцияларида, марказий ва маҳаллий комитетларнинг пленумларида қабул қилинган ҳужжатлар партия дастури, қарорлар, мурожаатномалар ва бошқалар бу давр тарихини теранроқ ўрганиш имконини беради.

Совет даврида Ўзбекистонда касаба уюшмалари ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кўмиталари, турли ижодий ва касбий уюшмалар (театр ходимлари уюшмаси, ёзувчилар иттифоқи, спорт жамиятлари, рассомлар уюшмалари ва ҳақозо)лар фаолият кўрсатар эди. Бундай уюшмалар, бирлашмалар ҳамда, жамоат ташкилотларининг съездлари, конференциялари ва йиғилишларида қабул қилган қарорлар, уларнинг дастур ва мурожаатномалари ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини ёритишда муҳим ўрин тутди. Аммо бу уюшмалар ҳужжатларидан танқидий руҳда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг кўпида мазкур ташкилот ва уюшманинг фаолиятига баъзан ортиқча баҳо берилади.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг айрим ҳужжатлари нашр қилинган. Рус тилида нашр қилинган «Туркистон компартиясининг съездлари ва Марказий комитет пленумлари революциялари», «Ўзбекистон компартияси съездларининг қарорлари», «Ўзбекистон Компартияси факт ва рақамларда», «Ўзбекистон комсомоли съездлари қарорлари» номли тўпламлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари партиялар ва жамоат ташкилотларининг турли йиғинларида қабул қилинган айрим ҳужжатлар ўз вақтида матбуот саҳифаларида эълон қилинган эди. Партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳузуридаги архив ва унинг вилоятлардаги бўлимларида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланмоқда.

4. Статистик манбалар ва даврий матбуот материаллари.

Совет даврида давлат статистика хизмати йўлга қўйилди. 1918 йилда Марказий статистика бошқармаси тузилди. Шу вақтдан Туркистон АССРда ҳам статистика тизими шаҳобчалари вужудга кела бошлади. Статистик ҳисоб иқтисоднинг турли тармоқлари ҳамда ижтимоий жараёнларнинг бошқа муҳим соҳаларини қамраб олди. Жумладан, аҳоли, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, халқ таълими, савдо, молия, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва иш ҳақи ҳамда бошқа соҳаларга тааллуқли статистик маълумотлар мунтазам равишда йиғиладиган бўлди.

Статистик манбани таҳлил қилиш чоғида унга танқидий ёндашиш зарурдир.

Бундан асосий мақсад, келтирилган факт ва рақамнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишдир. Шунинг ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айрим даврларда масалан урушдан олдинги йилларда, 70-80 йилларда айрим статистик маълумотлар атайлаб сохталаштирилган эди. Масалан I ва II беш йилликларнинг якунлари шахсан Сталиннинг кўрсатмаси билан анча ошириб кўрсатилган. Бундан мақсад Сталин ва компартия тутган йўлнинг нақадар самарали эканлигини халқ ва жаҳон афкор оммасига кўз-кўз қилиш эди. 70-80 йилларда эса Ўзбекистонда етиштирилган пахта хом-ашёсининг миқдори оширилиб ёзилар эди. Шу йўл билан совет ҳукуматида рўй бераётган иқтисодий инқирозни ҳаспўшлашга ҳаракат қиларди.

Статистик маълумотларни қиёсий тарзда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Битта ёки иккита факт бирон-бир ҳодиса хусусида атрофлича маълумот бера олмайди. Шунинг учун бундай маълумотларни таҳлил этишда кўпинча қиёслаш услуби қўлланилади. Турли факт ва рақамларни бир-бирига солиштириб, ижтимоий ҳодисаларни ривожланиш тенденциялари ва суръатлари аниқланади.

Статистик маълумотлар ўз вақтида қисман нашр этилган. 1960 йилдан то 1983 йилга қадар рус тилида «Ўзбекистон халқ хўжалиги _____ йилда» номли статистик тўплам нашр этилди. Мазкур тўпламларда республикамиз халқ

хўжалигининг барча сохаларига доир фактик маълумотлар йиғилганди. Аммо статистик маълумотларни асосий қисми нашр этилмаган ва ҳозирги кунда архив фондларида сақланмоқда.

Эътиборга лойиқ статистик маълумотлардан яна бири - бу аҳолини умумий рўйхатга олиш материалларидир. Бундай рўйхатга олиш дастлаб 1897 йилда амалга оширилган эди. Совет даврида 8 маротаба аҳоли рўйхатга олинди. (1920,1923,1926,1939,1959,1970,1979 ва 1989 йилларда). Аҳолини рўйхатга олиш материаллари тарихчилар учун жуда муҳим маълумотлар беради. Лекин аҳолини рўйхатга олишлар ўртасида анча узоқ муддат ўтганлиги сабабли тадқиқотчилар кўп ҳолларда жорий демографик статистика материалларига мурожат қилишади.

Совет даври манбалари орасида даврий матбуот муҳим ўринда туради. Компартия ва Совет давлати фуқороларининг онгига социалистик мафкурани сингдиришда матбуот органларига муҳим роль ажратган эдилар. Шу боисдан Совет даврида Ўзбекистонда нашр этилган газета ва журналлар сони муттасил ошиб борди. 1918 йилда Туркистон АССРда 18 та номда газета ва журналлар нашр этилган бўлса, 70 йилларга келиб республикамызда нашр этилган газеталар сони 125 тани, журналлар сони 50 тани ташкил этди.

Совет даврида нашр этилган газета ва журналларни шакли ва мазмунига қараб турли шаклларга бўлиш мумкин. Даврий матбуот республика ва маҳаллий газета ва журналлар: партия ва ҳукумат ва жамоат ташкилотлари нашрларига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий илмий адабий-бадиий нашрларга бўлинади. Бу даврда Ўзбекистонда 6 та тилда газета ва журналлар нашр этилар эди. Шунини қайд этиш керакки, совет даврида матбуот партия комитетларининг назорат остида бўлиб, социалистик мафкура заминиди шаклланди ва ривожланди. Цензура партия ва ҳукуматнинг сиёсатиға мос бўлмаган материалларни нашр этишға йўл қўймасди. Лекин шунга қарамай, матбуот давр нафасини бизға етказди, ўтмишининг жонли лаҳзаларини ўз саҳифалариди акс эттиради.

Тадқиқотчи ўзини қизиқтирган мавзудан келиб чиққан ҳолда қайси газета ва журналлардан фойдаланишни билиши мазкур матбуот органларида нашр этилган маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаши зарур. Бунинг учун матбуотдаги материалларни бошқа манбалар билан солиштириш лозим.

5. Эсдаликлар, Кундаликлар ва Мактублар

Тарихий шахсларнинг ҳаёти ҳамда уларнинг фаолиятини, маънавий қиёфасини гавдалантиришда халқ турмушининг маиший томонларини ёритишда эсдаликлар, кундаликлар ва мактублар муҳим роль ўйнайди. Комил Яшиннинг «Ёдном», Комил Ёрматовнинг «Қайтиш», Т.Н. Қориниёзийнинг «Ҳаёт мактаби», Хабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида», Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида», Н.А.Мухиддиновнинг «Кремлда ўтган йилларим», Саид Олимхоннинг «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи», С.Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи» номли эсдаликларида совет даври тарихи турли нуқтаи-назардан ва позициялардан туриб жонли тарзда ёритилади. Маскур эсдаликлардан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш ўтмишни янада теранроқ тушиниб етиш имкониятини беради. Мемуар манбаларга хос бўлган муҳим хусусият-бу уларнинг субъективлигидир. Фактларни баён қилиш ва таҳлил этишда муаллифнинг шахсий хислатлари, дунёқараши ва сиёсий қиёфаси ўз аксини топади. Эсдаликларнинг яна бир хусусияти бу уларнинг кўп ҳолларда бир ёқламалигидир. Бу ҳол кўпинча муаллифнинг эгаллаб турган вазифаси, мансаби ва тасвирланаётган воқеаларга алоқадорлигига боғлиқдир. Эсдаликлар муаллифлари кўпинча воқеаларни тўғри баён этмайди. Эсдаликларда баъзи воқеа ходисаларнинг қасддан «унитиб қолиши» ёки мавжуд бўлмаган фактлар «эсга тушиши» эҳтимолдан холи эмас. Айрим муаллифлар ўтмиш воқеаларга янгича ёндашишни истамайдилар. (Комил Яшиннинг «Ёдном»), бошқалари эса ўтмишни модернизация (янгилаш) қилишга уринадилар. Шу боисдан тадқиқотчи эсдаликларда баён этган матеиалларни синчковлик билан таҳлил этишлари керак.

Мемуар манбаларнинг яна бир тури кундаликлардир. Кундалик деганда биз воқеалар жараёнида муаллифнинг ўз фикр мулохазаларини ёзиб боришини тушунамиз. Таассуротлар доираси кўпинча муаллифнинг кўрган-кечирганлари билан чекланади. Кундалик ёзувларда кўпинча замондош шахсларнинг жонли ва ёрқин қиёфалари гавдаланади. Мазкур манба муаллифнинг ички дунёсини билиб олиш имкониятини беради, воқеалар баёнига жонли тус беради. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу даврда Ўзбекистонда кундаликлар ёзиш кенг тарқалмаган эди.

Хатлар (мактублар) ҳам мемуар манбалар қаторига киради. Уларнинг кундалик билан ўхшаш томони кўп. Мактублар, асосан воқеалар жараёнида ёзилади. Улар одамларнинг ўзаро мулоқот қилиш воситасидир. Хатлар одатда кундаликларга нисбатан кенгроқ функцияларни бажаради. Шахсий муқотаба орқали одамлар маълум масалалар бўйича фикр алмашиб оладилар. Хатларни ўқиганимизда кўп воқеалардан хабардор бўламиз. Муаллифнинг қиёфаси ва дунёқараши кўз ўнгимизда гавдаланади. Масалан, II-жаҳон уруши фронтларидан жангчиларимиз йўллаган мактубларда урушнинг даҳшатли манзаралари, солдат ва офицерларнинг оғир турмуши ўз аксини топган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, совет даври тарихи бўйича нихоятда бой ва хилма-хил манбалар мавжуддир. Бу манбаларнинг кўпи социалистик мафкура руҳи билан йўғрилган бўлсада, уларни танқидий руҳда таҳлил этиш бу давр тарихининг реал манзарасини яратиш имкониятини беради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон ССРнинг Олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари ҳақида маълумот беринг?
2. Давлат муассаларининг иш юритиш ҳужжатлари қандай манбалар сирасига киради?
3. Сийосий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари ўша давр муҳитини тўлиқ очиб бера оладими?

4. Статистик манбалар ва даврий матбуот материалларидан тадқиқотчилар қай йўсинда фойдаланмоғи лозим?
5. Эсдаликлар, кундаликлар, мактублардан тўғридан-тўғри бирламчи манба сифатида фойдаланса бўладими?

Мавзу-10: Мустақил Ўзбекистон республикаси тарихи манбалари.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарлари Мустақил Ўзбекистон тарихи бўйича асосий манба.
2. Ўзбекистон республикаси олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари.
3. Мустақиллик даврига оид турли ҳужжатлар ва манбалар.

Таянч сўз ва иборалар. Президенти Ислам Каримов асарлари, Олий Кенгаш, Олий Мажлис, икки палатали парламент, парламент, Вазирлар Маҳкамаси, Президент Девони, Президент Девони архиви, Ўзбекистон Республикаси МДА, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги архиви, Ўзбекистон Республикаси ташқи алоқалар вазирлиги архиви, БМТ, Юнеско, ЎзЛДП, ЎзХДП, Адолат, Миллий тикланиш, Касаба уюшмалари, Камолот ёшлар ҳаракати, статистика, эсдаликлар, кундаликлар, Интернет тармоғи.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент. 1992 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. 1993 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. 1995 йил.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. 1997 йил.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида: тарих, маърифат, маънавият. Тошкент. 1998 йил.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. 2008 йил.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009 йил.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
10. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 1991.
11. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001
12. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. К.3 –Т.: Шарқ. 2000
13. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2008.
14. Ўзбекистон тарихи / Р. Муртазаева умумий таҳрири остида.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005.
16. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. -Т.: Янги аср авлоди, 2012.
17. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi.-Т.: SHARQ, 2013.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарлари Мустақил Ўзбекистон тарихи бўйича асосий манба.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий - мафкуравий ҳаётида юз берган мисли кўрилмаган ютуқлар тарихини тадқиқ этишда даставвал ушбу ютуқларга бошлаган Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари бирламчи манба сифатида тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортади. Президентимиз ташаббускорлигида ишлаб чиқилган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, “Ўзбек модели” дея эътироф этилган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканлигига жаҳон ҳамжамияти иқдор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнини ўрганишда Президент Ислом Каримов асарлари назарий-методологик манба бўлиб хизмат қилмоқда.

I. Махсус ёзилган асарлар.

18.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Тошкент. 1992 йил.

19.Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. 1993 йил.

20.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. 1995 йил.

21.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. 1997 йил.

22.Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида: тарих, маърифат, маънавият. Тошкент. 1998 йил.

23.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. 2008 йил.

24.Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009 йил.

II. Асарлар тўплами.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент.1993 йил.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. 1994 йил.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. 1998 йил.

4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 1998 йил.

5. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Тошкент. 1999 йил..

6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тошкент. 2005 йил.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент. 2011 йил.

III. Танланган асарлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. 1996 йил. 1-жилд.

2. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. 1996 йил.2-жилд.

3. Каримов И.А.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент. 1996 йил. 3-жилд.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент. 1996 йил.4-жилд.

5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Тошкент. 1997 йил. 5-жилд.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Тошкент. 1998 йил. 6-жилд.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент. 1999 йил. 7-жилд.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент. 2000 йил. 8-жилд.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Тошкент. 2001 йил. 9-жилд.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Тошкент. 2002 йил. 10-жилд.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Тошкент. 2003 йил. 11-жилд.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Тошкент. 2004 йил. 12-жилд.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Тошкент. 2004 йил. 13-жилд.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Тошкент. 2006 йил. 14-жилд.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Тошкент. 2007 йил. 15-жилд.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Тошкент. 2008 йил. 16-жилд.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Тошкент. 2009 йил. 17-жилд.
18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Тошкент. 2010 йил. 18-жилд.

19.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Тошкент. 2011 йил.19-жилд.

20.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир. Тошкент. 2012 йил. 20-жилд.

21. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Тошкент. 2013 йил. 21-жилд.

Ислом Каримов асарларида:

-Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг мустақилликка эришиш остонасидаги ҳолати ҳар томонлама кўрсатиб берилган;

-Республика иқтисодиётидаги таназзул ҳолатни тубдан ўзгартиришнинг объектив зарурлиги ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш суръатларини кўтариш йўллари аниқланган;

-Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўллари ишлаб чиқилган;

-Республикада янги давлатчилик тизимини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўллари аниқланган;

-Республика социал-иқтисодий ривожланиш натижаларидан келиб чиқиб, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини узлуксиз кўтариб бориш йўналишлари кўрсатилган.

Ислом Каримов асарларида республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг яхлит назарий ва амалий асослари, яъни ривожланишнинг “Ўзбек модели” ишлаб чиқилган.

Президент Ислом Каримовнинг асарларида юқоридагилардан ташқари бошқа иқтисодий, тарихий, илмий-маънавий муаммолар кўтарилган ва уларнинг ечими кўрсатиб берилган. Жумладан,

- халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини ошириш йўллари белгиланган.

-мамлакатимиз халқларининг ҳаққоний, тарихий анъаналари, урф-одатлари очиб берилган.

-юртимиз халқларининг маънавий ва моддий меросларини тиклаш ва асраб авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш масалалари кўрсатилган.

-республикада демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси асослаб берилган.

-Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимини, ижтимоий-маънавий соҳаларини модернизация қилиш ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига кириб боришини таъминлаш зарурлиги асослаб берилган.

-мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни кўз қорачиғидек асраш – даврнинг энг муҳим вазифаси эканлиги кўрсатиб берилган

-сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган турли мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш зарурлиги такрор-такрор таъкидлаб ўтилган.

-Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, асрий қардошлик туйғуларини ривожлантириш, яқин қўшничилик муносабатларини кучайтиришга доир принципиал муҳим ғояларни илгари сурган.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро сиёсий, иқтисодий, банк-молия, илм-фан ва маданият ташкилотларининг фаолиятларини такомиллаштириш, уларнинг жаҳон сиёсати, иқтисодиёти, илм-фани ва маданиятини юксалтиришдаги ролини ошириш, глобал, минтақавий муаммоларни, жумладан, Орол денгизи, Афғонистон билан боғлиқ муаммолар, минтақа хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Президент Ислом Каримовнинг асарлари республика таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш, кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини бажаришда биринчи ва ягона, илмий манба бўлиб хизмат қилади ва буни мазкур асарларнинг халқаро миқёсда тан олинганлиги ҳам исботланди.

2. Ўзбекистон республикаси олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари.

1991 йил 31 августда ўзбек халқининг асрий орзуси ушалди. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди. Утган 23 йил давомида республикаимиз асрларга тенг бўлган йўлни босиб ўтди. Мамлакатимизда чуқур сиёсий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикаимиз бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида дадил қадам ташламоқда. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият тамонидан тўла тан олиниб БМТ нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида босиб ўтган йўлини чуқур тадқиқ этиш илмий аҳамиятга эгадир. Бу давр тарихи хилма-хил манбаларда ўз аксини топди. Улар орасида давлатимизнинг олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари биринчи даражадаги манбалар қаторига киради. Миллий парламентимизнинг энг янги тарихи умумэътироф этган учта асосий даврга бўлинади. Биринчи давр: 1991-1994 йиллар, иккинчи давр: 1995-2004 йиллар, учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги даврга қадар.

Биринчи давр: 1990 йилда сайланган Ўзбекистон парламенти-Олий Кенгаш мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида (1991-1994 йиллар) ҳам фаолият кўрсатди. XII чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг XI сессиясида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари» тўғрисидаги тарихий қонун қабул қилинди. Олий Кенгаш ўз фаолияти давомида 200 дан ортиқ қонунлар, 500 дан зиёд қарорлар қабул қилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи бор мамлакат Президентини сайлади, Мустақиллик Декларациясини

қабул қилиб, ёш давлатимизнинг суверенитетини мустақамлашга қаратилган тарихий қонунларини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилганлиги ҳам юртимиз тарихидаги улкан ходисалардан бири ҳисобланади. Конституциясида янги давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий тизими, ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ўз аксини топди. Хуллас миллий парламентимиз ушбу даврда Олий Кенгаш деб аталиб, мустақил давлатимиз фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратди.

Иккинчи давр: 1994 йилда сайланган янги парламент I чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлис, 1999 йилда сайланган II чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси ва 2004 йилга қадар бўлган фаолияти давомида мустақил давлатимиз учун зарур бўлган қатор қонун ҳамда қарорларни қабул қилди ва амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий негизини яратиш борасида кўп ишларни амалга оширди. Жумладан, Олий Мажлис 1995-1999 йилларда 15 та сессия ўтказди. Сессияларда 10 та кодекс, 2та Миллий Дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилинди. Амалдаги қонунларга жами 216 та қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, Олий Мажлис 70 та халқаро шартномани ратификация (тасдиқлади) қилди, халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 58 та қарор қабул қилди. 2000-2004 йилларда бўлиб ўтган Олий Мажлисининг 16 та сессиясида 101 та қонун, 300 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди, 55 та халқаро шартнома ва битимлар ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 329 та қонун ҳужжатига 1357 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Учинчи давр: 2005 йил 27 январдан ўз ишини бошлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палата: Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида Президентимиз И.А. Каримов Олий Мажлисни кейинги фаолияти хусусида фикр билдириб, “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир”, деган дастурий маъруза қилиб унда жамиятимизнинг демократлаштириш ҳамда янгилашнинг аниқ ва теран асосланган концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005

йилда ва узоқ муддатли истиқболда ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг асосий вазифаларини илгари сурди.

Олий Кенгаш ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар муҳим тарихий манбалар бўлиб, уларда мустақиллик даврида амалга оширилган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий мазмуни ўз ифодасни топган. Мустақил давлатимизнинг икки палатали парламенти томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларни ижро этувчи олий орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир.

Республика Президентининг фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистонда содир бўлаётган сиёсий ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзида акс эттирган муҳим тарихий манбалар қаторига киради. Мустақиллик даври тарихини ўрганишда улардан фойдаланиш зарурдир.

Республика олий қонун чиқарувчи ва ижроя органлари ҳужжатлари ўз вақтида матбуот саҳифаларида, қисман бўлсада, нашр қилинган. Бу ҳужжатларнинг асл нусхалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивида сақланади.

3. Мустақиллик даврига оид турли ҳужжатлар ва манбалар.

Ўзбекистон тарихи, хусусан мустақиллик даври тарихини ўрганишда биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек президент И.А. Каримовнинг асарлари нафақат методологик асос балки асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади. И.А.Каримовнинг китоблари, нутқ ва маърузаларида республикамиз тараққиётининг асосий йўналишлари турли соҳаларда эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари, мавжуд муаммолар ва уларни ечиш йўллари ўз аксини топган. Президент асарлари республикамиз халқ хўжалиги тараққиёти, сиёсий ва ижтимоий ҳаётига доир бой материаллар, ишончли факт ва рақамлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожланишига доир маълумотлар республика вазирликларига тегишли

хужжатларда, «Ўзистикболстат» бош бошқармаси тўплаган материалларда ўз аксини топган. Мазкур манбалардаги факт ва рақамларни синчковлик билан ўрганиш, уларни таққослаш, бошқа манбалар билан солиштириш республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти тенденцияларини аниқлаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш учун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг хужжатлари муҳим роль ўйнайди. ХДП, «Миллий тикланиш», «Адолат», «ЎзЛДП» каби партияларнинг ҳаракатлари ва дастурлари, уларнинг маромномалари, курултой ҳамда бошқа анжуманларда қабул қилинган резолюция ва қарорлари уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари, фаолият йўналишлари ҳақида, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни тўғрисида хулосалар чиқариш имкониятини беради. Касаба уюшмалари, «Камолот» ёшлар жамғармаси, касбий ва ижодий уюшмалар ҳужжат ва материаллари мамлакатдаги ижтимоий жараёнлар тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Мустақиллик даври матбуот саҳифаларида ҳам ўз аксини топган. Информация замони бўлган ҳозирги даврда жамиятда содир бўлаётган барча ўзгаришлар газета ва журналларда ўз ифодасини топган. Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистонда матбуот органларининг сони кескин кўпайди. Совет даврида ташкил этилган газета ва журналлар билан бир қаторда «Халқ сўзи», «Народное слово», «Жамият ва бошқарув», «Оила ва жамият». «Фидокор», «Адолат», «Андижоннома», «Иқтисодиёт ва ҳаёт» сингари юзлаб янги нашрлар чиқа бошлади. Газета ва журналларда ижтимоий ҳаётнинг турли қирралари ўз аксини топмоқда. Шундай экан, мустақиллик даври тарихини ўрганишда даврий матбуот материалларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аммо газета ва журналларда эълон қилинган материаллар, факт ва рақамларни бошқа манбалардаги маълумотлар билан таққослаш фойдадан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқлик асосида ҳамкорлик қилмоқда, фаол ташқи сиёсат юргизмоқда. Республикамиз ташқи сиёсатини ўрганишда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалари матни дипломатик муқотиба, хориждаги элчи ва консулларимизнинг ахборотлари, ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Президент И.А.Каримов ҳамда Республикамиз делегацияларининг чет элларга сафарлари тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам ташқи сиёсий фаолият хусусида муҳим манбалар қаторига киради.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихи жуда кўп манбаларда ўз аксини топган. Бу манбалардан комплекс тарзда фойдаланиш истиқлол даври тарихини чуқур ўрганиш имкониятини беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарлари ҳақида сўзлаб беринг?**
- 2. Ўзбекистон республикаси олий қонун чиқарувчи ва ижроия органлари ҳужжатлари қандай манбалар сирасига киради?**
- 3. Мустақиллик даврига оид яна қандай қўшимча манбаларни биласиз?**
- 4. Мустақиллик даврига оид статистик манбалар қай йўсинда тўпланади?**

Глоссарий

Ажам – араб халқлари ва мамлакатларидан ўзга юрт ва халқлар.

Азархурра – оташпарастлар сиғинадиган муқаддас олов, ўт.

Амид ул-мулк – давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири.

Амир ул-умаро – амирлар амири, бош саркарда.

Анимизм – руҳ ва жонга ишониш; ота – боболар руҳига сиғиниш.

Антик-қадимги дунё тарихи яъни милoddан аввалги IV милодий IV асргача бўлган давр

Арк – ички қалъа, ҳукмдорнинг шаҳар ичидаги қўрғон – саройи, қароргоҳи.

Ахриман – зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва барча ёвузликлар.

Ахурамазда - зардуштийлик динининг бош тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сихат – саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.

Ашёвий манбалар-қадимги одамларнинг манзилгоҳлари, бинолар, турли иншоотлар, меҳнат қуруллари ва турли буюмлар киради.

Банд – Тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони; сув омбори; тўғон.

Банно – гишт терувчи бинокор.

Бантак – қул.

Барзикор – қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси.

Барид – кирим.

Барот - ижарага олиш.

Бек – эл-юрт, вилоят ҳокими.

Бегор – жамоат ишларига сафарбар этиш; ҳашар.

Бий – уруғ қабила оқсоқоли.

Бож – савдогарлардан олинадиган солиқ.

Боргоҳ – подшоҳ саройидаги қаср, қабулхона.

Босқоқ – мўғуллар ҳокимлик қилган XIII-XIV асрлардаги маҳаллий ҳоким.

Буронғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

Бурж – шаҳар ва қалъа деворлари ва миноралари.

Бўдун – чорвадор аҳоли; қора бўдун – қора, оддий халқ.

Вазир – девонхона бошлиғи.

Верст-масофа ўлчови, 1.6 кмга тенг бўлган.

Геральдика-(юнон. *Геральд* – герб, белги, нишон) қадимий герблар, турли-туман нишон ва белгиларни (масалан, қадимги туркий қабилаларнинг тамғалари) ўрганади.

Дабир-котиб, сарой ёки девонда ёзув-чизув ишлари билан шуғулланувчи котиб

Дапирпат – котиб, элчи, саркотиб.

Девон – вазирлар маҳкамаси.

Девонбеги – вазирлар маҳкамасининг бош маъмури.

Дехқон – илк ўрта асрларда “қишлоқ ҳокими”, ер эгаси.

Динор – бир мисқол (4,8гр) оғирликда зарб жтилган олтин ёки кумуш танга.

Дипломатика-(юнон. *Диплома* – икки букланган қоғоз; хужжат) расмий хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Довул – катта ноғора.

Ём – жом, савдо йўлларидаги қўноқ.

Ёзма манбалар-инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи у томонидан яратилган ёзма хужжатлар, йилнома ва солномалар, китоблар, қонунлар тўпламлари ва ҳаказо.

Жизья- ислом динига ўтмаганлардан олинадиган жонбоши солиғи.

Жомеъ – масжид – жума кунлари жамоат номози ўқиладиган катта масжид.

Жория – чўри.

Жувонғор – қўшинининг сўл қаноти.

Закот – чорвадан олинадиган солиқ; тўпланган бойликдан даромад солиғи.

Зарбхона – чақа ва тангалар зарб этиладиган устахона.

Илми аруз – поэтика.
 Илм ҳайъат – астрономия.
 Ихшид – илк ўрта аср вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.
 Иқтоъ, иқтаъ – йирик мансабдорга ҳадя этилган ер ва мулк.
 Кадивар – илк ўрта асрларда йирик ер эгаларига қарам бўлган зироаткор қишлоқ аҳолиси; чорикор.
 Калон – XIII асрдаги ер солиғи.
 Канбул – қўриқчи аскарӣ бўлима.
 Кашоварз – илк ўрта асрлардаги озод қўшчи, зироаткор.
 Каҳҳол – кўз табиби.
 Кешик - XIII асрда мўғуллар қўшинидаги заҳира қисм; гвардия, гуруҳ.
 Кофия – араб тили морфологияси.
 Қуҳандиз – ҳуқумдор қароргоҳи, акропол, пойтахт.
 Қўрагон – хон қуёви.
 Лавҳ – ёзув тахтаси, ёзув курсичаси, ёки курси.
 Лак – юз минг.
 Лингвистика-(лотинча)–тил ҳақидаги, унинг ижтимоӣ табиати, вазифаси, ички тузилишини ўрганади.
 Мадраса – олий диний имгоҳ.
 Мажус – оташпараст.
 Мажусӣ – оташпарастлик диндори.
 Манба- ўзида маълум маълумотга эга ёдгорлик
 Манглай – илғор гуруҳ.
 Миррих – Зардўштиӣлардаги уруш, жанг ва ғалаба тангриси.
 Мулки вақф – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ер-мулк, хайрли ишлар учун ажратилган мол – мулк.
 Мустафӣ – марказӣ ҳокимят девонхонаси дафтардор ҳисобчиси; молия вазири.
 Муҳраш – чит ва матоларга гул босувчи.
 Муҳтасиб – тош – тарозу, нарх – наво ва мафкура назоратчиси.
 Мушриф – сарой иш бошқарувчиси.
 Муҳрдор – девонхонанинг муҳр сақловчиси; муҳр босувчи, муҳр соҳиби.
 Метрология-(юнон. *Метрон* -ўлчов, *логос* – тушунча – билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик, масофа ва сатҳ ўлчовларини ўрганади.
 Модернизация-янгилаш
 Моддий манба-инсон қўли билан яратган барча нарсалар: меҳнат қуроллари, уй-жойлар, рўзғор буюмлари, санъат асарлари, ҳайкаллар ва ҳаказо.
 Наус – оташпарастлар хилхонаси, остадонлар сақланадиган мазор-қўрғон.
 Наф – шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.
 Намозгоҳ – ийд ибодатлари ўқиладиган масжид; ийдгоҳ.
 Нарратив-лотин. тилида-қисса, ҳикоя
 Ноҳид – Зардўштиӣлардаги ҳосилдорлик ва фаровонлик маъбудаси.
 Нумизматика-(лотин. *Нумис* –пул) қадимӣ пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Остадон (оссуарий) – сопол тобутча.

Оташгоҳ – муқаддас ўчоқ; ўтхона, оловхона.

Палеография-(юнон. *Палео* - қадимий, *графо* – ёзаман; қадимий ёзув) қадимий қўлёзма асарларнинг қоғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усуллари текширади.

Рабод – ташқи шаҳар, қарвонсарой.

Раис – шаҳар ҳокими.

Риёзиёт – математика.

Соҳибқирон – кунчиқиш ва кунботиш эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир, адолат соҳиби.

Соҳиби жамоа – ҳосил миқдорини белгиловчи маъмур учун йиғиладиган тўлов.

Соҳиби муаййид – мактубот ва ахборот вазири.

Соҳиби шурот – ҳарбий вазир.

Статистика-(лот. *claim* - бойлик, давлат) — бирон-бир ҳодиса ёки жараён тўғрисидаги жамланма маълумотлар (кўрсаткичлар) мажмуи (тўплами)ни билдиради.

Суворий – отлиқ аскар.

Суюрғол – олий табақа зодагонларига инъом қилинган ер-мулк.

Сфрагистика-(юнон. *Спрагис* –муҳр) қадимий муҳрлар (подшоҳлар, хонлар, амирлар ва қозилар муҳрлари) ва уларнинг ёзувларини текширади.

Таноб – 200-250 кв м ҳажмдаги ер майдони.

Тарбият ул-жайш – ҳарбий тактика.

Тарихий манба-инсон фаолияти натижасида яратилган моддий маҳсулот, ёзма
Ёдгорликлар

Топономика-(лотин. *Топос* –жой, ономо- исм, ном) жой номларини, уларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганади.

Тудун – турк ҳоқонлигининг вилоят ҳокимликларидаги вакили, вилоят ҳокими.

Туман – ўн минглик ҳарбий қисм.

Туман оғаси – ўн минглик аскарӣ қисм амири, қўмондон.

Туғро – давлат нишонаси, рамзи, герб.

Устурлоб – астраномия асбоби.

Ушр – ҳосилдан 10% ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

Фармондор – бошқарувчи.

Фарна – Зардўштийлардаги бахт ва толе худоси.

Фольклор манба-Халқ узоқ асрлар давомида ўзи ортирган тарихий билимларни оғзаки ижод орқали авлоддан-авлодга етказиб келди.

Фотокиноҳужжатлар-Фотография ҳамда кино санъати пайдо бўлгандан сўнг тарихий манбаларнинг янги бир гуруҳи вужудга келди.

Фоноҳужжатлар-граммафон пластинкалари ҳамда магнит тасмаларга ёзиб олинган нутқлар, суҳбатлар, адабиёт ва санъат асарларини тушунамиз.

Фулус – майда мис чақа.

Хатиб – дин пешвоси.

Хаттот – китоб ва рисолалар кўчирувчи котиб.

Хонбанди (конбанди) – сув омбори, катта ҳовуз.

Хубби – Зардўштийлардаги сув худоси, сув маъбудаси.

Хронология-(юнон. *Хронос*—вақт, *логос*-тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча)
қадимги халқлар орасида ва мамлакатларда

Чилангар – темирчи.

Шайхулисом – дин ва илм пешвоси.

Шаҳристон – ички шаҳар.

Эпиграфика-(юнон. *Эпи* –устида, тепасида, *грапхо* – ёзув; бирон нарсa; буюм устидаги ёзув) тош, металл буюмлар, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганади.

Этногенез – халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.

Этнография-юнон тилида Этнос-халқ, графхо-ёзаман. Халқшунослик.

Ясоқлар – Чингизхон жорий этган қонун-қоидалар тўплами.

Ўлпон – ер солиғи.

Ўтлоқ ва сувлоқ – яйловлардан олинадиган солиқ.

